

---

*Boqiy satrlar*

---

**БОБОРАҲИМ МАШРАБ**

**АГАР ОШИҚЛИГИМ  
АЙТСАМ**

*Ғазаллар*



Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи  
Тошкент – 2004

Тўпловчилар:

**Абдурашид Абдуғафуров, Жонибек Субҳон**

Луғат ва изоҳлар тузувчиси —

**Эркин Раҳмонов**

Масъул муҳаррир:

**Ваҳоб Раҳмонов**

## ҒАЗАЛЛАР

Тушди савдои муҳаббат бошима,  
Ор этар мардум<sup>1</sup> келурға қошима.

Қўб муҳаббат кўйнида қон йиғладим,  
Етти иқлим<sup>2</sup> фарқ бўлди ёшима.

Сажда айлар зоҳид ул меҳроб аро,  
Мен қилурман сажда эгма қошима.

Қил ҳазар, албатта, жонон, қаҳрдин,  
Узру зорим сенга—бағри тошима.

Муҳтасиб<sup>3</sup> тўктурди соқий бодасин,  
Етмади ақли анинг сирдошима.

Кунда юз минг жабр қилсанг, ўргулай,  
Қўй қараб ғам юкини бардошима.

Машраби девонани ҳайрон этиб,  
Не сабабдин келмадинг бир қошима.



---

<sup>1</sup>М а р д у м — одамлар

<sup>2</sup>И қ л и м — қибъасимон жуғрофий тушунча

<sup>3</sup>М у ҳ т а с и б — шариат назоратчиси

\* \* \*

Мен нола қилай шому саҳар дод эшигингда,  
Жонимни берай, шўхи паризод, эшигингда.

Ул лолаю райҳону суман, тоза қизил гул,  
Чун сарв қадин буклади шамшод эшигингда.

Хўбони<sup>1</sup> жаҳон бўлса тақи Юсуфи Канъон,  
Султону амир бандаи озод эшигингда.

Зулфунг сени бу жонима юз доми<sup>2</sup> балодур,  
Жоним қуши сайд ўлди чу сайёд эшигингда.

Олам бориси лаззати ҳуснунгни топибдур,  
Гирёну фиғон, нолаю фарёд эшигингда.

Савдои муҳаббатга тушубман сени излаб,  
Ўлдурди гаминг, кўзлари, жаллод эшигингда.

Ашким<sup>3</sup> тўқубон ҳажру гамингда кеча-кундуз,  
Вайрона ватан — манзили обод эшигингда.

Ул ҳусну жамолинг ўти Машрабга тушубдур,  
Парвона сифат куйди паризод эшигингда.

---

<sup>1</sup>Х ў б о н и —гўзаллар; <sup>2</sup>д о м и —тузоқ; <sup>3</sup>аш к и м — кўз ёши.

\* \* \*

Девонадурман шамъи шараржилва санамға,  
Курбон бўлай оташкадайи шуъла адамға.

Зебо санамим бода ичиб, юзини очиб,  
Ўт қўйди паризод гулистонни Эрамға.

Бир «ху»<sup>1</sup> биламен Лайлини мажнун қилаёздим,  
Девоналиғим шона урур зулфи санамға.

Юз жоним агар бўлса анга ҳеч аямасман,  
Мен талпинибон жон берайин қоши қаламға.

Зоҳидки, агар ичса эди бодайи маъшуқ,  
Сармаст бўлубон бормас эди Макка – ҳарамға!

Машраб, не балодур шикани<sup>2</sup> туррайи<sup>3</sup> кокул,  
Барбод ўладур кишвари дин ушбу ҳашамға.

<sup>1</sup>У – (Яъни Оллоҳ); <sup>2</sup>ш и к а н и – ҳалқа-ҳалқа <sup>3</sup>Т у р р а й и – соч ўрими

\* \* \*

Санам юзини кўрсатур ошиқи мубталосиға,  
Ғами била ўлғон адо Мажнуни бенавосиға.

Толиби ишқ ўлай десанг ҳиммати Адҳами керак,  
Зарра қачон етар, вале, васли санам аросиға.

Ёр юзини кўрай десанг, васли била бўлай десанг,  
Ризо керак қазосиға,<sup>1</sup> сабр керак балосиға.

Ўтти жаҳондин авлиё, муршиду ориф, анбиё,  
Бўлмадилар фирифтаси<sup>2</sup> дунёни можаросиға.

Восили Халқ бўлай десанг, ишқу муҳаббат ҳосил эт,  
Ўрта ҳавою кибр уйин шамъи юзин зиёсиға.

Куйса муҳаббат ўтиға фисқу фужур гуноҳларинг,  
Хилват этиб келур ўзи кўнгулнинг хонақосиға.

Машраби бенаводурман, арзу дилимни айтайин,  
Тараҳҳум<sup>3</sup> айла, эй пари, ишқингни бу гадосиға.

---

<sup>1</sup>Қазосиға – қисмат; <sup>2</sup>фирифтаси – алданган; <sup>3</sup>тараҳҳум – раҳм.

\* \* \*

Сенсан севарим, хоҳ инон, хоҳ инонма,  
Қондур жигарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.

Ғам шоми фироқингда кабоб этти фалакни,  
Оҳи саҳарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.

Ногаҳ сари зулфунг сори бўлдум сенга мойил,  
Эй тожи сарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.

Лаълинг ғамидин кўнглум эрур ғунча каби қон,  
Гулбарги тарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.

Заҳри ғами ҳажринг мени ўлдурғали етти,  
Эй лаб шакарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.

Машраб бўлубон кўйингга чун барқи<sup>1</sup> тажалли,<sup>2</sup>  
Қолмай асарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.

---

<sup>1</sup>Б а р қ и — чақмоқ; <sup>2</sup>т а ж а л л и — жилваланиш.

\* \* \*

Арзимни айтай боди сабоға,  
Биздин дуо деб ул дилрабоға.

Кўзлари Чўлпон, сарви хиромон,  
Зулфи паришон, қоши қароға,

Қомати ларзон,<sup>1</sup> ваъдаси ёлғон,  
Турмади ҳаргиз аҳду вафоға.

Учди кўзимдин ул пари янглиғ,  
Ташлади-кетди турлук балоға.

Шоҳи мукаррам, шоҳи муаззам,  
Қилмади шафқат мендек гадоға.

Қилдук иковлон бир аҳду паймон,  
Ҳар ким ёмондур солдук худоға.

Дарди фироқинг айлади бемор,  
Қайда борайин эмди давоға.

Ҳажрингда тинмай қилдим фиғонлар,  
Етти бу нолам арзу<sup>2</sup> самоға.

Қилғил тараҳхум,<sup>3</sup> эй ёри хушхў,  
Лойиқ эмасман жабру жафоға.

Дарду аламдин болу пар<sup>4</sup> айлаб  
Шаҳбоз<sup>5</sup> кўнглум учди ҳавоға.

---

<sup>1</sup>Л а р з о н – титрайдиган, диррилайдиган; <sup>2</sup>а р з у – ер; <sup>3</sup>т а р а х х у м – раҳм, шафқат; <sup>4</sup>п а р – қанот ва пат; <sup>5</sup>ш а х б о з – лочин.



Йўл бермадилар менга рақиблар,  
Чикдим бош олиб бул Карбалоға.

Эй ёри бадахд,<sup>1</sup> бемехр экансан,  
Раҳм айламайсан мен мубталоға.

Дарду ғам ичра сарғайди юзум,  
Ранг бергусидур ул қаҳрабоға.

Эй жонажоним, кўрсам жамолинг,  
Жоним тасаддуқ сен хуш адоға.

Ишқингда куйдум, эй сарвинозим,  
Бир марҳамат қил мен бенавоға.

Шавқингда жоним бўлди бараҳна,<sup>2</sup>  
Айб этмагин сен мен норасоға.

Юрдум йўлунгда мен кеча-кундуз,  
Фарёд этибон йиғлаб худоға.

Бечора ҳайрон, бесару сомон,  
Сувсаб қолибман бул Карбалоға.

Эй бағри тошим, ҳажрингда куйдум,  
Топшурдим охир қодир худоға,

Дилхаста Машраб қилмасму фарёд,  
Кўзлари жаллод олса ароға.

---

<sup>1</sup>Б а д а ҳ д — ваъдаси ёлғон; <sup>2</sup>б а р а ҳ н а — яланғоч.

\* \* \*

Кўнглумни бердим сен бевафоға,  
Куйди юрагим жабру жафоға.

Эй нозаниним, раҳм айла манга,  
Қолдим сени деб юз минг балоға.

Меҳнат чекарман роҳат кўрай деб,  
Қилсанг жафолар йиғлай худоға.

Бемори ишқинг бўлдум нетарман,  
Собир<sup>1</sup> – балоға, рози – қазоға<sup>2</sup>.

Мужгонинг<sup>3</sup> ўқи ўтти юракдин,  
Ногаҳ совуқ сўз тушди ароға.

Машраб, сени деб кечди жаҳондин,  
Раҳм айламайсан муфлис<sup>4</sup> гадоға.

<sup>1</sup>С о б и р – сабрли; <sup>2</sup>қ а з о ғ а – қисмат; <sup>3</sup>м у ж г о н и н г – киприк; <sup>4</sup>м у ф л и с – қашшоқ.

\* \* \*

Кўрсат жамолнинг мастоналарға,  
Ишқингда куйган парвоналарға.

Мендин дуодур, сендин ижобат,  
Жоним тасаддуқ жононаларға.

Эй кўнгли қаттиғ, раҳм айламайсан,  
Қилғил назора бечораларға.

Куйган ғарибман, шафқат қил охир,  
Кўйингда юрган девоналарға.

Машраб сени деб кечти жаҳондин,  
Бошини қўйди остоналарға.

\* \* \*

Эй сабо, ғамбодадурман, бистаримни<sup>1</sup> кавлама,  
Чун шафақ олудаман<sup>2</sup>, хокистаримни<sup>3</sup> кавлама.

Ҳар замоне Лайлидин манга китобатлар<sup>4</sup> келур,  
Сенки Мажнун бўлмасанг, сардафтаримни кавлама.

Хонавайронлар билур афтодаларнинг ҳолини,  
Эйки, маҳрам бўлмасанг, чашми таримни кавлама.

То кишига дард тегмай, бўлмади бағри кабоб,  
Дилда дардинг бўлмаса, дарди саримни кавлама.

Ҳажр тошидин сарофат<sup>5</sup> бошига етган ўзум,  
Киштийи<sup>6</sup> мотамдадурман, лангаримни кавлама.

Етти дўзах ўртанур афтодаларнинг оҳидин,  
Оташи ҳажрида куйган мижмаримни<sup>7</sup> кавлама.

Ломаконнинг шаҳрини бир «ху» била сайр айладим,  
Жабраил, борғил нари, болу паримни кавлама.

Баҳри раҳматга кириб қилдим вужудимни адам,  
Маърифатдин<sup>8</sup> беҳабарсан, дафтаримни кавлама.

Дурри дарёи маоний<sup>9</sup> бўлди чун Машраб, вале  
Дийдабийно<sup>10</sup> бўлмасанг, кўз гавҳаримни кавлама.

---

<sup>1</sup>Бистаримни – кўрма; <sup>2</sup>олудаман – беланчак; <sup>3</sup>хокистаримни – кулим; <sup>4</sup>китобатлар – мактублар; <sup>5</sup>сарофат – ҳой-ҳавас; <sup>6</sup>киштийи – кема; <sup>7</sup>мижмаримни – оташдан; <sup>8</sup>маърифатдин – Оллоҳ моҳияти ҳақидаги билимлар мажмуи; <sup>9</sup>маоний – маънолар; <sup>10</sup>дийдабийно – кўзи очиқ.

\* \* \*

Нетай, эй дўстлар, бўлмай юзи шамъиға парвона,  
Туман<sup>1</sup> минг ишва бирла кўнглум олди шўхи жонона.

Насими етса кўйидин бўлур гулзор саҳролар,  
Тушар оламға оҳим ўтидин бир раъди<sup>2</sup> барқона<sup>3</sup>.

Бўлубдур ман ҳамадин — ҳур бўлсун ё пари бўлсун,  
Жамиъи маҳлиқолардин анинг ишқида бегона.

Не тонг, раҳми келиб берса мени-э махмури ҳайронға,  
Ўшал ҳусн аҳли шоҳи ишқ майидин қатра паймона<sup>4</sup>.

Эрур зуҳд аҳли хурсанд, сояи қаддида аржуманд,  
Муҳаббат аҳли ишқ саҳросида мажруҳ девона.

Тилаб Ҳақдин кеча-кундуз бошимни саждадин олмам,  
Муродим ишқ эли хони танимдин қилса паймона.

Тарийқи ишқ аро ноёб агар, Машрабки, бир жонинг,  
Йўлида, бўлса минг жонинг, фидо қил шери мардона.

<sup>1</sup>Т у м а н — ўн минг; <sup>2</sup>р а ъ д и — момоқалдирок; <sup>3</sup>б а р қ о н а — яшин; <sup>4</sup>п а й м о н а — қадоқ.

\* \* \*

Дил ани дерларки, ҳаргиз можароси бўлмаса,  
Кўр ани дерларки, бас, чашми биноси<sup>1</sup> бўлмаса,

Жаннат ул-фирдавсни муфт<sup>2</sup> берса йўлда излама,  
Хайр ани дерларки, арзандек<sup>3</sup> риёси бўлмаса.

Хобгоҳим<sup>4</sup> арш эди, мунда ғалат туштум, дариф,  
Нур бўлур эрдимки, нафсим аждаҳоси бўлмаса.

Деди пайғамбар бу сўзни, Машрабо, бо сидқ эшит:  
«Дўзахи дерлар ани тарси<sup>5</sup> худоси бўлмаса».

---

<sup>1</sup>Б и н о с и — кўрадиган; <sup>2</sup>м у ф т — текин; <sup>3</sup>а р з а н д е к — тарикча; <sup>4</sup>х о б г о ҳ и м — ётоқхонам; <sup>5</sup>т а р с и — кўрқмоқ.

\* \* \*

Борурман остонига саҳар оҳи́ста-оҳи́ста,  
Сурарман кўзларимга хоки дар<sup>1</sup> оҳи́ста-оҳи́ста.

Ўтар бир-бир босиб ул шўх, боқмас бевафоликдин,  
Эрур андоқ вафосиз умр ўтар оҳи́ста-оҳи́ста.

Кичикликда, нигорим, аччиғ айтса айб эрмасдур  
Ки, фаслида бўлур ширин самар<sup>2</sup> оҳи́ста-оҳи́ста.

Жамолинг баркамол ўлди, бўлур бир-бир хатинг<sup>3</sup> пайдо.  
Баҳор ўлса ўсарлар сабзалар оҳи́ста-оҳи́ста.

Борур мискин бу Машраб гул юзунгни кўргали, аммо  
Кўролмай гул юзунг йиғлаб турар оҳи́ста-оҳи́ста.

---

<sup>1</sup>Д а р — эшик тупроғи; <sup>2</sup>с а м а р — мева; <sup>3</sup>х а т и н г — лаб узра майин туклар.

\* \* \*

Эй фалак, қилдинг мени ул меҳрибонимдин жудо,  
Булбули шўрида<sup>1</sup> янглиф гулситонимдин жудо.

Найлайн, қилдинг мени охир ғарибу нотавон,  
Мубталои ғам қилиб кўксумда жонимдин жудо.

Қумри янглиф бандалик<sup>2</sup> тавқини<sup>3</sup> бўйнуғи солиб,  
Термулуб ҳайрон эдим сарви равонимдин жудо.

Оҳ уруб қон йиғласам айб айламанг, эй дўстлар,  
Мен бўлбман тўтии ширин забонимдин жудо.

Кўҳ ба кўҳ<sup>4</sup>, саҳро ба саҳро, Машрабо, юрмоқ надур,  
Чуғзи<sup>5</sup> бевайронадурман ошёнимдин жудо.

---

<sup>1</sup>Ш ў р и д а – гулгулалӣ; <sup>2</sup>б а н д а л и к – қуллик; <sup>3</sup>т а в қ и н и – бўйинбоғини; <sup>4</sup>к ў ҳ – тоғма-тоғ; <sup>5</sup>ч у ғ з и – укки, бой ўғли.



\* \* \*

Булбул эрдим қилди ғам охир гулистондин жудо,  
Ҳар сў<sup>1</sup> мотам бирла юрдум шаккаристондин жудо.

Сийна чок эттим, менинг айбимни қилманг, дўстлар,  
Қилди Яъқубни фалак хуршиди Канъондин жудо.

Неча савдоларни кўрди бу менинг ғамлик сарим<sup>2</sup>,  
Бўлмадим бир соате зулфи паришондин жудо.

Норасонинг дастига, ёраб, бу гавҳар тушмасун,  
Қадр топмас ул нигин<sup>3</sup> дасти<sup>4</sup> Сулаймондин жудо.

Шодмони<sup>5</sup> изладим, бошимға ғам келди ҳама,  
Бир замоне бўлмадим бу оху афгондин жудо.

Машрабо, ўлгунча даргоҳида мақсудинг будур,  
Хотирингни қилмагил мундоқ пушаймондин жудо.

---

<sup>1</sup>с ў – томон; <sup>2</sup>с а р и м – бошим; <sup>3</sup>н и г и н – узук; <sup>4</sup>д а с т и – қўл;  
<sup>5</sup>ш о д м о н и – шодлик.

\* \* \*

Зиҳи расволиғим оламға солди шўру шар<sup>1</sup> танҳо,  
Наҳанги Нўҳ<sup>2</sup> фалак дарёси бўлди, алҳазар, танҳо

Биҳишт айвонию тоқу равоқин орзу қилмай,  
Нигорим бирла мен бир пираҳанда<sup>3</sup> халқи бар танҳо.

Олурға дину дунёнинг матоин орзу қилмай,  
Қаландарман, жаҳонни сайр этиб қилдим сафар танҳо.

Бори Руму Хито божу хирожин орзу қилмай,  
Чу Семурғики, парвоз айларам беболу пар<sup>4</sup> танҳо.

Шоҳи рўйи замину<sup>5</sup> тахту тожин орзу қилмай,  
Гадойи фақр бўлдум, сайр этарман баҳру бар<sup>6</sup> танҳо.

Дили тиғи ситамдин пора бўлғон халқни кўрдум,  
Зулм туғёнидин ҳарён юрурлар дарбадар танҳо.

Назар то қутби<sup>7</sup> олам қилмағунча, бегумон, билгил,  
Нечук олғай жавоҳир баҳрдин соҳиб назар танҳо.

Бало дашти агарчи, пурхатардур, ёнмағил зинҳор,  
Қадам бу водийға қўйғил бамисли шери нар танҳо.

Муҳаббатдин насими субҳи содиқ бўйи гул истар,  
Қани бу булбули шўридадин оҳи саҳар танҳо.

Сени кўргунча то, эй нозанин, Тангрига топшурдум,  
Мени мундоғ мусофир айлади даври қамар<sup>8</sup> танҳо.

Тиларсан, Машрабо, жон кулбасинда суҳбати маъшуқ,  
Киши маҳрам бўлолмас ёриға, бўлмас агар танҳо.

---

<sup>1</sup>Шар — ғавфо тўполон; <sup>2</sup>н ў ҳ — тўққиз; <sup>3</sup>ҳ а н д а — қўйлақда; <sup>4</sup>п а р — пат-қанотсиз; <sup>5</sup>з а м и н у — ер юзи; <sup>6</sup>б а р — денгиз ва қуруқлик; <sup>7</sup>қ у т б и — улуғ шайх; <sup>8</sup>қ а м а р — ой.

\* \* \*

Ул шўхи париваш била гар бода<sup>1</sup> ичайно,  
Сархуш бўлубон шишаи соғарни<sup>2</sup> чекайно.

Маҳв ўлди бу кўнгулки, анингдек баҳам ўлмас,  
Солғил назаринг менгаки, қурбонинг ўлайно.

Олуда<sup>3</sup> бўлуб бош-аёғим жўши гуноҳдин,  
Раҳм айлаки, ваҳми ғазабингдин титирайно.

Помоли<sup>4</sup> чаман сабза сифат бўлди вужудум,  
Ташрифи қудуми қадаминг фатҳи этайно.

Машраб, турушунг мисли насимдур бу жаҳонда,  
Бир дамда келиб сайр қилиб зуд<sup>5</sup> кетайно.

---

<sup>1</sup>Б о д а – май; <sup>2</sup>с о ғ а р н и – май; <sup>3</sup>о л у д а – булганиб; <sup>4</sup>п о м о л и – оёқости; <sup>5</sup>з у д – тез.

\* \* \*

Сетор ила савти наво айлаганинг хўб,  
Хўблар ичида маснади жоҳ<sup>1</sup> айлаганинг хўб.

Бир бокирае хуру пари хусниға таржих<sup>2</sup>,  
Ишрат саманиға минибон ҳайдаганинг хўб.

Паргор<sup>3</sup> бўлуб гавҳари дарёйи муҳаббат,  
Бир нуқтага жон гавҳарини боғлаганинг хўб.

Гар бод<sup>4</sup> мисол чарх уруб, Машраби мискин,  
Мастона қаро кўзга нигоҳ чекмаганинг хўб.

---

<sup>1</sup>Ж о ҳ — амал оромкурсиси; <sup>2</sup>т а р ж и ҳ —устун, афзал; <sup>3</sup>п а р г о р —  
циркул; <sup>4</sup>г а р б о д — шамол.

\* \* \*

Ғам биёбонида қолдим, йиғладим кўп ёр деб,  
Оҳ уруб, фарёд этиб, булбулдайин гулзор деб.

Кечаю кундуз куярман ишқ ўтиға доимо,  
Дарбадар излаб юрурман соҳиби асрор<sup>1</sup> деб.

Лашкари ғам ҳам синуқ қўнглумни афгор айлади,  
То давосиз дардга қолдим, ожизу бемор деб.

Гарчи осийман, эмасман раҳматингдин ноумид,  
Ҳар на қилса эрки бор ул, бандаси ночор деб.

Маърифатлик бир эгам деб бўлма ғофил, Машрабо,  
Гарчи ғофирдурки<sup>2</sup>, йўқдур меҳрибон жаббор<sup>3</sup> деб.

---

<sup>1</sup>а с р о р – сирлар; <sup>2</sup>ғ о ф и р д у р к и – кечирувчи <sup>3</sup>ж а б б о р – жабр қилувчи.;

\* \* \*

Доимо ёдинг била юрдум чу саргардон бўлуб,  
Оху фарёд айлабон ҳажрингда чу жўён<sup>1</sup> бўлуб.

Ҳар қаён юрдум сўроғинг топмадим, эй гульузор,  
Айланиб келдим яна ғам уйига ҳайрон бўлуб.

Тинмайин қон йиғладим қўйида раҳм этгайму деб,  
Илтифоте қилмай ўтти ул пари жавлон бўлуб.

Доғи ҳажринг куйдуруб бағримни, эй номехрибон,  
Жола<sup>2</sup> янглиғ қўзларимдин оқти қон борон<sup>3</sup> бўлуб.

Арзи ҳолим кимга айтай, меҳрибоним йўқ менинг,  
Ким қулоқ солиб эшиткай ҳолима гирён<sup>4</sup> бўлуб.

Заъфарондек сарғайиб қолдум фироқинг чўлида,  
Ўлгум эмди поймоли<sup>5</sup> лашкари ҳижрон бўлуб.

Киприкинг новаклари<sup>6</sup> кўксумни айлаб ёралар,  
Ғамзалик қилгон нигоҳинг ўтти бир пайкон<sup>7</sup> бўлуб.

Бўлма ғофил, Машрабо, эмди яроғинг тўғрила,  
Дам-бадам вақти сафардур, қолма боармон бўлуб.

---

<sup>1</sup>Ж ў ё н – излаб; <sup>2</sup>ж о л а – жала; <sup>3</sup>б о р о н – ёмғир; <sup>4</sup>г и р ё н – йиғлоқи; <sup>5</sup>п о й м о л и – оёқости; <sup>6</sup>н о в а к л а р и – ўк; <sup>7</sup>п а й к о н – камон ўқи учигади темир парча.

\* \* \*

Шухрат айлаб ким алардек худнамоларни<sup>1</sup> кўрунг,  
Зоҳири сувратпараст ноошноларни кўрунг.

Йўлни билмас умми /й/ларнинг кўзига ориф<sup>2</sup> бўлуб,  
Ўзи манзилга етолмай нобиноларни<sup>3</sup> кўрунг.

Барчага айлар насиҳат ўзини доно этиб,  
Йўлда қолган бекасу бераҳнамоларни<sup>4</sup> кўрунг.

Куфру иймонни билолмаслар, каромат айлабон,  
Тоату тақво билан соҳибриёларни<sup>5</sup> кўрунг.

Ўзини айбин ёпиб, халқ айбини ифшо қилиб,  
Зоҳиру ботинда мундоғ норасоларни кўрунг.

Ҳар киши сўрса насабдин<sup>6</sup> дам урарлар нафс учун,  
Ботини-фиръавну зоҳир-авлиёларни кўрунг.

Лоф урарлар орифи якдиламан деб халқ аро,  
Халқни гумроҳ қилиб, юзи қароларни кўрунг.

Зоҳирида сўфийман деб тарки дунё айлаган,  
Ботини дунёга мойил бахт қарорларни кўрунг.

Халқнинг кўзига ҳар дам сувратин дигар<sup>7</sup> қилиб,  
Нафс учун шайтон билан юрган гадоларни кўрунг.

Ўзининг авлодини халқ ичида ифшо қилиб,  
Танда йўқ маъно, қуруқ номи сароларни кўрунг.

Шухратим офат бўлур деб Машрабинг қўл олмади,  
Кўзда ёшим қатраси дурри бақоларни кўрунг.

---

<sup>1</sup>х уд нам о л а р н и – ўзини кўрсатувчиларни; <sup>2</sup>о р и ф – маърифатли; <sup>3</sup>н о б и н о л а р н и – сўқир, кўр; <sup>4</sup>б е р а ҳ н а м о л а р н и – йўлбошчисиз; <sup>5</sup>с о ҳ и б р и ё л а р н и – риёкорларни; <sup>6</sup>н а с а б д и н – ота-боболарга тегишли улугъ фазилатлар; <sup>7</sup>д и г а р – ўзга, бошқа.

\* \* \*

То кийди қизил, ўзини зебо қилойин деб,  
Ўт ёқди жаҳон мулкида ғавғо қилойин деб.

Машшота<sup>1</sup> била жилвада кўргузди қадини,  
Мендек неча девонани шайдо қилойин деб.

Зебо санамим гул юзидин парда кўтарди,  
Олам ҳама кўз бўлди тамошо қилойин деб.

Зулфини тараб қош учуруб, жилвалар этти,  
Ошуби<sup>2</sup> бало, фитнани барпо қилойин деб.

То айладим олдиға бориб арзи ниёзим<sup>3</sup>,  
Чин солди<sup>4</sup> жабиниға<sup>5</sup> таманно қилойин деб.

Мастона саманд секрата келди шаҳи хунрез,  
Шамшири жафони яна бурро<sup>6</sup> қилойин деб.

Кўп йилки бу қул хизматини қилмади баржо<sup>7</sup>,  
Келдики ғазаб бирла сазо қилойин деб.

Бошимни кесиб олгилу хушҳол бўлуб кет,  
Қонимни мени лолаи саҳро қилойин деб.

Ханжар қўлида Машрабин ўлдурғали келди,  
Ғавғои қиёматни ҳувайдо<sup>8</sup> қилойин деб.

---

<sup>1</sup>М а ш ш о т а — қиз-келинларни безатувчи аёл; <sup>2</sup>о ш у б и — ғавғо; <sup>3</sup>н и ё з и м — муҳтожлик; <sup>4</sup>с о л д и — чимирмоқ; <sup>5</sup>ж а б и н и ғ а — манглай; <sup>6</sup>б у р р о — кескир; <sup>7</sup>б а р ж о ўринлатмоқ; <sup>8</sup>ҳ у в а й д о — кўрсатай.



\* \* \*

Офати жоним, ул санам, қоши қаросини кўрунг,  
Икки юзиға чулғонур зулфи сиёсини<sup>1</sup> кўрунг.

Гоҳо қизил қабо<sup>2</sup> кийиб, қирмизи сочбогин солиб,  
Нозу карашмалар қилиб, аҳди вафосини кўрунг.

Ҳуру паридин тозадур, шамсу қамар<sup>3</sup> хижил эрур  
Ким они кўрса бандадур, ҳусни расосини кўрунг.

Гоҳи қошини ё этиб, кирпик ўқи бирла отиб,  
Жоду кўзини ўйнотиб, макру балосини кўрунг.

Машраби бенаводурман, васлинг учун гадодурам,  
Ҳажр ўтиға куёдурман, ёр жафосини кўрунг.

<sup>1</sup>с и ёс и н и – қора; <sup>2</sup>қ а б о – устки кийим; <sup>3</sup>қ а м а р – қуёшу ой.

\* \* \*

Ҳеч кима маълум эмас ҳоли паришоним менинг,  
Осмонни тийра<sup>1</sup> қилди оҳу афғоним менинг.

Мен нечук шод этмайинким хаста кўнглум бир даме,  
Келди ҳолимни сўраб жон ичра жононим менинг.

Эй ситамгар, келгилу эмди шаҳид этгил мени,  
Мавж урсун Карбало даштида бу қоним менинг.

Чун сенингдек нозанин жамъи мулкда<sup>2</sup> йўқ турур,  
Бу жаҳонда кўрмадим, эй кўзи Чўлпоним менинг.

Нозу истиғно била келиб мени ҳолимни сўр,  
Термулуб доим йўлунгда чашми гирёним<sup>3</sup> менинг.

Тобакай<sup>4</sup> жабру ситам айлаб юурсан, эй рафиқ,  
Чиқди, Машраб, ушбу ғамдин бу азиз жоним менинг.

---

<sup>1</sup>Т и й р а — қоронғи, зулмат; <sup>2</sup>м у л к д а — мамлакатда; <sup>3</sup>г и р ё н и м — йиғлоқи; <sup>4</sup>т о б а к а й — қачонгача.

\* \* \*

Охирирни дарду ғамга ошно қилди бу дард,  
Йиғламай найлайки, рўзимни сиё<sup>1</sup> қилди бу дард.

Кийибон эғнима қон йиғлайки мотамлик либос,  
Не диловарларни<sup>2</sup> ер ичра фано қилди бу дард.

Бахт қаролиғ мундин ўтмас — толеъим бўлди забун<sup>3</sup>,  
Мен вафо қилдим тамаъ<sup>4</sup>, қайтиб жафо қилди бу дард.

Ёғдуруб бошимга ҳар соат лаҳаднинг гардини,  
Нотавону ғамзада<sup>5</sup>, бахти қаро қилди бу дард.

Ҳамнафаслардин жудо айлаб мусибат шаҳрида,  
Ошноларни манга ношно қилди бу дард.

Қайғулук бошимга ҳар дам кўҳи<sup>6</sup> ғамни орттуруб,  
Мисли Адҳамдек жаҳондин Мосуво<sup>7</sup> қилди бу дард.

Ичканим захроба бўлди, кийганим бўлди кафан,  
Бошима тўққуз фалакни осие<sup>8</sup> қилди бу дард.

Ғуссадин ўртанди Машраб, сўрмадинг аҳволини,  
Дўсту душманга мани ангуштнамо<sup>9</sup> қилди бу дард.

---

<sup>1</sup>с и ё — қора; <sup>2</sup>д и л о в а р л а р н и — баҳодирларни; <sup>3</sup>з а б у н — заиф;  
<sup>4</sup>т а м а ъ — умид; <sup>5</sup>ғ а м з а д а — ғам адойи тамом қилган; <sup>6</sup>к ў ҳ и — тоғи;  
<sup>7</sup>м о с у в о — ҳамма нарсдан маҳрум <sup>8</sup>о с и ё — тегирмон <sup>9</sup>а н г у ш т н а м о — бармоқ билан кўрсатиладиган, таънага учраган.

\* \* \*

Бир боқиб менга қаро кўз учидин жонон қиз,  
Айланиб, юз ўгуруб қилди юракни қон қиз.

Кунда минг дард ўқини отти ҳазин жонимға,  
Бириға айламади лабларидин дармон қиз.

Юзига парда тутуб шамъ уза фонус каби,  
Юз туман зуҳд элини айлади саргардон қиз.

Золиму қотилу хунхор эрур, бешафқат,  
Бори ағёримни олдида бўлур хўбон қиз.

Ишқида оҳим ўти учқунидур ой ила кун,  
Ким дегай бу шарари<sup>1</sup> кўзларидур Чўлпон қиз.

Бу фалак хони<sup>2</sup> уза қилма гумон ахтар<sup>3</sup> деб,  
Садқаи ҳуснига тўлдурди дуру маржон қиз.

Куйдурур жаннату ризвон эшигин оташи ишқ,  
Ҳурлар хизматига боғлади бел чандон қиз.

Васл гулзори аро булбули нолон Машраб,  
Шаккарин ханда ила тўтийи Ҳиндистон қиз.

---

<sup>1</sup>ш а р а р и — учқун; <sup>2</sup>х о н и — дастурхон; <sup>3</sup>а х т а р — юлдуз.

\* \* \*

Кокулинг анбар дурур, жон ичида жонон қиз,  
Кўзларинг ахтар<sup>1</sup> дурур, юзи моҳи тобон<sup>2</sup> қиз.

Лабларинг эрур лаълдек, юзларинг қизил гулдек,  
Барча сенгаким қулдек, хизматинга қурбон, қиз.

Оразинг очилган гул, сочларинг эрур сунбул,  
Тишларинг мисоли дурр, лабларингда пинҳон қиз.

Бир кўруб сени, золим, қолмади менинг ҳолим,  
Танг бўлубдур аҳволим, билмадингки, нодон қиз.

Кокулунгни ўрганда, бурқаъ<sup>3</sup> бошга қўйганда,  
Жоним ўртанур танда, офтоби даврон қиз.

Ой юзунгни кўрганда, лабларингни сўрганда,  
Машрабинг қилур ханда, лаъли шаккарафшон<sup>4</sup> қиз.

---

<sup>1</sup>а х т а р – юлдуз; <sup>2</sup>т о б о н – порлоқ ой; <sup>3</sup>б у р қ а ъ – чиммат;  
<sup>4</sup>ш а к к а р а ф ш о н – шакарсочлар.

\* \* \*

Жаҳонда топмадим ҳамдард, қолдум нотавон ёлғуз,  
Саропо<sup>1</sup> ғам саводи<sup>2</sup> ичра қолмишман ниҳон ёлғуз,

Кўзунг яғмо<sup>3</sup> қилур бекас<sup>4</sup> кўнгулни, ҳеч ажаб эрмас,  
Қароқчи қўрқутур ҳар ерда топса карвон ёлғуз.

Неча мендекни гардун мубталои дарду ғам қилди,  
Демам мунча жафони манга қилди осмон ёлғуз.

Сенинг таърифингга ҳар банд-бандим нолалар қилмиш,  
Қачон асрори ишқинг айта олғой ҳар забон<sup>5</sup> ёлғуз.

Отарлар ҳар тарафдин шўхлар мужгонларидин ўқ,  
Қилибтурлар менинг кўксумни ҳар ёндин нишон ёлғуз.

Бут кун, дўстлар, матои сабру оромимни олдурдум,  
Қилолмас ҳифз<sup>6</sup> маҳзун бўлса ровий дoston ёдғуз.

Мен, эй Машраб, сенинг кўюнг сориға бормағим  
мушкул,  
Не бўлғай гар ўзунг кулбамға келсанг меҳмон ёлғуз.

---

<sup>1</sup>С а р о п о — бошдан-оёқ; <sup>2</sup>с а в о д и — зулмати; <sup>3</sup>я ғ м о — талог-торож; <sup>4</sup>б е к а с — кимсасиз; <sup>5</sup>з а б о н — тил; <sup>6</sup>ҳ и ф з — ёд олмоқ.

\* \* \*

Барчалар ёнди<sup>1</sup> гуноҳдин, менки ёнмасман ҳануз,  
Хоби ғафлатдин уёнди, мен уёнмасман ҳануз.

Тавбаи тавфиқ билан йиглаб турарлар зор-зор,  
Охират аъмолин айтиб мен қутулмасман ҳануз.

Бандаларким, лутфинга ҳар дам суяниб ўлтурур,  
Бедаво нафсимни излаб мен суянмасман ҳануз.

Орифу содиқ ҳама панду насихат олдилар,  
Барча пандинг олдилар, пандингни олмасман ҳануз.

Бандалик қилсанг такаббур қилма, шайтон феълидур,  
Мен такаббурдин замоне холий эрмасман ҳануз.

Бандалик қилмай Азозил бўлди саркаш<sup>2</sup> амрига,  
Рондаи<sup>3</sup> даргоҳ бўлди, менки ёнмасман ҳануз.

Дунёни кўп йиғди Қорун кетти ул ер қаърига,  
Дунёдин бир дам замон кўнгул узолмасман ҳануз.

Банда бўлсанг, Машрабо, кечкил ҳавойи ҳирсдин,  
Кечди барча ҳирсдин, ҳаргиз кечолмасман ҳануз.

---

<sup>1</sup>Ё н д и — қайди; <sup>2</sup>с а р к а ш — бош тортмоқ; <sup>3</sup>р о н д а и — қувилган, рад этилган.

\* \* \*

Мен нечук юргум бу ғурбатхонада дилдорсиз,  
Умр эмас ошиққа гар бир лаҳза бўлса ёрсиз.

Меҳнату роҳатга «хў»<sup>1</sup> қилган кишилардин сўранг,  
Ҳеч илме сийнага жо бўлмади такрорсиз.

Дарбадар бўлдум, жаҳонни кўп тамошо айладим,  
Ҳеч гулни кўрмадим оламда бўлгай хорсиз.

Кўнгул олдурган кишилардин билинг дил розини,  
Буки — ҳар ким кўнгул олди ул эмас озорсиз.

Кавлама бағримни, кўнглумни паришон айлама,  
Телмуруб қолди кўзум йўлида ул дийдорсиз.

Мунда ўртанган кўнгул охир етар мақсудиға,  
Ҳеч булбул бўлмағай олам аро гулзорсиз.

Кимёни толиби бўлган киши жондин кечар,  
Ҳеч ганже<sup>2</sup> кўрмадим оламда бўлгай морсиз<sup>3</sup>.

Учрамай кетти ўшал маҳвашга<sup>4</sup> рози дил десам,  
Топмадим дилдорими ёлғуз даме ағёрсиз.

Машрабо, вақти надоматдур биродарлар қани?  
Истиқомат қилма дунёда парирухсорсиз.

---

<sup>1</sup>х ў —ўрганган, одатланган; <sup>2</sup>г а н ж е — хазина; <sup>3</sup>м о р с и з — иломсиз; <sup>4</sup>м а ҳ в а ш г а — ойдай гўзалга.



\* \* \*

Жафо қилдинг бу жонимға, вафони кўрмадим ҳаргиз,  
Бу оламда ўзумдек мубталони кўрмадим ҳаргиз.

Муҳаббат йўлига қўйдум қадам, ҳолим забун<sup>1</sup> бўлди,  
Ба ғай раз меҳнату<sup>2</sup> дарду балони кўрмадим ҳаргиз.

Табибо<sup>3</sup>, муддате бўлдики, мен дардига ҳамдамман,  
Узудди риштаи жоним, давони кўрмадим ҳаргиз.

Ҳама суратпараст бўлди фашу дасториға<sup>4</sup> мағрур  
Ки, зоҳид ичра мутлақ бериёни кўрмадим ҳаргиз.

Мусибат селининг барбоди бўлдум кўҳна дунёда,  
Қўлумни тутгудек бир ошнони кўрмадим ҳаргиз.

Етушди басталик коримға, билмамдур иложини,  
Талаб вақтида бир соҳибдуони кўрмадим ҳаргиз.

Ёзилди тахтаи иқболима сардафтари ғурбат,  
Адашган ерда сўрган раҳнамони кўрмадим ҳаргиз.

Жароҳатли дилимнинг захмини ҳар кимга кўрсаттим,  
Ажаб толеъ забундурман, шифони кўрмадим ҳаргиз.

Бузулган хотирим ҳаргиз жаҳонда кўрмади шоди<sup>5</sup>,  
Жаҳон айвонида ғайр аз жафони кўрмадим ҳаргиз.

Жаҳонни тарк қилдим, Машрабо Иброҳим Адҳамдек,  
Саропо<sup>6</sup> дард кўрдум, муддаони кўрмадим ҳаргиз.

---

<sup>1</sup>з а б у н – хароб; <sup>2</sup>м е ҳ н а т у – машаққатдан ўзга; <sup>3</sup>т а б и б о – ип;  
<sup>4</sup>д а с т о р и ғ а – салла; <sup>5</sup>ш о д и – шодлик; <sup>6</sup>с а р о п о – бошдан-оёқ.

\* \* \*

Кўрунди кўз қаросига магар хайли<sup>1</sup> паризоде,  
Шафақ тутти жаҳонни, келди ё бир қадди шамшоде.

Чарогон бўлди дунё ё магар келди менинг ёрим, —  
Биёбон бўлди боғу бўстони хуррамободе<sup>2</sup>.

Ҳужуми ғам қилиб барбод келди бир насими хуш,  
Магар озода ёрим, дўстлар, ишқ қилди бунёде.

Агар ул шоҳи хоқон қатлима лашкар чекиб келса,  
Юроким чок этиб айлай ани олдида ҳам доде.

Баҳористон бўлди, ранг-баранг гуллар бўлуб пайдо,  
Хазон этмак учун, дўстлар, илоҳо, келмагай боде<sup>3</sup>.

Неча йиллар ётибмен қор, ёмғур остида ғам еб,  
Паризодим, маликам қилмади лекин мени ёде.

Ариг<sup>4</sup> йўлга ўзингни олки, Машраб, ўтти умрунг, лек,  
Муроду мақсадиға етмагай ҳаргиз хароботий<sup>5</sup>.

---

<sup>1</sup>х а й л и — гуруҳ; <sup>2</sup>х у р р а м о б о д е — гуркираб яшнаган;  
<sup>3</sup>б о д е — шамол; <sup>4</sup>А р и г — тоза, тўғри, пок; <sup>5</sup>х а р о б о т и й — сўфий.

\* \* \*

Минг шўру фиғон бирла, ҳай-ҳай, не бало келди,  
Жон қичқурадур қўй деб, ханжарни оло келди.

Қўлиға олиб фўлод, қошимға келур жаллод,  
Қилди мени бебунёд, тиғи гузаро<sup>1</sup> келди.

Кетсам бу алам бирлан, юз қоҳиши ғам бирлан,  
Савғои санам бирлан, хуш даври сафо келди.

Рози бўлойин ўлсам, жон бергуча бир кўрсам,  
Мундоғ не бало бирлан шиддатли қазо келди.

Заҳматга қазо ёндош, бўлди ҳаммаси йўлдош,  
Ул жавру жафо подош<sup>2</sup>, тиклаб югуро келди.

Девонаи Машрабсан, кўрқуб нега йиғларсан,  
Ошиқ кишига ўлмоқ айни муддао келди.

<sup>1</sup>Г у з а р о — ўткир, кескир; <sup>2</sup> п о д о ш — жазо, мукофат, эваз.

\* \* \*

Кеча базмингдин йироқ ишқ аҳли чандон йиғлади,  
Куйди ҳам парвона, ҳам шамъи шабистон<sup>1</sup> йиғлади.

Соғиниб Юсуфни Яъқуб йиғлади шому саҳар,  
То мусофир бўлди Юсуф аҳли Канъон йиғлади.

Соқие, сун бир суроҳий<sup>2</sup>, дамбадам фарёд этиб,  
Аҳли мажлис олдида ёш ўрнига қон йиғлади.

Ҳажр шоми куйганимға куйди, ўртанди чу барқ<sup>3</sup>,  
Ҳам мени дарди дилимға чархи гардон<sup>4</sup> йиғлади.

Ҳар тикан ғам даштида санчиб аёғим қилди чок,  
Менга ёр раҳм айламас, хори муғилон<sup>5</sup> йиғлади.

Бўлмасун оғаҳ киши ҳоли дилимдин халқ аро,  
Гарчи кулди оғзимиз, аммо дилу жон йиғлади.

Машрабо, гар жон яқосин чок-чок этсам, не айб  
Ким, фалак жабридин ул сарви хиромон йиғлади.

---

<sup>1</sup>ш а б и с т о н — ётоқ хона; <sup>2</sup>с у р о ҳ и й — қадаҳ; <sup>3</sup>б а р қ — эшин;  
<sup>4</sup>г а р д о н — айланувчи фалак; <sup>5</sup>м у ғ и л о н — тиканакли дарахт,  
акация.

\* \* \*

Тушти ишқинг, эй пари, ақлимни ҳайрон айлади,  
Ҳажринг ўти куйдуруб, бағримни бирён<sup>1</sup> айлади.

Эй нигоро, орзуйи оразинг васлинг тилаб,  
Гунчадек лаблинг гами ашким тўла қон айлади.

Гоҳ-гоҳо раҳм этиб, банданг сари қилғил назар,  
Ошиқинг жондин кечиб, ўзини қурбон айлади.

Доимо ишқингда йиғларман сенинг, эй нозанин,  
Гар бугун ким йиғлар эрса, тонгла хандон айлади.

Қатрайи ваҳдат<sup>2</sup> майидин лутф ила қилди карам,  
Завқу шавқидин бериб оламда султон айлади.

Эй биродарларки, мендин офият<sup>3</sup> кўз тутмангиз,  
Бир пари ақлим олиб кўйида нолон айлади.

Соқийи пири муғон<sup>4</sup> сунди шароби антахур<sup>5</sup>,  
Мосуво<sup>6</sup> айлар ҳамадин — мушқил осон айлади.

Бир масалдур — дунёнинг осойиши кофирғамиш,  
Бу жаҳонни ошиқиға чоҳи зиндон айлади.

Халқи олам, эй париваш, ошно бўлғач сенга,  
Машрабингни бошиға кўп тийрборон<sup>7</sup> айлади.

---

<sup>1</sup>б и р ё н — қовурган; <sup>2</sup>в а ҳ д а т — якка-ягоналик, оламда Оллоҳдан бошқа нарса йўқлиги ҳақидаги тушунча; <sup>3</sup>о ф и я т — хотиржамлик; <sup>4</sup>м у ф о н — Муғлар, оташпарастлар роҳиби; <sup>5</sup>а н т а ҳ у р — пок шароб, жаннат аҳли ичадиган шарбат; <sup>6</sup>м о с у в о — ҳеч нарсасиз; <sup>7</sup>т и й р — б о р о н — ўқ ёмғири.



\* \* \*

Мен кимга айтай, дўстларим, девона қилди ишқ мени,  
Садпора<sup>1</sup> қилди юраким, девона қилди ишқ мени.

Тун-кечалар дод айласам, ҳар дам сени ёд айласам,  
Ишқингда фарёд айласам, девона қилди ишқ мени.

Шому саҳар гирён бўлай, йўлунгда саргардон бўлай,  
Охир сенга қурбон бўлай, девона қилди ишқ мени.

Ҳамдам бўлай майхонаға, сокин бўлай бутхонаға,  
Бошим қўяй остонаға, девона қилди ишқ мени.

Ишқ аҳлиға ҳамдам бўлай, халқ йўлиға маҳкам бўлай,  
Даргоҳиға маҳрам бўлай, девона қилди ишқ мени.

Девонаи шайдо бўлай, мен толиб мавло бўлай,  
Халқ олдида расво бўлай, девона қилди ишқ мени.

Машрабга қил лутфу карам, ваҳдат шаробин дамбадам,  
Эй соҳиби Лавҳу Қалам<sup>2</sup>, девона қилди ишқ мени.

---

<sup>1</sup>С а д п о р а — юз бўлак; <sup>2</sup>қалам — оллоҳ даргоҳиға яқин манзиллар номлари.

\* \* \*

Бул ғариблиғ меҳнати кўнглумға кўб кор айлади,  
Қилди бағрим поралар, жонимни афгор айлади.

Ёрди кўксум, эзди бағрим, оҳ, бу дарди фироқ,  
Ўртади мискин танзим, ер бирла ҳамвор<sup>1</sup> айлади.

Жоми ғурбатдин ичиб, қилдим ғариблик ихтиёр,  
Не жафолар жонима ул чаши хуммор айлади!

Телба бўлдум, ҳарза гардум, билмадим нуқсоними,  
Оқибат ишқинг мани расвои бозор айлади.

Ҳар қаёндин дарду ғам тегди дили афгорима,  
Бу мани жисмимда дарду ғамдин анбор айлади.

Доимо чектим риёзат куну тун тинмай, вале<sup>2</sup>,  
Бул тааллуқдин<sup>3</sup> мани кўнглумни безор айлади.

Номид бўлма, агарчи, осийсан, эй Машрабо,  
Баҳри раҳмат осий қулларға сазовор айлади.

---

<sup>1</sup>ҳ а м в о р — тенг, текис; <sup>2</sup>в а л е — бироқ; <sup>3</sup>т а л л у қ д и н —  
кишини дунёга боғлайдиган нарсалар: оила, мол-дунё.



\* \* \*

Ошиқ улдур то дилида сақласа асрорни,  
Бархам урса йўлиға оламда йўқу борни.

То ўзунгга дард тегмай, айланиб келмас даво,  
Бас бу маънодин ҳақимлар кўп сўрар беморни.

Гарчи осийман анинг даргоҳидин навмид эмам<sup>1</sup>,  
Бир гул учун сув берурлар сад ҳазорон<sup>2</sup> хорни.

Охири манзилга етмасдур кудуратлик кўнгул,  
Дилга жо бермоқ на ҳожат душмани ғаддорни.

То дилингга маърифатдин нури имон бўлмаса,  
Суфийлар, бир «ху»ға<sup>3</sup> алмашланг фошу дасторни<sup>4</sup>.

Хотири покингни машғул қилма ҳаргиз дунёға.  
Дил ғуборолуда бўлди ул кўролмас ёрни.

Авлиёлардек муаззам<sup>5</sup> бўлайин десанг, вале,  
Машрабо, ҳеч канда қилма дилдин истиғфорни<sup>6</sup>.

---

<sup>1</sup> э м а м — ноумид эмасман; <sup>2</sup> ҳ а з о р о н — юз минглаб; <sup>3</sup> ғ а — у, яъни Оллоҳ; <sup>4</sup> д а с т о р н и — салла; <sup>5</sup> м у а з з а м — буюк; <sup>6</sup> и с т и ғ ф о р н и — тавба.

\* \* \*

Маърифат бозорининг девонаси,  
Бул ҳақиқат ишқининг<sup>1</sup> майхонаси.

Оҳ уруб чиқса жаҳонни куйдурур  
Ошиқ аҳлин зийнату сармояси.

Икки дунёни кўзумға илмадим,  
Менки ул дийдорнинг ҳайронаси.

Айлади кўнгулнинг уйин хароб,  
Бул эрур тан мулкининг вайронаси.

Мосувони<sup>2</sup> тарк қилдим ишқида,  
Бул жаҳону ул жаҳон бегонаси.

Машраби девонани ҳайрон этиб,  
Қадди мавзун<sup>3</sup>, эгма қошинг қораси.

---

<sup>1</sup>И ш қ и н и н г – ҳақиқий ишқ – инсоннинг Оллоҳга бўлган ишқи; <sup>2</sup>м о с у в о н и – нарса, лаш-луш; <sup>3</sup>м а в з у н – хушбичим.

\* \* \*

Оқ юзунгда холу хат<sup>1</sup> қўз кўрмағайди кошки,  
Кўнглума юз доғи ғамни қўймағайди кошки.

Ишқ бир оқ айлагач, кетти футур дин уйидин,  
Бодани беғаш<sup>2</sup> кўрубон сунмағайди кошки.

Чун Наманган шаҳридин парвоз айлаб мурғи руҳ,  
Донаи холин кўрубон қўнмағайди кошки.

Ёр жилва бирла боқти, руҳу жон бўлди кабоб,  
Ушбу ҳодисни бошимға солмағайди кошки.

Айрилиқнинг дардидин жоним куядур ё магар,  
Доғи ҳасратдин бу жоним қуймағайди кошки.

Кошки жонимни олса, доғи ҳасрат қўймаса,  
Ушбу доғи айрилиғни кўрмағайди кошки.

Машрабо, ёр хизматини айла жону дил била,  
Ушбу даврон ҳам ғанимат, ўлмағайди кошки.

---

<sup>1</sup>х ат — устки лабдаги майин туклар; <sup>2</sup>б е ғ а ш — қуйқасиз, соф.

\* \* \*

Ногоҳ кўрунуб кўзлари шаҳло боқа қолди,  
Парда кўтариб, қошини ул дам қоқа қолди.

Ошиқ эканимни билибон дилбари раъно,  
Ақлимни олиб, жонима ўтлар ёқа қолди.

Рухум эритиб ёшини<sup>1</sup>, ваҳ-ваҳ, юзи оташ,  
Ишқ чақмоқини жонима ул дам чақа қолди.

Тарсобачани кўрдуму дин кетти қўлумдин,  
Қил сажда дебон бўйнума зуннор тоқа қолди.

Мен они учун кечаю кундуз югурурман,  
Ёрим келибон биргина ҳолим сўра қолди.  
Айди: «Не тиларсан?» Дедим мен:

«Шамъи жамолинг!»

Кўрсатти юзин, мақсуд ҳосил эта қолди.

Машраб юрубон олам аро топмади мақсуд,  
Юз шукрки, онинг била улфат бўла қолди.

---

<sup>1</sup>Ё ш и н и – яшин.

\* \* \*

Эй санам, ҳажринг ўтиға дийда<sup>1</sup> гирён<sup>2</sup> бўлғуси,  
Кўрмасам бир дам юзунгни тарки имон бўлғуси.

Мардумони<sup>3</sup> кўзларинг бир кофири бераҳм эрур,  
Гарчи кофирни кўруб тарсо мусулмон бўлғуси.

Гар чиқиб ҳар ёнға боқсанг ёр зулфингни тараб,  
Шамъ ўлуб куйган кўнгул бир дам паришон бўлғуси.

Қоматингни кўрсалар маҳшарда гар инсу малак,  
Ҳуру филмонлар «Бу ким» деб барча ҳайрон бўлғуси.

Қатраисув томса гар шўрида кўздин, Машрабо,  
Ташналик вақтида боқсанг роҳати жон бўлғуси.

<sup>1</sup>д и й д а — кўп; <sup>2</sup>г и р ё н — йиғлоқи; <sup>3</sup>м а р д у м о н и — қорачиғлари.

\* \* \*

Мени даврон бу кун дарду аламға мубтало қилди, —  
Жафожў нозанинлар бирла ёру ошно қилди.

«Алиф»дек «жон» аросида ниҳоли қоматин асраб,  
Фамидин оқибат қаддимни «нун» янглиғ дуто<sup>1</sup> қилди.

Биродар, сен бу кун мендин умиди офият қилма,  
Юрак-бағрим оқиб кўздин, ажал юзини во<sup>2</sup> қилди.

Кишига айтаёлмай бошга тушган табъи ҳолимни,  
Бу ҳасрат бора-бора ўзини бағримга жо қилди.

Бу ҳолимға тараҳҳум<sup>3</sup> қилғудек бир меҳрибоним йўқ,  
Мени бечора қилди, зор қилди, бенаво қилди.

Бу бешафқат фалак солди менинг бошимға савдолар,  
Чу андин неки келди — бори тақдири худо қилди.

Халойиқ дуни<sup>4</sup> бўлсам ҳам жаҳон ичра фаниматман,  
Бу кун ё тонгла айтурларки, Машраб ҳам қазо қилди.

---

<sup>1</sup>д у т о — букилган; <sup>2</sup>в о — очди; <sup>3</sup>т а р а ҳ ҳ у м — раҳм; <sup>4</sup>д у н и — тубан.

\* \* \*

Кел, эй дилбар, юзунг очгил, тасаддукдур  
бу жон эмди,  
Фироқинг ўтига куйдум, куяр бу устухон эмди.

Нечук айлай, аё дўстлар, бўлубман зору  
саргардон,  
Давосиз дардга учрабман, ўларман бегумон эмди.

Жаҳонда ҳеч киши борму жудолиғдин хароб  
бўлгон,  
Етибдур ҳалқума жоним, менга йўқ меҳрибон  
эмди.

Тушубдур кўнглума дардинг, кима айтай, кима  
йиглай,  
Лаҳад ичра кетар бўлдум, юроким тўла қон эмди.

Кетибон меҳрибон дилбар юрак-бағрим кабоб этти,  
Етолмасман нигоримга, қилай кўксум нишон эмди.

Кел, эй Машраб, жудолиғдин нега мунча хароб  
бўлдунг,  
Етубдур сенга бу навбат, кетар яхши-ёмон эмди.

\* \* \*

Кимга айтиб йиғлайин нозук адонинг дардини,  
Хонавайрон айлаган ноошнонинг дардини.

Дилни бердим анга мен ғайр аз жафони<sup>1</sup>  
кўрмадим,  
Айтиб-айтиб йиғлайин ул бевафонинг дардини.

Умрум охир бўлди етмай доманини<sup>2</sup> гардиға,  
Кимга айтиб, кимга йиғлай дилрабонинг дардини.

Дарбадар аввораман, куйди дилим ахгар<sup>3</sup> сифат,  
Бахти қаро яхши билур бахти қаронинг дардини.

Осмон бесар<sup>4</sup> бўлур айтсам аламлик дoston,  
Ҳар кишига айта билмам раҳнамонинг дардини.

Дашту саҳролар куяр Мажнуннинг тортган оҳига,  
Бесаруполар билур соҳиб азонинг<sup>5</sup> дардини.

Норасоларға сухан<sup>6</sup> қилмоқ хатодур, Машрабо,  
Билса ҳар ким чорёри босафонинг дардини.

---

<sup>1</sup>Ж а ф о н и — жафодан ўзгани; <sup>2</sup>д о м а н и н и — этагининг;  
<sup>3</sup>а х г а р — чўғ; <sup>4</sup>б е с а р — нотинч; <sup>5</sup>а з о н и н г — азали; <sup>6</sup>с у х а н — сўз.



\* \* \*

Кел, эй дилбар, баён айлай сенга бир-бир  
жудолиғни  
Ки шояд раҳм этиб солсанг ўзунгга ошнолиғни.

Тамоми хонумонимдин кечибон бир сени дерман,  
Ўзунгдин ўзга билмайдур, ўзунг билғил  
фидолиғин.

Чу сендин ўзгани демам, қасам Оллоҳ: қабул  
этғил,  
Ки зулмунг манга айлаб, ўзгага берғил  
сафолиғни.

Сулаймон тахти-ю Жамшиднинг жомига бермасман,  
Кўлумга косаи чўбин олиб қилсам гадолиғни.

Аё, эй тошюрак бедил, жафожў, зулмгар, бедод,  
Нигоро, кимдин ўргандинг мунингдек  
бевафолиғни?

Сен, эй зоҳид, насиҳатни бориб меҳроб аро  
айтғил,  
Жаҳонда кўрмадим ҳаргиз киши сендек риёлиғни.

Залолатпешалиғни аҳли дунлар сендин ўргангай,  
Мунофиқ бадаслик ҳам тамағир рўсиёлиғни.

Риё тоат қилиб, кундузлари ўзни дебон муршид,  
Кечадан тонг қадар қилғунг ўзунгдек юз  
қаролиғни.

Аё Машраб, – деди зоҳид, – Гуноҳинг беҳисоб эрмиш,  
Агар авж айласа Саттор кечар<sup>1</sup> сонсиз гунолиғни.

---

<sup>1</sup>К е ч а р – айбларни беркитувчи; Оллоҳ.

\* \* \*

Бу тани хокийнию руҳи равонни на қилай?!  
Бўлмаса қошимда жонона, бу жонни на қилай?!

Ёрсиз ҳам бодасиз Маккага бормоқ не керак?!  
Иброҳимдин қолгон ул эски дўконни на қилай?!

Ураинму бошима саккиз биҳишту дўзахин?!  
Бўлмаса васли менга икки жаҳонни на қилай?!

Зарраи нури қуёшдек бу жаҳон ичра тамом  
Ошкоро бўлмаса, бу сирри ниҳонни на қилай?!

Аршининг кунгурасин устиға қўйдум оёғим,  
Ломакондин жой олиб-ман бу маконни на қилай?!

Бир худодин ўзгаси барча ғалатдур, Машрабо,  
Гул агар бўлмаса қўлумда тиконни на қилай?!

\* \* \*

Дилбар кўйида «Вашшамсу» ваззуҳо<sup>1</sup> ўқуй,  
Мақбул бўлса ҳамдинга «Лаҳни уло» ўқуй.

Мажнунсифат фироқ даштида зор йиғладим,  
Дарду гаминг, лайливашим, лайлу<sup>2</sup> наҳор<sup>3</sup> ўқуй.

Қошу кўзунгни ҳажрида, эй меҳри<sup>4</sup> моҳжабин<sup>5</sup>,  
Ашким сувини оқизиб файзи баҳор ўқуй.

Шавқи муҳаббатингда кезиб Балх шаҳрини,  
Хатти шаҳидликни кўруб ошкор ўқуй.

Фироқ қиссаси Машраб фикрида эрур,  
Мастона Балх шаҳрида беихтиёр ўқуй.

---

<sup>1</sup>В а з з у ҳ о — «Куръон»даги оятларга ишора; <sup>2</sup>л а й л у — тун, кеча; <sup>3</sup>н а ҳ о р — тонг; <sup>4</sup>м е ҳ р и — қуёш; <sup>5</sup>м о ҳ ж а б и н — айиманглар.

\* \* \*

Муродинга етай десанг қаландар бўл, қаландар бўл,  
Ситам аҳлин ютай десанг қаландар бўл, қаландар бўл.

Оғиздин дур сочай десанг, шароби ишқ ичай десанг,  
Ёмонлардин қочай десанг қаландар бўл, қаландар бўл.

Фасод аҳлин қувай десанг, кетига бир урай десанг,  
Бу даргоҳдин сурай десанг, қаландар бўл, қаландар бўл.

Риёзатсиз бўлай десанг, таним озод юрай десанг,  
Жаҳонни сайр этай десанг қаландар бўл, қаландар бўл.

Разолат куйдурай десанг, залолат ўлдурай десанг,  
Ҳаммасин супурай десанг қаландар бўл, қаландар бўл.

Бу тақводин кечай десанг, хонақоҳдин қочай десанг,  
Ҳақиқатни ечай десанг, қаландар бўл, қаландар бўл.

Гуҳаррезлик қилай десанг, ҳаммани кулдурай десанг,  
Бу Машрабдек бўлай десанг, қаландар бўл, қаландар бўл.

\* \* \*

Ёрни кўйида мен жавлон қилай,  
Итларини сониди афгон қилай.

Кошки, бу кулбаи аҳзон<sup>1</sup> аро  
Итларини бир кунни меҳмон қилай.

Ёр қилгон захм битмас, эй табиб,  
Дема менга дардингга дармон қилай.

Оқизиб кўздан сиришким беадад,  
Хаймаи афлокни<sup>2</sup> вайрон қилай.

Кес бошимни ханжари нозинг билан,  
Сендин ўзга кимга саргардон қилай?!

Зулфи мушкингни тасаввур айлабон,  
Бу варақни сафҳаи райҳон қилай.

Ишқ куйдурса бу ошиқ кўнглини,  
Сийна ичра ўт нечук пинҳон қилай?!

Гул юзин кўрсатти — ўлдурди мени,  
Ёрни жисм орасинда жон қилай.

Машрабо, бир қатра тотдим жоми май,  
Ўзимни ишқ аҳлиға султон қилай.

---

<sup>1</sup>а ҳ з о н — ғамхона; <sup>2</sup>а ф л о к н и — фалак чодирини

\* \* \*

Онқадар<sup>1</sup> нурга тўлибман осмонга сиғмадим,  
Тоқи аршу Курсию лавҳу жинонга сиғмадим.

Кимга соям тушса бир нури яқин бўлди у ҳам,  
Дафтари руҳи қудсдурман, забонга сиғмадим.

Жаннату кавсар манам, ҳам дўзаху сақар<sup>2</sup> манам,  
Бир ўзумдурман бу дам, ҳафт<sup>3</sup> осмонга сиғмадим.

Соия Одамға<sup>4</sup> келдим, нури маъни изладим,  
Жаннат ул-фирдавсдек олий маконга сиғмадим.

Бор эдим Нуҳ вақтида, фарқ этмади тўфони ҳам,  
Ҳамраҳи Мусо бўлуб Тури Синонга сиғмадим.

Эллик йил Исо билан юрдум ўлукни тиргузуб,  
Боиси бир нуктадин<sup>5</sup> Машраб замонга сиғмадим.

---

<sup>1</sup>О н қ а д а р – шунчалик; <sup>2</sup>с а қ а р – дўзахнинг бир қисми;  
<sup>3</sup>ҳ а ф т – етти; <sup>4</sup>О д а м ғ а – Одам Ато; <sup>5</sup>н у к т а д и н – фикрий  
кашфиёт (шоир «анал-ҳақ»ни назарда тутган).

\* \* \*

Бу оламда ўзумдек сийнаси афгор топмадим  
Ки, розим айтғали бир маҳрами асрор<sup>1</sup> топмадим.

Фироқ даштида ташна юруб зору саргардон,  
Лабинг зилолидин бир паймонаи саршор<sup>2</sup> топмадим.

Ки, ишқи ғаминг мени охир юроким айлади сад<sup>3</sup> чок,  
Висол завқини бир лаҳзае, бир бор топмадим.

Тамоми рози дилим демакка изладим маҳрам.  
Бу дашти Хўтан кезибон бир дили хушёр топмадим.

Биёбон булбулидек, Машрабо, ҳеч йўқтур оромим,  
Қўнай десам чаманда бир гули бехор топмадим.

---

<sup>1</sup>а с р о р — сирдош; <sup>2</sup>с а р ш о р — лиммо-лим қалаҳ; <sup>3</sup>с а д — юз (миқдор).

\* \* \*

Қаландар Машрабингман, икки оламни тепиб ўттум,  
Биҳишту ҳуру филмонинг пучак пулға сотиб ўттум.

На айлай оби кавсарни нигорим бўлмаса соқий,  
Харобот ичра бордум, қатра май ондин тотиб ўттум.

Аё дўзах, мени куйдур, халойиқ куймасун ҳаргиз!  
Тамуғдин<sup>1</sup> ишқ ўти пурзўр<sup>2</sup>, анинг захрин ютиб ўттум.

Ки жон олғучини кўрдум, дедим: «Олғил бу жонимни»  
Ажал қочди, уруб-қувлаб мен они қўрқитиб ўттум.

Солиб бозори ишқингга матои жисму жонимни,  
Харидор сўрмади ҳаргиз бу жонимдин кечиб ўттум.

Висол айёми бўлғонда, кўрунг, бахти сиёҳимни,  
Бошимға келса ёрим — мен ётиб ухлаб, бўкиб ўттум.

Куюб ўтгон мени — девона Машрабни сўрар бўлсанг,  
На ерда аҳли дард топдим, кўзум ёшин сепиб ўттум.

---

<sup>1</sup>Т а м у г д и н — дўзахдан; <sup>2</sup>п у р з ў р — кучли.



\* \* \*

Ишқ водисидин бир кеча мен ҳай-ҳалаб ўттум,  
Зухҳод<sup>1</sup> элини мамлакатини талаб ўттум.

Оттим фашу мисвокни<sup>2</sup> девоналиғ айлаб,  
Парвона сифат жоними ўтқа қалаб ўттум.

Дунё ясаниб жилва қилиб олдима келди,  
«Борғил нари» деб, кетиға бир шатталаб ўттум.

Офоқни<sup>3</sup> бир лаҳзада кездим, на ажабдур,  
Мино тоғидин ҳакка сифат ҳаккалаб ўттум.

Кўрдимки вафоси йўқ экан ушбу жаҳонни,  
Миндим ажал отини мен қамчилаб ўттум.

Билдимки они душмани маккораи айёр,  
Ло<sup>4</sup> тирноғи бирла юзини тирмалаб ўттум.

Мардони худо дейдики: «Дунё майи аччиғ»,  
Аччиғлиғини билмак учун бир ялаб ўттум.

Нафс кофири бирла туну кун тинмай урушдум,  
Танҳо қиличи бирла уруб қиймалаб ўттум.

Хомуш пичоқини они бўйниға қўйдум,  
Чўғ найзаси бирла кўзини найзалаб ўттум.

Девонаи Машраб, бу сўзунг дардга даводур,  
Ошиқ элини кўнглиға бир ўт қалаб ўттум.

---

<sup>1</sup>З у х ҳ о д — зоҳидлар; <sup>2</sup>м и с в о к н и — тиш тозалаш;  
<sup>3</sup>О ф о қ н и — жаҳонни; <sup>5</sup>Л о — йўқ.

\* \* \*

Жамолинг кўргали келдим, аё, эй меҳрибон онам,  
Менинг учун адо бўлган юрагу бағри қон онам.

Хўтан даштига туштум бул фалакнинг гардиши бирлан,  
Эшиткил арзи ҳолимни, мен айтай сенга, жон онам.

Ажойиб меҳрибонимсан, мени ороми жонимсан,  
Муроди ду<sup>1</sup> жаҳонимсан, биҳишти жовидон<sup>2</sup> онам.

Мени бир жоду кўзлук бул жаҳон ичра хароб этти,  
Қади сарву санавбар, қошлари мисли камон, онам.

Бошимга тушти бул савдо, бўлубман булбули шайдо,  
Шабистони жаҳонда қумридек шаккарфишон онам.

Бу ишқ ўти хароб этти, юрак-бағрим кабоб этти,  
Мени хоку туроб<sup>3</sup> этти юзи моҳи тобон<sup>4</sup>, онам.

Сени кўп интизор эттим фироқ ўтига, эй Каъбам,  
Тавофи Каъбаи мақсуда келдим дилкашон онам.

Илоҳо, афв қилгайсан бу Машрабнинг гуноҳини,  
Туфайли онаи зорим, гарибу нотавон онам.

---

<sup>1</sup>д у – икки; <sup>2</sup>ж о в и д о н – абадий маннат; <sup>3</sup>т у р о б – чанг, гард, тўзон; <sup>4</sup>т о б о н – порлоқ ой.

\* \* \*

Ишқ ўтига ўртаниб девона бўлган ўзгинам,  
Куя-куя кул бўлуб бирёна<sup>1</sup> бўлган ўзгинам.

Ошиқи дийдорман, эй ёр, билмассан магар,  
Мансури Ҳаллождек дорга осилган ўзгинам.

Куя-куя кул бўлуб дунёдин ўткан бормукин,  
Ишқ йўлида минг ўлуб, минг бор тирилган ўзгинам.

Чок сийнамни қилиб маҳшарда айларман фиғон,  
Ул куни дийдор деб маҳшарни бузган ўзгинам.

Ул сиротул-мустақим<sup>2</sup> олдида барча йиғлашур,  
Ишқим раҳбар қилибон андин ўткан ўзгинам.

---

<sup>1</sup>б и р ё н а – қовурилган; <sup>2</sup>м у с та қ и м – сирот кўприги.

\* \* \*

Ўшал кун сенга, эй шўхи ситамгар, ошно бўлдум,  
Жамолингни кўрай деб, орзу бирлан адо бўлдум.

Ба бозори муҳаббат гавҳари қимматбаҳо эрдим,  
Рақиблар олдида мисли садафдек камбаҳо бўлдум.

Қаландарвор ҳажрингда навою нолалар қилдим,  
Сенинг дарди гамингдин, эй пари пайкар, адо бўлдум.

Ўшал кун санга паймон айладим, эй шўхи бепарво,  
Тамоми ҳамнишину ҳамнафаслардин жудо бўлдум.

Муҳаббат ўти куйдурди юрак-бағримни, эй Машраб,  
Куюб кул бўлди жисмим, нест бўлдум, зери  
по<sup>1</sup> бўлдум.

---

<sup>1</sup>п о – оёқости.

\* \* \*

Томоша айламакка гўшаедин анжуман келдим,  
Суруди<sup>1</sup> булбули шўридадек<sup>2</sup> сўи чаман келдим.

Агар Яъқубдек қон йиғласам, айб айламанг зинҳор,  
Фироқи дарди Юсуфни чекиб байтул ҳазан<sup>3</sup> келдим.

Шаҳидони Хўтанни тавф этарга, эй мусулмонлар,  
Чу лола домани<sup>4</sup> саҳро тутуб дашти Хўтан келдим.

Жаҳон шайху кибори, олиму, муфтию қозиси—  
Ҳама ком топти дунёда, бараҳна<sup>5</sup>, беватан келдим.

Қадаҳ махмуридурман тўлдуруб келтурғил, эй соқий,  
Шароби қирмизи нўш этгали хушки даҳан<sup>6</sup> келдим.

Майи ваҳдат тўла берғил мани Машрабға, эй соқий,  
Сиво мулкида<sup>7</sup> сайде манки, гулгун пираҳан келдим.

---

<sup>1</sup>С у р у д и — қўшиқ; <sup>2</sup>ш ў р и д а д е — чирқираётган; <sup>3</sup>ҳ а з а н —  
гамхона; <sup>4</sup>д о м а н и — этаги; <sup>5</sup>б а р а ҳ н а — яланғоч; <sup>3</sup>д а ҳ а н —  
қуруқоғиз; <sup>4</sup>м у л к и д а — ўзга юрда.

\* \* \*

То олами зоҳирға келиб ман гузар эттим,  
Тарк айладиму жумлани қатъи назар<sup>1</sup> эттим.

Аҳволи дилим айтғали бир маҳраме<sup>2</sup> топмай,  
Зулмингни қариндошу ғамингни падар эттим.

Бир қушки чўлоқ сен сори парвоз<sup>3</sup> этайин деб,  
Ҳажр ўқларини жонга суқуб болу пар эттим.

Душманга чу ҳарб этмак учун чора тополмай,  
Дўстум қўлини туттиму тигу табар<sup>4</sup> эттим.

Ғам шоида қалбимға гузор этти хаёлинг,  
Кўз ёш, юрак қони билан моҳазар<sup>5</sup> эттим.

Савдои сари зулфунг учун неча маҳалдур,  
Жон кишварини буздиму зеру забар<sup>6</sup> эттим.

Бир мартабада турмас эмиш шоҳ ила дарвеш,  
Бас, жандани кийдим, ўзим и дарбадар эттим.

Кўтаҳ назар эл билмаса деб хаста бу Машраб,  
Минг маънини бир нукта<sup>7</sup> била мухтасар<sup>8</sup> эттим.

---

<sup>1</sup>н а з а р — назардан соқит қилмоқ; <sup>2</sup>м а ҳ р а м е — сирдош;  
<sup>3</sup>п а р в о з — пат ва қанот; <sup>4</sup>т а б а р — болта; <sup>5</sup>м о ҳ а з а р — тайёр  
егулик; <sup>6</sup>з а б а р — остин-устун; <sup>7</sup>н у к т а — муҳим фикр;  
<sup>8</sup>м у х т а с а р — қисқа.

\* \* \*

Етти, дарёға қўшулди оби чашми<sup>1</sup> ҳимматим,  
Неча Мажнунға сабақ берди дилимда ҳайратим.

Доманимдин<sup>2</sup> тортти, дунёни кўрунг дуни<sup>3</sup> дағал,  
Варна аршнинг устида эрди камоли миннатим.

Хуни ғарқ бирла адо қилдим, баса, Мансурман,  
Оҳи сардим<sup>4</sup> бўлди савмим<sup>5</sup>, ҳам фиғоним-тоатим.

Гарчи зоҳир хушк<sup>6</sup> хоку бебизоатман<sup>7</sup> букун,  
Мусою Исони даврониға бордур нисбатим.

Эй сафобахш, нафси фиръавнимға бир шамшир ур,  
Токи ҳамроҳи Мусо бўлсун мени бу хислатим.

Умр азал дорул бақо<sup>8</sup>, дайри фаноға<sup>9</sup> турғали,  
Лоладек бир соати йўқдур менинг ҳеч фурсатим.

Покбозам, хорижи дунёу уқбодин жудо,  
Сувратим гарчи башар келди, малакдур сийратим.

Неча Мансур ўлди иршодманд<sup>10</sup> муҳаббат йўлида,  
Менга ҳам дори қурулғонда етар бу қисматим.

Ҳеч билолмайман ўзумни қайси қавмийман букун,  
Лекин арш устида Жибрилдур менинг ҳамсуҳбатим.

Машрабо, охир сенга юз минг биёбон тай уруб<sup>11</sup>,  
Бўлмади бир пашшаи лоғарча<sup>12</sup> акнун<sup>13</sup> хизматим.

---

<sup>1</sup>Ч а ш м и – кўз ёши; <sup>2</sup>Д о м а н и м д и н – этагимдан; <sup>3</sup>д у н и – пасткаш; <sup>4</sup>с а р д и м – совуқ; <sup>5</sup>с а в м и м – рўзам; <sup>6</sup>х у ш к – қуруқ; <sup>7</sup>б е б и з о а т м а н – бойликсиз; <sup>8</sup>б а қ о – у дунё; <sup>9</sup>ф а н о ғ а – бу дунё; <sup>10</sup>и р ш о д м а н д – тўғри йўл кўрсатувчи пир; <sup>11</sup>у р у б – йўл босиб; <sup>12</sup>л о ғ а р ч а – кичкина; <sup>13</sup>а к н у н – энди.

\* \* \*

Ярайдур менга ҳижрон илкидин фарёдлар қилсам,  
Бориб Ҳақ олдида дасти фалакдин додлар қилсам.

Агарчи додима етса чақибон ишқ чақмоқин,  
Фалакнинг уйига ўтлар қўюб барбодлар қилсам.

Мени бирдам халос эт, эй биродар, гуссаю ғамдин,  
Онинг ёди билан ҳардам кўнгулни шодлар қилсам.

Менинг ҳолим агар ишқ аҳли кўрса, зор йиғлайдур,  
Агар дарду ғамимдин заррае бунёдлар қилсам.

Ўшалким ғарқи дарёи муҳаббат бирла Машрабман,  
Дилу жоним билан ҳар дам оғар фарёдлар қилсам.



\* \* \*

Ўшал рўзеки<sup>1</sup> мен сендин жудолиғ бирла зор эттим,  
Чиқиб сахро Мажнунлиғ шиорин ошкор эттим.

Қаро қилса фалак бахтим била бул рўзгоримни,  
Сенинг дарду гаминг сийнам ичинда эътибор эттим.

Мени афтодаю бедил<sup>2</sup>, ғариби доғи ҳижронман,  
Ўзумға офарин дерман, сени кўрмай қарор эттим.

Менинг, жоно, гамингдин ўзга ҳеч ким — мунисим йўқдур,  
Ким айлар илтифоте — мен диёрингга гузор эттим.

Ўюлсун кўз жамолингдин дигар<sup>3</sup> юзга нигоҳ этса,  
Куюб қолсун юрак-бағримки, сендин ўзга ёр эттим.

Жамолинг соғиниб кўзларда зарра нур қолғон йўқ,  
Ажаб йўқ, зор қолғон киприкимни ашкбор<sup>4</sup> эттим.

Эрурман ошиқинг, халқи жаҳон дерлар мени Машраб,  
Нечукким, манзилимни сояи парвардигор эттим.

---

<sup>1</sup>р ў з е к и — кун; <sup>2</sup>б е д и л — мафтун, шайдо; <sup>3</sup>д и г а р — ўзга, бошқа; <sup>4</sup>а ш к б о р — кўз ёши ёғдирадиган.

\* \* \*

Сеторим ториға жон риштасидин тор эшиб чолсам,  
Анинг хуш ноласидин бевафонинг кўнглини олсам.

Мақом олиб мақом узра мақомин дилға жо қилсам,  
Муҳаббат созиға созлаб мен онинг олдида чолсам.

Мақомларнинг атосини «Хусайнию», «Ажам» дерлар,  
Булардин ҳам юқори пардаида «Чоргоҳ» чолсам.

«Баёд» дилбаримни ёдида чолсам паёпайким  
Ки, кўнгул бенаво бўлғонидин айлаб «Наво» чолсам.

Аролаб чолсам «Ушшоқ»у ғазални соза еткурсам,  
Сахарларда кўпуб машшоқлардин пурзиё чолсам.

Кел, эй Машраб, қадаҳ сунғил, бўлойин маст-  
мустағрақ,  
Бир илкға косаи танбур, бириға жомни олсам.

\* \* \*

Мен эрдим булбули гўё<sup>1</sup>, фиғон бирла чаман келдим,  
Юракда дард кўпдур, гулузори ёсуман келдим.

Менинг ошуфта<sup>2</sup> кўнглум ғунчадек ҳаргиз очилмайдур,  
Юракдин ғам кетар деб, бу сабабдин мен Хўтан келдим.

Юракдин оҳ тортар барча толиблар ҳам армонда,  
Муяссар бўлмади мақсуд, яна қайтиб ватан келдим.

Бу Машраб сўзини дурдонайи қимматбаҳо дерлар,  
Жамии халқ аро сўз бобида соҳиб сухан<sup>3</sup> келдим.

---

<sup>1</sup>Г ў ё – гапирадиган; <sup>2</sup>о ш у ф та – паришон; <sup>3</sup>с у х а н – сўзамол.

\* \* \*

Базми шаъмингдин замона ичра бир гирён ўзум,  
Доимо парвонадек шамъ ўтиға сўзон ўзум.

Каҳрабо<sup>1</sup> эрмиш жаҳон даврида афғон айлаган,  
Чун фалохун<sup>2</sup> доимо саргаштаи даврон ўзум.

Шоҳлик бирла гадолик, бил, баробардур манга,  
Гоҳи ҳажрингда гадо, васлингда гоҳ султон ўзум.

Чин аро кўргач хаданг<sup>3</sup> новаки<sup>4</sup> қош ёсини,  
Сийначок ўлғон шоҳиди тийри<sup>5</sup> бепайкон<sup>6</sup> ўзум.

Дарғаҳи васлинг тилаб, айб этма, афғон айласам,  
Машраби саргаштаи ғамдидаи<sup>7</sup> ҳижрон ўзум.

---

<sup>1</sup>К а ҳ р а б о — сариқ тош. «қаҳрабо» — айнан: сомон тортар.  
<sup>2</sup>Ф а л о х у н — палахмон; <sup>3</sup>х а д а н г — камон ўқи; <sup>4</sup>н о в а к и — камоннинг кичик; <sup>5</sup>т и й р и — ўқ; <sup>6</sup>б е п а й к о н — учуда темир парчасиз; <sup>7</sup>Ғ а м д и д а и — ғам кўрган.

\* \* \*

Англа бу сўзни, эй санам, ошиқи муддао ўзум  
Асли дилида дарди кўп, дунёда бедаво ўзум.

Элни сазойи қилмагил, ёлгуз ўзумни айлагил,  
Юрдуму кўрдум ҳамани, дунёда пургуноҳ<sup>1</sup> ўзум.

Дунёға барча махлуқинг бир келибон бир кетадур,  
Кунда мени минг ўлдурур, пуршўру<sup>2</sup> пуржафо ўзум.

Зоҳид элига фосику гумраҳу осий, пургуноҳ,  
Ҳақнинг қошида мартабам – уммати Мустафо ўзум.

Ошиқ эрусан, эй рафиқ, қўрқмаки жонинг  
ваҳмидин,  
Қилса мадад ўзи, вале, дардима ҳам шифо ўзум.

Қатраи май тотурмасанг ол бу жонимни, эй санам,  
Сенсиз бу дунё ичида ўлмакима ризо ўзум.

Парда кўтаргил, эй санам, рози дилимни айтайин,  
Барча ошиқлар олдида аввали додхоҳ ўзум.

Ёстониб эшикин берим, солди бозори кўйига,  
Сўрмадинг бу нечук фақир Машраби хокipo<sup>3</sup> ўзум.

---

<sup>1</sup>п у р г у н о ҳ – гуноҳи кўп; <sup>2</sup>п у р ш ў р у – серговға;  
<sup>3</sup>х о к и п о – оёқ ости тупроғи.

\* \* \*

Дунёга келиб лойига билмай бота қолдим,  
Дармон йўқидин заҳри балосин юта қолдим.

Кўрдум мен они душмани руху тан экандур,  
Ло<sup>1</sup> ўқи билан икки кўзига ота қолдим.

Майхонага кирдим, била қолдим куяримни,  
Масжидга кириб зоҳиди яхдек қота қолдим.

Зоҳид, менга бир шишада май, сенга — намозинг,  
Минг тақвини<sup>2</sup> бир косаи майга сота қолдим.

Ваҳдат<sup>3</sup> майини пири муғон<sup>4</sup> илгидин ичтим,  
Мансур каби бошими дорға тута қолдим.

То телбалиғим шуҳрати оламни тутубдур,  
Бир жилвасиға икки жаҳондин ўта қолдим.

Айб этмангиз бу Машраби беҳудни ёронлар,  
Найлайки, бу ғурбат кўчасидин ўта қолдим.

---

<sup>1</sup>Л о — йўқ; <sup>2</sup>т а қ в и н и — художўйлик; <sup>3</sup>В а ҳ д а т — Оллоҳнинг ягоналиги ҳақидаги таълимот; <sup>4</sup>м у ғ о н — оташпарастлар роҳиби (рамзан: пир).

\* \* \*

Мени девона қилди ул пари рафтор қомат ҳам,  
Бу кун келмам ўзумға, балки, фардои<sup>1</sup> қиёмат ҳам.

Менинг ҳоли табоҳимни<sup>2</sup> муҳаббат аҳли кўрганда,  
Пушаймонлар қилиб ишқдин, яна айлар надомат<sup>3</sup> ҳам.

Мени ғам бирла ўлдурдунг фироқинг ўтиға ташлаб,  
Не бўлғай эмди мен ўлсам, чун сен бўлғил саломат ҳам.

Аё, дилбар, рақибим ул ҳарамға айлама маҳрам,  
Менинг ҳолимға раҳм айлаб, карам қилғил, каромат ҳам.

Сўромас, Машрабо, ҳеч ким сени, оре, ажаб эрмас,  
Юзумни бости бори<sup>5</sup> меҳнату<sup>6</sup> гарди маломат ҳам.

---

<sup>1</sup>ф а р д о и — тонгла; <sup>2</sup>т а б о ҳ и м н и — аянчли; <sup>3</sup>н а д о м а т — афсус; <sup>4</sup> ҳа; <sup>5</sup>б о р и — юки; <sup>6</sup>м е ҳ н а т у — машаққат.

\* \* \*

Сузук кўзлук, сариғ садбарг<sup>1</sup> юзунгни, дилрабо, кўрсам,  
Юзунгдин юз ўгурмасман, агар юз минг бало кўрсам.

Мени ошиқу маъшуқ дерлар ушбу оламда,  
Насиб ўлмиш менга давлат фироқинг ўтида куйсам.

Чунонам кўнгли қаттиқсан, бирам ҳолимни сўрмассан,  
Жамолингга тўёлмасман бошингдин юз минг ўргулсам.

Нечук бедодлиғ<sup>2</sup> иш ўлдиким, мен сендин жудо бўлдум,  
Жафоларники мен тортиб, на мушкилдур қараб қолсам.

Садафсиз дурр, тикансиз гул, машаққатсиз хунар йўқдур,  
Топарманму висолингни жаҳонни истабон юрсам?

Лабинг лаълу хатинг<sup>3</sup> Хизру юзунг монанди Юсуфдур,  
Зулайҳодек куюб-ёниб бу ишқ ичра адо бўлсам.

Ўшал Мажнуни шайдодек биёбонлар аро мен ҳам,  
Кўйингда дам-бадам ёниб, «Қани Лайло?» — деб оҳ урсам.

Кел, эй Машраб, кўзунг йўлларда қолди термулуб, найлай,  
Қани ул хоки пойинг кўзларимга тўтиё қилсам.

---

<sup>1</sup>с а д б а р г — гуноҳи кўп; <sup>2</sup>б е д о д л и г — серговға; <sup>3</sup>х а т и н г — оёқ ости тупроғи.

\* \* \*

Батақдири худо бирла ўшал ёримни мен кўрсам,  
Латофат боғида битган қизил норимни<sup>1</sup> мен кўрсам.

Юзидин нурлар томғай ўшал хуршиди тобоннинг<sup>2</sup>,  
Тиларман ушбу оламда вафодоримни мен кўрсам.

Жамоли ойдек тўлғон, мени девоналар қилғон,  
Ки, ул ақлу хушум олғонки, дилдоримни мен кўрсам.

Гаҳ қайғу бошға солдурғон, кўнгулни ғамға тўлдурғон,  
Гаҳ нози бирла ўлдурғонки, айёримни мен кўрсам.

Чу Машраб айтур: — «Эй ёрон, кўзум йўллардадур гирён,  
Бузуғ кўнглумни бир сўрғон харидоримни мен кўрсам».

---

<sup>1</sup>н о р и м н и — анор; <sup>2</sup>т о б о н н и н г — порлоқ.



\* \* \*

Шоҳи жаҳоним, ишқингда ўлдум,  
Ороми жоним, ишқингда ўлдум.

Мунча жафони кимдин ўргандинг,  
Эй нуктадоним<sup>1</sup>, ишқингда ўлдум.

То қоба қавсайн<sup>2</sup> шарҳи қошингдур,  
Абру<sup>3</sup> камоним, ишқингда ўлдум.

Қақнусға ўхшаб нола қилурман,  
Ўртанди жоним, ишқингда ўлдум.

Бир раҳм қилғил, ҳолимни сўрғил,  
Номеҳрибоним, ишқингда ўлдум.

Ёрим сенга мен чокар<sup>4</sup> бўлойин,  
Соҳибқироним, ишқингда ўлдум.

Машрабга бир боқ, жон лабга етти,  
Руҳи равоним<sup>5</sup>, ишқингда ўлдум.

---

<sup>1</sup>нуктадоним — оқила; <sup>2</sup>қавсайн — икки ой ораси;  
<sup>3</sup>Абру — қош; <sup>4</sup>чокар — хизматкор; <sup>5</sup>равоним — жоним.

\* \* \*

Сени кўрдум ҳама элни унутту,  
Жаҳон лаззатидин кўнглум совутдум.

Сенга бердим дилу жонимни ул дам,  
Биҳишти жовидон<sup>1</sup> таркини туттум.

Висолингда лабингдин эл май ичти,  
Фироқинг бирла мен хуноба<sup>2</sup> юттум.

Не қаттиқ кун эди, эй роҳати жон,  
Сенингдек офати жонга йўлуқтум.

Кеча-кундуз мудом андиша қилдим,  
Сенинг мислинг йўқ эконин ўқуттум.

Танимсан ҳам азиз жоним эурсан,  
Изинг ҳар ердадур – юзумни суртум.

Қабул қил, хоҳ қилма, ҳасратингдин  
Кезиб чўлларни сўнгоким чуруттум.

Фаминг – кўнглумга, фикринг жонима қут,  
Ҳаёт истаб хаёлинг захрин юттум.

Тилимда ё дилимда ўзга ким бор?!  
Қасамёд айладим ўзга қуруттум!

Гаҳи васлинг висоли бўлмағанда  
Хаёлинг бирла кўнглумни овуттум.

Сени ҳам кўрмаган, ҳам топмаган сўнг,  
Фаминг бирла иковлон гўша туттум.

Қачон кўрдум қизил гулдек юзунгни,  
Вужудим куйдуруб кулин совуртгум.

Ўтун янглиғ куюб ишқинг ўтида,  
Адам бўлдум, борин баҳридин ўтгум.

Бу Машрабға чу ишқинг жовидондур,  
Кечани ишқ-ла кундуздек ёрутгум.

---

<sup>1</sup>ж о в и д о н — мангулик; <sup>2</sup>х у н о б а — зардоб.

\* \* \*

Ишқинг ўтиға куйғоли келдим,  
Ойдек юзунгни кўрғоли келдим.

Савдои зулфунг тушди бошимға,  
Сендин давосин сўрғоли келдим.

Баҳрингга кирдим ғаввос бўлай деб,  
Бир дурри мақсуд олғоли келдим.

Эй гульюзорим, ой юзлийрим,  
Маҳви жамолинг бўлғоли келдим.

Қофила<sup>1</sup> кетти, манзилға етти,  
Мен ҳам тараддуд кўрғоли келдим.

Соқий, қадаҳни қилгил муҳайё,  
Ваҳдат майидин ичғоли келдим.

Раҳмат эшигин Машрабға очгил,  
Ишқинг кўйида ўлғоли келдим.

---

<sup>1</sup>Қ о ф и л а – карвон.

\* \* \*

Сенинг васлингни, эй жонон, мени афгор соғиндим,  
Шаби<sup>1</sup> ҳижронда қолдим, партави<sup>2</sup> дийдор соғиндим.

Хазон торож айлаб бағрими помоли<sup>3</sup> ғам қилди,  
Баҳор бўстонидек дилбар, гули рухсор соғиндим.

Ўлар холатдаман, бошим сори қилғил қадам ранжа<sup>4</sup>  
Ки, дийдоринг қиёмат қолмасун, зинҳор соғиндим.

Кечалар уйқу йўқ, кундуз хаёлотинг била ўтти,  
Бақалби ботину зоҳирда ҳам бедор соғиндим.

Қўнгулда йўқ эди сендин жудолик, лек найларман,  
Муқаддар<sup>5</sup> илкидин бўлди бу иш ночор, соғиндим.

Шажарлар<sup>6</sup> хома<sup>7</sup>, дарёлар сиёҳу еру кўк саҳфа,  
Рақам қилсам адо бўлмас ғаминг, бисёр соғиндим.

Кулунг Машрабни, жонон, шафқат ила бир сўраб келғил,  
Ки, сен муршиди комил, маҳрами асрор<sup>8</sup>, соғиндим.

---

<sup>1</sup>Ш а б и — кечаси; <sup>2</sup>п а р т а в и — ёлқин; <sup>3</sup>п о м о л и — оёқости;  
<sup>4</sup>р а н ж а — келмоқ; <sup>5</sup>М у қ а д д а р — қисмат; <sup>6</sup>Ш а ж а р л а р — дарахт  
шоҳлари; <sup>7</sup>х о м а — қалам; <sup>8</sup>а с р о р — сирдош.

\* \* \*

Жонон, юзингни кўрголи келдим,  
Шаккар лабингдин сўрголи келдим.

Ўттек тутошиб ёнди юроким,  
Куя-куя кул бўлголи келдим.

Эй моҳи тобон, лутфу карам қил,  
Ойдек юзингни кўрголи келдим.

Шамъи жамолинг парвона қилди,  
Ўтға ўзумни урголи келдим.

Пардани очғил, эй гулузорим,  
Рози дилимни очголи келдим.

Эй тўраи ҳусн, банданг бўлойин,  
Эшигингга қул бўлголи келдим.

Машрабға тегди косаи даврон,  
Беш кун жаҳонда ичколи келдим.

\* \* \*

Ногоҳ кўрубон маҳви жамолинг бўла қолдим,  
Ойдек юзунгга боқдимۇ ҳайрон бўла қолдим.

Ўтдек тутшиб куйди юрогим била жоним,  
Парвона бўлуб ўтқа ўзумни ура қолдим.

Юз ғамза била чиқди санам майкадасидин,  
Бир ғамзасига дин била имон сота қадим.

Кўрдумки, ажаб ишвагару дилбари танноз,  
Девона бўлуб ишқида ўтдек ёна қолдим.

Дийдори жамолини кўруб ишқи йўлида,  
Гулгун ёнибон маҳви тамошо бўла қолдим.

Ҳожат эмас ул Каъбаю бутхонаға бормоқ,  
Мен гавҳари мақсуд бўлайин деб ёна қолдим.

Машраб бошиға тушди ўшал кун ғами дилдор,  
Шайдойи бўлуб жумла ҳавасдин қола қолдим.

\* \* \*

Кўрдум юзунгни девона бўлдум.  
Ақлу ҳушумдин бегона бўлдум.

Тортиб жафодар ўлсам кўйингда,  
Қайтмасман ҳаргиз — мардона бўлдум.

Бўлуб жаҳонда расвои олам,  
Яхши-ямонга афсона бўлдум.

Кавсар шароби ёдимга келмас,  
Лаъли лабингдин мастона бўлдум.

Юмдум кўзумни сендин бўлакдин,  
Кечдим баридин, риндона бўлдум.

Кўрдум тушумда шамъи жамолинг,  
Чарх уруб ондин парвона бўлдум.

Ишқинг майига тўлди бу жисмим,  
Ҳам соқию ҳам паймона<sup>1</sup> бўлдум.



Бир қатра эрдим чўмдум денгизга,  
Кирдим садафга дурдона бўлдум.

Куйдурмаса ўт, бўлмас яғоч чўғ,  
Ишқ ўти бирлан ҳамхона бўлдум.

Бўлдум фано мен туфроғ ичинда,  
Бир дона эрдим минг дона бўлдум.

Ул юз ўтида буд<sup>2</sup> бўлди нобуд<sup>3</sup>,  
Жон жонга кирди, жонона бўлдум.  
Тегди кўзунгдин ҳар дамда минг тийр<sup>4</sup>,  
Аввал эдим дашт, гулхона бўлдум.

Бир неча йилдур ёрдин жудоман,  
Билмай ўзумни девона бўлдум.

Куймас, дедилар, маъмурай<sup>5</sup> ганж,  
Обод эдим мен, вайрона бўлдум.

Машрабга май сун майхона ичра,  
Масжидга кирмай мастона бўлдум.

---

<sup>1</sup>П а й м о н а – қадоқ; <sup>2</sup>б у д – бор, мавжуд; <sup>3</sup>н о б у д – йўқ;  
<sup>4</sup>т и й р – ўқ; <sup>5</sup>м а ъ м у р и а и – ободонлик.

\* \* \*

Дунё сориға бир келибон ғамзада<sup>1</sup> кеттим,  
Бир лаҳза дам олмай, турубон лаҳзада кеттим.

Бир мушфиқи ҳамроз жаҳон ичра тополмай,  
Ҳасрат ўтидин куйдуму мотамзада кеттим.

Суртмай бу қаро юзни ўшал равзада<sup>2</sup> бир йўл,  
Юз ҳасрату мотам била меҳнатзада кеттим.

Ҳар жон келару кетгусидур, билсам они ҳам,  
Армонда юруб, лек, бузуғ кулбада кетдим.

Ҳорис<sup>3</sup> бўлубон дунёда юрди неча гумроҳ,  
Урён<sup>4</sup> келибон мунда яна арбада<sup>5</sup> кеттим.

Гофил кишилар кечаю кундуз тилагай мол,  
Дунё дедиму охиратимни сота кеттим.

Ёрини хаёл айлади Машраб, кўзин очди,  
Юз дарду алам бирлаки меҳнатзада кеттим.

---

<sup>1</sup>Ғ а м з а д а – ғам адойи тамом қилган; <sup>2</sup>р а в з а д а – қутлуғ қабр; мақбара; <sup>3</sup>Ҳ о р и с – деҳқон; очкўз; <sup>4</sup>У р ё н – яланғоч; <sup>5</sup>а р б а д а – юпун.

\* \* \*

Дунёни пуштипо<sup>1</sup> уруб Адҳами бенаво ўзум,  
Авжи фалакда юругон кавкаби<sup>2</sup> пурзиё<sup>3</sup> ўзум.

Банда – умам<sup>4</sup>. Умам ўзум, на миннат ўзгадин тақи,  
Йўқтур табиба ҳожатим – дардима ҳам даво ўзум.

Мен тилабон дийдорини кўҳи Тур узра дам-бадам,  
Мусолайин асо<sup>5</sup> олиб тунқотори<sup>6</sup> худо ўзум.

Куфр ила дин мазҳабида ҳеч кима йўқтур нисбатим,  
Ҳам санаму, ҳам ошиқу, ҳам шоҳу, ҳам гадо ўзум.

Мажнуни бенаво деманг, лайлу<sup>7</sup> наҳор<sup>8</sup> бўзласам,  
Лайлисини сўроғлаган Мажнуни бенаво ўзум.

Ҳуру биҳишту кавсаринг – кўзима бир қуруғ работ,  
Васлингга йўл топай десам, раҳраву<sup>9</sup> раҳнамо ўзум.

Асли насабим сўрасанг бир қора қулни ўғлиман,  
Баҳри муҳаббат ичида гавҳари бебаҳо ўзум.

Машраби Маҳдий айтадур олами бевафо аро,  
Бир бути бебадал<sup>10</sup> учун ошиқи мубтало ўзум.

---

<sup>1</sup>Пуштипо – топки; <sup>2</sup>кавкаби – юлдуз; <sup>3</sup>пурзиё – сернур;  
<sup>4</sup>умам – уммат; <sup>5</sup>асо – ҳасса; <sup>6</sup>тунқотори – тунги соқчи;  
<sup>7</sup>лайлу – кеча; <sup>8</sup>наҳор – тонг; <sup>9</sup>раҳраву – йўлчи; <sup>10</sup>бебадал –  
мислсиз санам.

\* \* \*

Гулшану боғи даҳр аро булбули нағмагар ўзум,  
Бир бути хушхиром<sup>1</sup> учун ошиқи дарбадар ўзум.

Кўюнга, эй санам, бориб навҳаю<sup>2</sup> нолалар қилиб,  
Шому саҳар фиғон қилиб, ҳофизи хушасар ўзум.

Ё шаҳи меҳрибонмусан, ё маҳи осмонмусан,  
Ёр била ўтни куйдуруб кавкабаю қамар ўзум.

Жоми майи луоб<sup>3</sup> ичиб, Мажнуни бенаво бўлуб,  
Нозу карашмалар қилиб, Лайлии ишвагар ўзум.

Шамъи жамолинг ўртади жону дилимни, эй санам,  
Болу паримни<sup>4</sup> куйдуруб, бедилли навҳагар<sup>5</sup> ўзум.

Васлингни истаб, эй санам, кечаю кундузи мудом,  
Ёр деди саҳарда топ, доияи<sup>6</sup> саҳар ўзум.

Хисрави комрон<sup>7</sup> бўлуб, Рустами достон бўлуб,  
Бир зўр паҳлавон бўлуб, ҳамзаи раҳнагар<sup>8</sup> ўзум.

Олими нуктадон манам, пири ҳидояхон<sup>9</sup> манам,  
Шухрати шеър бобида Машраби муътабар ўзум.

---

<sup>1</sup>х у ш х и р о м — чиройли юрвчи санам; <sup>2</sup>н а в ҳ а ю — йиғи;  
<sup>3</sup>л у о б — оғиз суви; <sup>4</sup>п а р и м н и — қанот ва пат; <sup>5</sup>н а в ҳ а г а р —  
йиғлоқи шайдо; <sup>6</sup>д о и я и — умид, истак; <sup>7</sup>к о м р о н — бахтиёр шох;  
<sup>8</sup>р а х н а г а р — саф бузувчи; <sup>9</sup>ҳ и д о я х о н — тўғри йўлга йўловчи.

\* \* \*

Қиёматдур, агар, жоноки, мен сендин жудо бўлсам,  
Хуш ул давлат эрур менга фироқингдин адо бўлсам.

Муҳаббат ўтиға, жоно, юрогим таҳ-батаҳ қондур,  
Нечук оҳу наво айлай азалдин бенаво бўлсам,

Юроғу бағрим ўртанди сени дарду фироқингдин,  
Нечук юз қайтаройин мен азалдин ошно бўлсам.

Чу қумри сарв учун йиғлаб, фидо айлаб бу жонимни,  
Тамоми хонумонимдин кечиб кул<sup>1</sup> мосиво<sup>2</sup> бўлсам.

Ҳама ушшоқи<sup>3</sup> содиқни сени ишқинг хароб айлар,  
Қабул этгил, аё дилбар, кўйингда бир гадо бўлсам,

Фалакнинг жавридин, дўстлар, нечук мен шиква<sup>4</sup>  
айларман,  
Нетай, найлай, азал кундинки мен бахти қаро  
бўлсам.

Нега додимға етмайсан, менинг ҳолимни сўрмайсан,  
Фироқингда адо бўлган бу Машраб, бир додхоҳ<sup>5</sup> бўлсам.

---

<sup>1</sup>к у л – буткул; <sup>2</sup>м о с и в о – ҳечвақосиз; <sup>3</sup>у ш ш о қ и – ошиқлар;  
<sup>4</sup>ш и к в а – шикоят; <sup>5</sup>д о д х о ҳ – адолат талаб қилувчи.

\* \* \*

Зебо санамим йўл уза кўргач тура қолдим,  
Назорасидин маҳв бўлубон ўлтура қолдим.

Сайёра сифат кеча тонг отгунча югурдум,  
Юз шукрки, ойдек юзини бир кўра қолдим,

Ғам тоғида Фарҳод сифат эмгонур<sup>1</sup> эрдим,  
Бошимга қазо<sup>2</sup> тешаси тегди — ёта қолдим.

То базми висолингга теголгунча рақиблар,  
Болу парими<sup>3</sup> юлдуму мен телмура қолдим.

Мажлисдаги шамъни кўрубон олдиға бориб,  
Парвона масал<sup>4</sup> ўт ичиға ҳам куя қолдим.

Ширин лабидин берса менга ваъдаи хуш деб,  
Жон нақдини илкима<sup>5</sup> олибон бора қолдим.

Май тутти гаҳ ағёр, гоҳ ул шўхи ситамгар,  
Дарҳол кўпуб май кўлидин ҳам ола қолдим.

Май тўла қилиб, муғбача, Машрабға беринглар,  
Бир ғамзаи мижгон била жоним бера қолдим.

---

<sup>1</sup>Э м г о н у р — машаққат чекмоқ; <sup>2</sup>қ а з о — қисмат; <sup>3</sup>п а р и м и — қаноту пат; <sup>4</sup>м а с а л — каби; <sup>5</sup>и л к и м а — кўлимга.

\* \* \*

Аё дилбар, сани кўргач, бaсе, ман мубтало бўлдум,  
Сенинг кўйингда, эй барно, гирифтори бaло бўлдум.

Ҳаданги<sup>1</sup> новаки<sup>2</sup> мужгонларинг<sup>3</sup> ҳар дам тегиб ўтди,  
Қизил қонимға булғониб, шаҳиди Карбало бўлдум.

Ҳаётим оразингга сарф қилдим, билмадинг аммо,  
Сени деб мен ҳамиша дину дунёдин сиво<sup>4</sup> бўлдум.

Менингдек ошиқи дилхастае ҳеч бўлмасун, ё раб,  
Начук кўнгул узай сендин, азалдин ошно бўлдум.

Нисори<sup>5</sup> мақдаминг<sup>6</sup> кўюнгга бошимни фидо қилдим,  
Ки, тиғи ханжаринг тегдию жонимдин жудо бўлдум.

Юрурман жусту жў<sup>7</sup> айлаб кеча-кундуз фироқингда,  
Висолингдин хабар топмай эшикларда гадо бўлдим.

Бу Машрабга тараҳҳум<sup>8</sup> айлагил, эй дилбари зебо,  
Фироқу ҳасратингда, бас, ғарибу бенаво бўлдум.

---

<sup>1</sup>Ҳаданги — камон ўқи; <sup>2</sup>новаки — кичик ўқ; <sup>3</sup>мужгонларинг — киприклар; <sup>4</sup>сиво — маҳрум; <sup>5</sup>Нисори — сочқи; <sup>6</sup>мақдаминг — қадам; <sup>7</sup>жў — излай-излай; <sup>8</sup>тараҳҳум — раҳм.

\* \* \*

Қилди менга бир жилвае ногоҳ боқа қолдим,  
Ул жилвага дин ила дунё сота қолдим.

Маъшуқ деди: «Бовар<sup>1</sup> эмас менга бу ишқинг»,  
Ғайрат<sup>2</sup> тиғи бирла юрагимни чопа қолдим.

Арз<sup>3</sup> устидан ул аршғача шаҳбозини<sup>4</sup> кўргач,  
Тан шаҳрида ул жон қушидек талпина қолдим.

Ғам тоғини Фарҳод сифат эмганур<sup>5</sup> эрдим,  
Бошимға қазо тешаси тегди, ёта қолдим.

Машраб, йўлида турфа паришон юрур эрди,  
Ул мақсудимни кўргали ногоҳ боқа қолдим.

---

<sup>1</sup>Б о в а р – ишонч; <sup>2</sup>Ғ а й р а т – рашк; <sup>3</sup>А р з – ер; <sup>4</sup>ш а ҳ б о з и-  
н и – лочин; <sup>5</sup>Э м г а н у р – машаққат чекардим.



\* \* \*

Дунёга келиб ранжу<sup>1</sup> балони кўруб ўттум,  
Юз ранжу бало шиддатидин ўргулуб ўттум.

Дунёга кўнгул берса киши бўлғуси расво,  
Бу фоний<sup>2</sup> жаҳон мулкига шатто<sup>3</sup> уруб ўттум.

Билдим мен анинг душмани қотил эканини,  
Мардона бўлуб белга этак қистуруб ўттум.

Жон олғуси Азроил эмасдур ўзи, билғил,  
Нечунки мен они била улфат бўлуб ўттум.

Машраб, сени деб ушбу жаҳондин кўнгул узди,  
Девона бўлуб ондин эшоким суруб ўттум.

---

<sup>1</sup>р а н ж у – машаққат; <sup>2</sup>ф о н и й – ўткинчи, бебаҳо; <sup>3</sup>ш а т т о – тепки.

\* \* \*

Нетгум, санамо<sup>1</sup>, ишқинг ўтида ватан эттим,  
Ҳар тори мўйим шамъ каби шуълазан<sup>2</sup> эттим.

Қон йиғлади кўз, қолди таним қон орасинда,  
Ҳар қатрани тан тоғида лаъли Яман эттим.

Жон тоғини ғам тешаси бирлан қазадурман,  
Ўлгунча хаёлингни уюб Кўҳкан<sup>3</sup> эттим.

Жаннат тиламай, кавсар отин оғзима олмай,  
Лаълинг ғами заҳр эрдик, шаҳд шикан<sup>4</sup> эттим.

Ўтлар туташур гар нафас олсам, ҳама жонға,  
Ишқ аҳлиға ўтлуғ юрагимни даҳан<sup>5</sup> эттим.

Сайд ўлғуси ҳар ким келур олдимға, қутулмас,  
Нечунки, кўнгул шуъласи бирла расан<sup>6</sup> эттим.

Мен айладим ул гулшани ишқ ичра наволар,  
Ҳар булбулу тўти эди — зоғу заған эттим.

Машраб танининг захмлари бўлди гулафшон<sup>7</sup>,  
Ўлдум ғами ишқингда чу гулдин кафан эттим.

---

<sup>1</sup>с а н а м о — бут, хоч; <sup>2</sup>ш у ъ л а з а н — шуъланувчи; <sup>3</sup>К ў ҳ к а н — Фарҳод; <sup>4</sup>ш и к а н — асалдан мазали; <sup>5</sup>д а ҳ а н — оғиз; <sup>6</sup>р а с а н — ип, арқони; <sup>7</sup>г у л а ф ш о н — қипқизил.

\* \* \*

Сени ишқингда, эй дилбар, ажаб девонало  
бўлдум,  
Бу оламда халойиқға, бәсе, афсонало бўлдум.

Асоси салтанат бирла паривашлар шаҳаншоҳи,  
Тараҳхум айлагил менга, эшикларда гадо бўлдум.

Сўроғлаб васли дийдоринг тамоми халқдин сўрдум,  
Деди: «Жўянда ёбанда»<sup>1</sup> ки, топмай мен адо бўлдум.

Нигоро, ханжари нозинг дилим садпоралар қилди,  
Тўлуб қоним юзунг кўрмай, шаҳиди Карбало бўлдум.

«Алиф»дек қоматин дилбар қилиб хам<sup>2</sup> бодани сўнди,  
Ўшал майдин ичиб «бе» нуқтасидек зери  
по<sup>3</sup> бўлдум

Бу Машраб дардини, ё раб, ки ҳеч ким бошиға  
солма,  
Дуо айланг, аё дўстлар, ки муҳтожи шифо бўлдум.

---

<sup>1</sup>ё б а н д а — изловчи — топағондир; <sup>2</sup>х а м — эгиб; <sup>3</sup>п о — оёқ ости.

\* \* \*

Сабр ила ҳам фароғатим қолмади танда тоқатим,  
Тун-кун ила зиёдадур меҳнату дарду кулфатим.

Оҳу фиғон қилиб кетай, тоғу тоша бошим урай,  
Бошима минг балою ғам — кунда турур қиёматим.

Заррача қолмади юрак, куйдию бўлди ҳам адо,  
Кўзда ёшим, ранги зардим<sup>1</sup> — ушбу эрур аломатим<sup>2</sup>.

Барчага молу жоҳини<sup>3</sup>, неъмату мулку жойини,  
Манга берибдур оҳини — ушбу турур ҳаловатим.

Ҳожию муфтини йиғиб, омию шайх ҳам мурид,  
Барчасидин юз ўгуруб, ишқи эрур маломатим.

Ишқ эмас бало экан, меҳнату дарду оҳ экан,  
Машраби зор-зор экан, кун-кундин ортур офатим.

---

<sup>1</sup>з а р д и м — сариқ; <sup>2</sup>а л о м а т и м — белгим; <sup>3</sup>ж о ҳ и н и — амал.

\* \* \*

Нигорим, гул узорингни<sup>1</sup> кўролмайд мубтало бўлдум,  
Шароби лаълидин ичтим, санамга ошно бўлдум.

Тараххум қил, аё дилбар, қулингга кўп жафо қилма,  
Ўзунга ошно қилдинг, ғарибу бенаво бўлдум.

Юзунг гулдур, мужовир кўзларинг мастонадур  
жонон,  
Юраким поралар бўлди, шаҳиди Карбало бўлдум.

Гуҳар бозориға кирдим, табиби ишқдин сўрдум,  
Ки дардимға даво топмай, бу дарди бедаво бўлдум.

Кел, эй дилбар, томошо қил, бу Машраб сўзини  
тахқиқ<sup>2</sup>,  
Йўлунгга жон фидо қилдимки, ул дам муқтадо<sup>3</sup>  
бўлдум.

---

<sup>1</sup>у з о р и н г н и — юзингни; <sup>2</sup>т а х қ и қ — ҳақиқатда; <sup>3</sup>м у қ т а д о — раҳбар.

\* \* \*

Дил даштида ғам охуларига ватан эттим,  
Ғамзанг ўқи то лолалар очти — чаман эттим.

Ишқ аҳли менинг сори келурға бу эрур йўл,  
Ҳар ерда тараб<sup>1</sup> гуллари эрди — ватан эттим.

Найсон<sup>2</sup> каби кўздин ёғадур ашки<sup>3</sup> равоним,  
Садқангға юрак тошини лаъли Яман эттим.

Меҳринг қуши кўнглум қушидин ажрамасун деб,  
Бўйнию аёғига белимдин расан эттим.

Жонимға нигоҳинг ўқидин гуллар очилса,  
Сайримға ани настарану<sup>4</sup> ёсуман<sup>5</sup> эттим.

Расволиғ ўтин балки ўзумга ёқадурман,  
Жисмимға самандар каби ўт пираҳан<sup>6</sup> эттим.

Машраб, бу сўзинг топди сенинг бўйи шаҳодат<sup>7</sup>  
Қонлиғ танингға ишқ либосин кафан эттим.

---

<sup>1</sup>т а р а б — шодлик; <sup>2</sup>Н а й с о н — ёғинли ой, парел; <sup>3</sup>а ш к и — кўз ёши; <sup>4</sup>н а с т а р а н у — настарин; <sup>5</sup>ё с у м а н — оқ гул, жасмин; <sup>6</sup>п и р а ҳ а н — кўйлак; <sup>7</sup>ш а ҳ о д а т — шаҳидлик.

\* \* \*

Даргоҳингга бир ожизу афгор келибман,  
Арзи дилими айтмак учун зор келибман.

Йўқдур менинг илгимда сенга тухфаи лойиқ  
Жуз зилли<sup>1</sup> гунаҳ эл ичида хор келибман.

Рад қилма, қабул айлаки, шармандалигимдин  
Расвои жаҳон, кўчаю бозор келибман.

Бозори жаҳон ичра келиб шаҳри адамдин,  
Жон нақди била сенга харидор келибман.

Лутф бирла карам айлаю дардимға даво қил,  
Дармон тилабон соҳиби озор<sup>2</sup> келибман.

Зор ила тавалло қиладур хаста бу Машраб,  
Оч парданиким, толиби дийдор келибман.

---

<sup>1</sup>з и л л и – соя; <sup>2</sup>о з о р – азият чеккан.

\* \* \*

Мендин саломе ба сўйи жонон,  
Эй бод<sup>1</sup>, еткур арзи ғарибон.

Ҳам дардмандам, бехонумонам,  
Жоно, ту буди<sup>2</sup>, дардимға дармон.

Ҳарчанд моҳи<sup>3</sup> ҳаж қурбон келодур,  
Ҳардам қилурман жонимни қурбон.

Эй дўст, ту рафти<sup>4</sup>, то дида рўят<sup>5</sup>,  
Ёлғиз қолубман дар шаҳри ҳижрон.

Аз дурии ту намонда сабрам<sup>6</sup>,  
Эмди нетарман тахти Сулаймон.

Бечора Машраб куйди ғамингдин,  
Монанди зулфат<sup>7</sup> ҳолим паришон.

---

<sup>1</sup>б о д – ел, шамол; <sup>2</sup>буди – сен эдинг; <sup>3</sup>моҳи – ой; <sup>4</sup>рафти – сен кетдинг; <sup>5</sup>рўят – юзингни кўриб; <sup>6</sup>сабрам – сенинг узоқлигингдан сабрим қолмай; <sup>7</sup>зулфат – зулфинг каби.



\* \* \*

Тинмайин юрдум бу ғам даштида ҳайронлик билан,  
Охир умрум ўтти, сад<sup>1</sup> афсус, нодонлиқ билан.

Бир гули шодим очилмай бахт гулистони аро,  
Ҳайф, умрум оқибат ўтти паришонлиқ билан.

Баски, илми ҳолу<sup>2</sup> қолнинг<sup>3</sup> йўлида қилсанг амал,  
Ушбу муллолар бари бухлу<sup>4</sup> ҳаводорлиқ<sup>5</sup> билан.

Неча мулло илм ўқуб, роҳи шаётинни<sup>6</sup> топиб,  
Чун рибою ришвани<sup>7</sup> ерлар хушдорлиқ билан.

Рост сўз айтсанг аларға зарра қилмаслар қабул,  
«Куфр айттинг!» — деб урурлар неча озорлиқ билан.

Машрабо ҳар бир сўзунгдур гавҳари қийматбаҳо,  
Айтма бу сўзларни ҳар нокасға нодонлиқ билан.

---

<sup>1</sup>с а д — юз (100); <sup>2</sup>ҳ о л у — сўфийлик илми; <sup>3</sup>қ о л н и н г — дунёвий илм; <sup>4</sup>б у х л у — бахиллик; <sup>5</sup>ҳ а в о д о р л и қ — ҳавойилик, мағрурлик; <sup>6</sup>ш а ё т и н н и — шайтон йўли; <sup>7</sup>р и ш в а н и — пора.



Ўзумни халқ аро ихфолигимни<sup>6</sup> ҳеч киши билмас,  
Дилу жоним фидо айлаб, ажаб айёра Машрабман.

Мен-е девона Машрабға муҳаббатдин баён айланг,  
Намозу рўзадин фориг бўлуб маккора Машрабман.

---

<sup>1</sup>х а м л и ф – эгик, букик; <sup>2</sup>с а д п о р а – юз парча; <sup>3</sup>х у н б о р а – қон томчилайдиган; <sup>4</sup>м а р д у д – рад этилган; <sup>5</sup>с а н г с о р а – тошбўрон қилинган; <sup>6</sup>и х ф о л и ф и м н и – яширинлигимни.

\* \* \*

Такаллум<sup>1</sup> айласанг гоҳи лаби шаккарфишонингдин<sup>2</sup>,  
Тасаддуқ бўлса жоним гаҳ бошингдин,  
гоҳ оёғингжин.

Борурсан кечаз-кундуз ою кундек ҳар тараф ёлғиз,  
Топиб бўлмас сени бир ерда сокин ўз маконингдин.

Хиромон йўлга помолинг бўсун шамшод ила тўби,  
Аёғинг ўпсуну ўргулсун ул сарви равонингдин.

Бирор йўл илтифотингни тамошо айлаган ошиқ,  
Қиёмат тонги отса бош кўтармас остонингдин.

Тиҳидур<sup>3</sup> қўлларим, илкимда<sup>4</sup> зарра нақдинам йўқтур,  
Илоҳо, баҳравар қилғил ҳаёти жовидонингдин<sup>5</sup>.

Кўзунг жон олғали қотил, сўзунг жон бергали  
мойил,  
Масиҳо сенму, оё, жон насими келди ёнингдин.

Эгилмас то қиёмат нўш қилғон бодаи лаълинг,  
Шимиб чекса тили бирла ийиб шаккар забонингдин.

Дило, қатъи умидинг узма, алтофиға<sup>6</sup> кўз тутғил,  
Тараҳҳум<sup>7</sup> ё тазаллум<sup>8</sup> ҳарна келса меҳрибонингдин.

Тилар Машраб бу кун гулғунча таъбингни очуқ  
кўрса,  
Тамошо айлай-айлай ўтса саҳни гулситонингдин.

---

<sup>1</sup>Такаллум — сўзлаш; <sup>2</sup>шаккарфишонингдин — шакарсочир; <sup>3</sup>Тиҳидур — бўш; <sup>4</sup>илкимда — қўлимда; <sup>5</sup>жовидонингдин — мангулик; <sup>6</sup>алтофиға — мутфиға; <sup>7</sup>Тараҳҳум — раҳм; <sup>8</sup>тазаллум — зулм.

\* \* \*

Эй гул баданим, гул юзунга банда<sup>1</sup> бўлойин,  
Қурбони шакар лаблари пурханда<sup>2</sup> бўлойин.

Рухсори<sup>3</sup> гулунгдин сен агар пардани очсанг,  
Кўнглум очилиб булбули ноланда<sup>4</sup> бўлойин.

Мастана кўзунг ногаҳ агар ёдима тушса,  
Ху-ху қушидек кечалар гўянда<sup>5</sup> бўлойин.

Куйдурди мени бир боқшинг, дилбари раъно,  
Ҳайрат била мен ошиқи шарманда бўлойин.

Пардангни олиб мен сари гар биргина боқсанг,  
Ул дам мени мотамзада<sup>6</sup> дар ханда<sup>7</sup> бўлойин.

Бул Машраби бечорага ҳар кез назар этсанг,  
Мен бандаи ул наргиси<sup>8</sup> пурханда бўлойин.

---

<sup>1</sup>б а н д а — қул; <sup>2</sup>п у р х а н д а — кўп кулувчи; <sup>3</sup>Р у х с о р и — юз, чехра; <sup>4</sup>н о л а н д а — нолийдиган; <sup>5</sup>г ў я н д а — сўзловчи; таъзияларда махсус айтиб йиғлатувчи киши. <sup>6</sup>м о т а м з а д а — аза адойи тамом қилган; <sup>7</sup>х а н д а — кулгида; <sup>8</sup>н а р г и с и — кўз.

\* \* \*

Азалдин то абад кўнглум қутулмас ишқ балосидин,  
Юраким рахналар бўлди бу кўнглум можаросидин.

Хаёлимда сени васлинг, етолмасман мен-е ҳайрон,  
Магар васлингга етсам, пири комилнинг дуосидин.

Эшит арзимни, эй дилбар, юрак-бағрим кабоб ўлди,  
Рақиблар шодмон бўлди нигоримнинг жафосидин.

Мени сенсиз бу дунёда тириклик қилмоғим мушкул,  
Кел, эй кўнгул, кечоли бу тирикликнинг бақосидин.

Санам, ишқинг ўти охир мени бехонумон этти,  
Куярман дам-бадам тинмай бу дарди бедавосидин.

Ҳабибинг ҳурмати эрса, мени бу ўтға куйдурма,  
Қутулгайму мени кўнглум бу ишқинг можаросидин.

Сенинг ишқинг била йиғлаб агар маҳшар куни  
чиқсам,  
Куярлар мўмину кофир бу Машрабни навосидин.

\* \* \*

Руҳи поким аршға етти мен ўзум осмониман,  
Тутти оламини шарорим<sup>1</sup>, оташин сўзониман.

Ҳеч макону манзилим маълум эмасдур дунёда,  
Мен қуюндек ёрни кўйди саргардониман.

Доимо роҳат тилаб, меҳнат<sup>2</sup> яқомдин ушлади,  
Онадин бахти қаро келдим, они ҳайрониман.

Қайси танни ишқи йўқ бўлса онинг имони йўқ,  
Ҳар кишининг дарди гар бўлса они қурбониман.

Аҳли дардларга қилай зоҳир бу пинҳон дардни,  
Беҳабарларга ва лекин Нуҳни тўфониман.

Ҳеч киши билмас мени қайдин бу ерга келганим,  
Асли зотимни сўрасанг, мен ўзум Ҳўқониман.

На малакман, на фаришта, мен ҳам одам наслидин,  
Мен таваллуди ўшал фарзанди Намангониман.

Ҳам мазаллат хокиға Машраб бошин қўйди букун,  
Тонгла маҳшар бўлса мен ишқ аҳлини султониман.

---

<sup>1</sup>ш а р о р и м – ўтум, оловим; <sup>2</sup>м е ҳ н а т – азоб-машаққат.

\* \* \*

Эй мени нозик ниҳол ороми жоним, қайдасан?  
Бу кўнгул бўстонида гунча даҳоним, қайдасан?

Неча йиллар бу кўнгул муштоқи дийдоринг эрур,  
Ўргулай, эй дилбари ширин забоним, қайдасан?

Айрилиб мен ёрдин бир неча кун бўлдум жудо,  
Ахтариб келдим сени, ороми жоним, қайдасан?

Ҳоли зорим кўп ёмондур, келмасанг бир йўл сўраб,  
Эй мени хуш меҳрибон, руҳи равоним, қайдасан?

Кўзларим гирён бўлуб қолдим бу ғам саҳросида,  
Ҳасратингда чиқди бу оху фиғоним, қайдасан?

Ташналабдур Машрабинг, чунким, юрак-бағри кабоб  
Фурқатингда, эй мени сарви равоним, қайдасан?



\* \* \*

Қонимни тўқар эрмиш Балх шаҳрида Маҳмудхон,  
Тақдири азал бўлса, найлай, анга бермай жон.

Минг шукр худойимға Мансурға қўшулдум мен,  
Ул рўйи сияҳларким<sup>1</sup> Мансурни ўлдурғон.

Бу ишқ йўлиға кирган, албатта кечар жондин,  
Кечмаса агар жондин, айтган сўзидур ёлғон.

Ширин гамида Фарҳод, тоғларда этиб фарёд,  
Ишқ ўтида ўртаниб охир чу фано бўлғон.

Ул ошиқи Мажнун ҳам Лайлига бўлуб шайдо,  
Чўлларда ватан айлаб кўз ёши равон ўлғон.

Ул зори Зулайҳо ҳам Юсуфга бўлуб шайдо,  
Кўрдунгму халойиқға расвойи жаҳон бўлғон.

Кўр Тоҳиру Зухрони халқ ичра бўлуб машхур,  
Кўнглини бериб ёрга ишқин йўлида ўлғон.

Ишқ ўтида ўртанган ул Вомиқу Узро ҳам,  
Маҳшар куни бўлғонда жаннатда қилур жавлон.

Кўр ошиқ эранларни, эй Машраби девона,  
Келганда ажал жоми жони била сипқорғон.

---

<sup>1</sup>с и я ҳ л а р к и м — юзи қоралар.

\* \* \*

Ўлдуройин дермусан ё куйдуройин дермусан?  
Ёна бошимга балолар ёғдуройин дермусан?

Кўзларинг жаллод этиб, мужгонларинг<sup>1</sup> бедод<sup>2</sup> этиб,  
Кашмири тил<sup>3</sup> бирла ҳолимни сўройин дермусан?

Юз туман боғи жаҳон юзини бир-бир кўрсатиб,  
Каъбаи кўйингга охир бордуройин дермусан?

Осмондин ерга ташлаб, халқ аро расво қилиб,  
Қуш каби болу паримни<sup>4</sup> юлдуройин дермусан?

Шоҳбози<sup>5</sup> ломакон<sup>6</sup> кўнгул қушимни овлабон,  
Табл<sup>7</sup> уруб, долбой<sup>8</sup> қоқибон қўндуройин дермусан?

Мен шаҳиди ишқман, ўлсам кафанга чулғаманг,  
Оҳ, қизил қон бирла қўйинум тўлдуройин дермусан?

Мансури Ҳаллождек ичиб шароби антаҳур<sup>9</sup>,  
Судратиб дор остига олиб боройин дермусан?

Сендин ўзгани агар кўнглума солсам, эй пари,  
Тасмадек ушбу танимни тилдуройин дермусан?

Бу муҳаббат шўриши<sup>10</sup> жонимдин ўтти, вой-вой,  
Ишқи йўқ бедардларни куйдуройин дермусан?

Бу ҳама дарду балоларники солди бошима,  
Ишқ, Машраб, жаннат ичра кирдиroyин дермусан?

---

<sup>1</sup>мужгонларинг – киприкларинг; <sup>2</sup>бедод – зулм; <sup>3</sup>тил – маккор тил; <sup>4</sup>паримни – қанот ва пат; <sup>5</sup>Шоҳбози – лочин; <sup>6</sup>ломакон – у дунё; <sup>7</sup>Табл – ноғора; <sup>8</sup>долбой – овчи қушга бериладиган эт; <sup>9</sup>антаҳур – пок шароб, жаннат аҳли ичадиган шарбат; <sup>10</sup>шўриши – жазаваси.

\* \* \*

Бўлмасам Мажнун, биёбондин нечук айлай сухан?  
Чашма бўлсам менки, уммондин нечук айлай сухан?

Етганим йўқ ранг-баранг оламни бўйи маънига,  
Бир гадоурманки, султондин нечук айлай сухан?

Сад ҳазорон<sup>1</sup> илм ўқуб мен бир алифға<sup>2</sup> лолман,  
Билмасам – тафсири қуръондин нечук айлай сухан?

Ҳазрати Нуҳ кеттилар, мен айрилиб қолдим, дариг,  
Кишти<sup>3</sup> кўрмабманки, тўфондин нечук айлай сухан?

Ҳазрати Одам сотибдур жаннат ул фирдавсни<sup>4</sup>,  
Чун етар бир дона, ризвондин<sup>5</sup> нечук айлай сухан?

Ҳимматим бор эрди, заҳмат босди, нобуд айлади,  
Мўр<sup>6</sup> бўлмабман, Сулаймондин нечук айлай сухан?

Кимки кишти<sup>7</sup> дармаҳал қилди, кўкарди ҳосили,  
Экканим йўқ дона, борондин<sup>8</sup> нечук айлай сухан?

Машрабо, соҳиб талабларга гапур дил дардини,  
Ўзгаларга ашки мужгондин<sup>9</sup> нечук айлай сухан?

---

<sup>1</sup>ҳ а з о р о н – юз минглаб; <sup>2</sup>а л и ф ғ а – Оллоҳ сир-саноатлари назарда тутилган; <sup>3</sup>К и ш т и – кема; <sup>4</sup>ф и р д а в с н и – жаннат боғини; <sup>5</sup>р и з в о н д и н – жаннат; <sup>6</sup>М ў р – чумоли; <sup>7</sup>к и ш т и – экан; <sup>8</sup>б о р о н д и н – ёмғирдан; <sup>9</sup>м у ж г о н д и н – киприкдаги ёшдан.

\* \* \*

Минг «Аналҳақ»<sup>1</sup> келадур Мансур осилған дордин,  
Ҳар замон «Лаббайка!» деб келғай нидо жаббордин.

Олими гуфтор<sup>2</sup> бўлма, фозили кирдор<sup>3</sup> бўл,  
Бандаларни Ҳақ сўрар маҳшар куни кирдордин.

Барча халқ савдосини қилдики, сен қолдинг бу дам,  
Кимки — камхаржи эрур хушк<sup>4</sup> қайтар ул бозордин.

Мори<sup>5</sup> зоҳир саҳл<sup>6</sup> эрур нафс аждаҳоси олдида,  
Машрабо, қўрқмасмусан, қўнглунгда нафси мордин?

---

<sup>1</sup>Аналҳақ — «мен ҳақман» — мен ҳақинг бир зарраси; намунасиман, демак; <sup>2</sup>гуфтор — сўз олими; <sup>3</sup>кирдор — амалиёт фозили; <sup>4</sup>хушк — қуруқ; <sup>5</sup>Мори — илон; <sup>6</sup>саҳл — осон, жўн.

\* \* \*

Интизорингдин чиқодур жоним, эй жон, қайдасан?  
Раҳм қил, аҳволими қилғон паришон қайдасан?

Фурқатингдин хаста бўлдум, танда тоқат қолмади,  
Жон ғамингда етти лабга, дардга дармон қайдасан?

Демадингму: — «Сен ёрингдин кеч бу дам, суйгил мени!»  
Шарту аҳдини унутғон аҳди ёлғон қайдасан?

Мен Зулайҳодек фано бўлдум фироқинг ўтида,  
Сен фароғат хотири Юсуфи Канъон қайдасан?

Машрабинг топқайму излаб шаҳру саҳрони кезиб,  
Юзи тўлғон ой каби, эй кўзи Чўлпон, қайдасан?

\* \* \*

Ёрнинг кўйида ўлғон бормукин?  
Бир ўлуб, икки тирилғон бормукин?

Ёрнинг васлини излаб чарх уруб,  
Телмуруб йўлларда қолғон бормукин?

Неча йил Офоқ Хожам хизматида,  
Шул Хўтан даштида юрған бормукин?

Қатл қилмоқға ҳукм этгонида,  
Ёлбориб бўйнини сунғон бормукин?

Ул нигорим қўлга олса ханжарин,  
Ёлвориб жонини берғон бормукин?

Мен каби тарсою расволар бўлуб,  
Бўйнига зуннор осғон бормукин?

Тонгла маҳшарда йиғилса жумла халқ,  
Оҳ уруб маҳшарни бузғон бормукин?

Кеча-кундуз зор бирла йиғлабон,  
Кўз ёши Жайхунча оққон бормукин?

Дод этар Машраб Хўтан саҳросида  
Бир замон додиға етғон бормукин?

\* \* \*

Бул мусофир шаҳрида ҳар дам тутошиб ёнаман,  
Ҳар қаён борсам бу кун йўлдин адошиб бораман.

На отам бор, на онам бор — ҳеч кишим йўқдур менинг,  
Ҳар таги деворларга зору саргардонаман.

Не гуноҳ қилдим, худо, дунёда мен бўлдум ғариб,  
Ҳар қаерда бекасу бечорага ҳамхонаман.

Доғлар кўйди юракка бу фалакнинг гардиши,  
Қисматим андоғ экан, мен жумладин бегонаман.

Бул ёқомни чок этиб фарёду афгон айлабон,  
Барчани бағри бутун, мен юраги садпораман.

Энди, Машраб, қул экансан, қисматинг булдур сенинг,  
Шукрилиллоҳ, ҳамма ерда толиби дурдонаман.

\* \* \*

Ишқ саргардонидурман, йўқ менга сабру суқун,  
Толеим бўлди мени рўзи<sup>1</sup> азалдин<sup>2</sup> вожгун.

Бир бузуқ аввора кўнглумға тополмам марҳаме,  
Тоза<sup>3</sup> синган шишани қайтиб қилиб бўлмас бутун.

Дилдаги нақдимни мен йўлунгга барбод айладим,  
Не машаққатларни торттим сен гули раъно учун.

Душмани ғаддор<sup>4</sup> дунё қилди хокимни хароб,  
Ҳеч мўмин мисли ман расвои олам бўлмасун.

Дўстларим ҳолимға йиғлар, душманим кўрса кулар,  
Дард кўб, ҳамдард йўқ, душман — қавий<sup>5</sup>, толей — забун.

Юз жафо бошимға орттурдим, вафони кўрмадим,  
Охири бори<sup>6</sup> маломат қоматимни қилди «нун»<sup>7</sup>

Кеча-кундуз тинмайин кўб изтироб айлар эдим,  
Роҳатим дилдин камайди, меҳнатим бўлди фузун<sup>8</sup>.

Ғам кўзум телмуртуруб қўйди биёбон даштиға,  
Кўзда ёшим қилди саҳроларни рангин лолагун<sup>9</sup>.

Ҳақ йўлин топган ҳама дунёни таркин қилдилар,  
Қўп, сенам тарк айлагил, эй Машраби соҳибжунун<sup>10</sup>.

---

<sup>1</sup>р ў з и — куни; <sup>2</sup>а з а л д и н — терс; <sup>3</sup>Т о з а — янги; <sup>4</sup>Ғ а д д о р — сотқин, меҳрсиз; <sup>5</sup>қ а в и й — кучли; <sup>6</sup>б о р и — паст; <sup>7</sup>н у н — юки; <sup>8</sup>ф у з у н — ортди; <sup>9</sup>л о л а г у н — лоларанг; <sup>10</sup>с о ҳ и б ж у н у н — телба, девона;



\* \* \*

Зулфининг савдосдин кўнглум паришондур букун,  
Ёр васлин топмайин ер бирла яксондур букун.

Халқ аро шодлиғлар бор эди мундин бурун,  
Ҳар киши юз ғам била даҳр ичра сарсондур букун.

Ғар менга қилса назар хуршид дерман отини,  
Ғарчи андин бир кўрунса моҳи тобондур<sup>1</sup> букун.

Бандидин Фарҳод қочти ғам тоғида беркиниб,  
Хаста Мажнун ҳам кезиб чўлларда сарсондур букун.

Ғар муҳаббат аҳлиға қилса назар ул сарвиноз,  
Жаннатул ризвон<sup>2</sup> бўлуб бу кулба аҳзондур<sup>3</sup> букун.

Итлариға ҳамдам этти Машраби бечорани,  
Оллоҳ-Оллоҳ, не ажаб минг лутфу эҳсондур букун.

---

<sup>1</sup>т о б о н д у р — порлоқ ой; <sup>2</sup>р и з в о н — жаннат боғи; <sup>3</sup>а ҳ з о н-  
д у р — ғамхона.

\* \* \*

На ҳолатдур, аё дўстлар, ажаб ҳайрона Машрабман,  
Кўролмай гулъзоримни<sup>1</sup>, басе<sup>2</sup>, гирёна<sup>3</sup> Машрабман.

Қаландарвор йиғларман эшикларда фиғон айлаб,  
Халойиққа бу оламда бўлуб афсона Машрабман.

Назокатлик нигоримдин ўшал соат жудо бўлдум,  
Куюб ҳижрон ўтида доимо сўзона<sup>4</sup> Машрабман.

Мен унга дарду зор айтиб-эшитиб йиғлайин дерман,  
Кўрай деб ул вафодорим, юруб жўёна<sup>5</sup> Машрабман.

Фалакнинг жабри кўксумда, алам узра аламлардур,  
Тараҳҳум<sup>6</sup> айлабон кўргил — жароҳатхона Машрабман.

Менинг кўнглум қизил гул гунчасидек таҳ-батаҳ<sup>7</sup> қондур,  
Очилмасдин хазон бўлғон чу мотамхона Машрабман.

Висолингни тилаб Машраб етибдур ҳалқума жоним,  
Кеча-кундуз қарорим йўқ, ажаб сарсона Машрабман.

---

<sup>1</sup>Г у л ь у з о р и м н и — гул юзли; <sup>2</sup>б а с е — роса;  
<sup>3</sup>г и р ё н а — йиғлоқи; <sup>4</sup>с ў з о н а — куядиган; <sup>5</sup>ж ў ё н а — изловчи;  
<sup>6</sup>Т а р а ҳ ҳ у м — раҳм; <sup>7</sup>б а т а ҳ — қатма-қат.

\* \* \*

Қарорим йўқ кўнгулда лаҳзае, сарсона Машрабман,  
Куюндек шамъи ҳуснунг айланиб, парвона  
Машрабман.

Жаҳонда ҳар не боримни йўлида айладим итмом<sup>1</sup>,  
Паридур ё малак ондин бўлак риндона<sup>2</sup> Машрабман.

Ишимдур фақри<sup>3</sup> йўлин тай қилиб<sup>4</sup> қатъи<sup>5</sup> тааллуқдин<sup>6</sup>,  
Ичибман туну кун май, толиби майхона Машрабман.

Мени зоҳир кўзида кўрган эл ўзда гумон айлар,  
Вале, эл ичра ўздин, барчадин бегона Машрабман.

Юрудум ҳар тараф сайр этиб чун барқ<sup>7</sup> жавлони,  
Ўзидин беҳабар ҳам ҳуши йўқ мастона Машрабман.

Чу менда содавашлик<sup>8</sup> вазъидин<sup>9</sup> бир ўзга сир йўқдур,  
Очуқ аъзо, ёруқ тан, халқ аро вайрона Машрабман.

Тоғибон ўз йўлунг тарк айла зоҳидлик йўлин, Машраб,  
Муҳаббат жомидин то май ичиб мастона Машрабман.

---

<sup>1</sup>и т м о м – тугаттим; <sup>2</sup>р и н д о н а – майхўр; <sup>3</sup>ф а қ р и – сўфийлик; <sup>4</sup>қ и л и б – босиб ўтиб; <sup>5</sup>қ а т ъ и – кечмоқ, узмоқ; <sup>6</sup>т а а л л у қ д и н – кишини бу оламга боғлайдиган нарсалар – хотин, оила, мол-дунё; <sup>7</sup>б а р қ – чақмоқ; <sup>8</sup>с о д а в а ш л и қ – соддаликдай; <sup>9</sup>в а з ъ и д и н – хатти-ҳаракат, аҳвол.

\* \* \*

Ишқинг ўтидин, дилбар, ҳар дамда куяй дерман,  
Қоним била, эй жонон, оламни бўяй дерман.

Юзунг била қошингдин ўзгага назар қилсам,  
Ханжар олибон қўлга кўзумни ўяй дерман.

Мижгон ўқидин, дилбар, қонимни тўкар бўлсанг,  
Ул шамъи жамолингта парвона бўлай дерман.

Мен дашти муҳаббатда ташна бўлубон юрдум,  
Эй соқий, қадаҳ сунғил, сипқориб ичай дерман.

Раҳм айласа гар дилбар ҳам очса ниқобини,  
Мен хастасиман, дўстлар, тўйғунча кўрай дерман.

Машраб сени деб, дилбар, кечти икки оламдин,  
Раҳм айлагил, эй жоно, биргина кўрай дерман.

\* \* \*

Жамолинг соғиниб шому саҳар мен зор йиғларман,  
Жунун саҳросида девона — мажнунвор йиғларман.

Сенга рози дилим изҳор этиб сўйлар мажолим йўқ,  
Паришон ҳолу саргардону дил афгор йиғларман.

Юзунг шамсу<sup>1</sup> зиҳи<sup>2</sup> моҳи мунаввар<sup>3</sup>, эй пари пайкар,  
Лабинг лаълу лисонинг<sup>4</sup> шаҳду<sup>5</sup> шаккарвор,  
йиғларман.

Хатинг<sup>6</sup> боғи баҳору лолаю сарву суман<sup>7</sup> эрди  
Ки, мен чун булбули шўридаи гулзор йиғларман.

Кўрай деб орзу бирла жамолингни мен, эй зебо,  
Турубдурман эшигингда, аё ғамхор, йиғларман.

Кўзумдин мавж уруб селоби ашким<sup>8</sup> тўла қон оқти,  
Агар ёдимға тушсанг, эй пари рухсор<sup>9</sup>, йиғларман.

Илоҳо, мағфират<sup>10</sup> дарёсидин Машрабни шодоб<sup>11</sup> эт,  
Ҳамиша, шайъалиллоҳ, деб қаландарвор йиғларман.

---

<sup>1</sup>ш а м с у — қуёш; <sup>2</sup>з и ҳ и — ажаб; <sup>3</sup>м о ҳ и м у н а в в а р — нурли ой; <sup>4</sup>л и с о н и н г — тилинг; <sup>5</sup>ш а ҳ д у — асал; <sup>6</sup>Х а т и н г — устки лабдаги майин туклар; <sup>7</sup>с у м а н — оқ гул, жасмин; <sup>8</sup>а ш к и м — кўз ёшим сели; <sup>9</sup>р у х с о р — юз чехра; <sup>10</sup>м а ғ р и ф а т — гуноҳларни кечирмак; <sup>11</sup>ш о д о б — худо йўлида бир нарса (сўрамоқ).

\* \* \*

Муҳаббат ўтига бағрим куюб, бирёна<sup>1</sup> йиғларман,  
Висолингни тилаб, эй нозанин жонона, йиғларман.

Умидим бодаи<sup>2</sup> лаъли лабингдин жоми май ичсам,  
Фигону нола айлаб бар дари<sup>3</sup> майхона йиғларман.

Сияҳ<sup>4</sup> зулфинг менга зуннор — ўлдум кофир  
ишқинда,  
Бўлуб расвои олам сокини бутхона йиғларман.

Гаҳи булбул дар афғонман, гоҳи чун қумри  
нолонман,  
Гаҳи чуғзи<sup>5</sup> паришонман, ватан вайрона йиғларман.

Аёл Лайливашим, бир ғамзаю ноз бирла ўлдурдинг,  
Фироқнинг даштида Мажнун ила ҳамхона йиғларман.

На ҳожат менга дашту тоғу саҳрони ватан қилмоқ,  
Агар бу йўлда бўлса жазбаи девона йиғларман.

Менга тўфони ҳасрат қилди ҳамдам ул парирўлар<sup>6</sup>,  
Тўқуб мижгондин ашки Жайхунона йиғларман.

Илоҳо, баҳри жонимга гуҳар найсонини ёғдур,  
Тилаб қўнглум садаф янглиф гуҳар дурдона,  
йиғларман.

Жамолинг партави оламга тушти — барча ўртанди,  
Куюб, Машраб, мисоли ўртаниб парвона йиғларман.

---

<sup>1</sup>б и р ё н а — қовурилиб; <sup>2</sup>б о д а и — май; <sup>3</sup>д а р и — эшигида;  
<sup>4</sup>С и я ҳ — қора; <sup>5</sup>ч у ғ з и — укки; бойўғли; <sup>6</sup>у л п а р и р ў л а р — пари  
юзлар.

\* \* \*

Ул дилбари раънони мен ёр тутай дерман,  
Май берса баҳам<sup>1</sup> ондин бир қатра тотай дерман.

Жаннат, ҳуру филмонинг, тоқу равоқ, айвонинг,  
Балки оби ҳайвонинг<sup>2</sup> бир пулга сотай дерман.

Олам ҳама лайлидур<sup>3</sup> тун қоши қаросидин,  
Ойдек юзига боқиб мастона бўлай дерман.

Ишқ йўлида ул зоҳид ошиққа қилур таъна,  
Бир ўқ ила зоҳидин отиб йўқотай дерман.

«Ху»<sup>4</sup> десам аналҳақ деб, олам бориси ҳақ дер,  
Мансур каби бошимни дор узра тутай дерман.

Дўзах ўти сув бўлғай ишқинг ўтидин, Машраб,  
Ишқинг ўтидин ташлаб дўзах қурутай дерман.

---

<sup>1</sup>б а ҳ а м – биргаликда; <sup>2</sup>ҳ а й во н и н г – обиҳаёт; <sup>3</sup>л а й л и д у р – тун, кеча; <sup>4</sup>Х у – у, яъни Оллоҳ.

\* \* \*

Жилва қилурсан минг ноз бирлан,  
Фарёд этарман овоз бирлан.

Зулмунгдин ўлдум, золим сифатлиғ,  
Раҳм айламайсан эъзоз бирлан.

Кофир қилиқлик кўнглумни олди,  
Жон қуши учди парвоз бирлан.

Гулдек эгилиб кирсанг эшиқдин,  
Девона қилдинг минг ноз бирлан.

Машраб ғарибинг куйди ғамингдин,  
Нола қиладур қишу ёз бирлан.



\* \* \*

Мажнун ўла кездим неча йил дашту биёбон,  
Лайлини сўроғлаб юрудум бесару сомон.

Бу арзи дилимни эшитиб раҳм эта кўргил,  
Васлингни тилаб кимки менингдек сенга ҳайрон

Юз жоним агар бўлса сенинг йўлингга ийсор<sup>1</sup>,  
Хушдур бу гадолиғ, не қилай тахти Сулаймон.

Маст айлагали бу мени — бечора ғарибни,  
Бир ғамза қилиб ўтти қошимдин мени жонон.

Ҳуснунг сифатини ўқубон пири муғонлар,  
Девона бўлуб, белин букуб бўлдилар урэн<sup>2</sup>.

Ишқинг ўтида бу юрагим ўртанадур, оҳ,  
Охир юрагим бўлғуси ишқ ўтида бирён<sup>3</sup>.

Ҳажринг ғамидин бошимга юз жавру жафодур,  
Васлингга етай, деб сени ошиқ кўзи гирён.

Раҳм айлагилу маҳрами асрор<sup>4</sup> эта кўргил,  
Сен ҳарна десанг мен қилайин, банда — бафармон.

Бечора қулунг сенга деюр арзи дилини,  
Бергил талаби бандани, эй холиқи<sup>5</sup> инсон.

Соқийи азалдин майи бир журъа<sup>6</sup> тотибман,  
Бас, онинг учундур менга бу нашъаи даврон.

Эй дилбари жонон, сени деб, хаста бу Машраб,  
Тушти они бошига бу кун меҳнати ҳижрон.

---

<sup>1</sup>и й с о р — садқа; <sup>2</sup>у р ё н — яланғоч; <sup>3</sup>б и р ё н — қовурилади;  
<sup>4</sup>а с р о р — сирдош; <sup>5</sup>х о л и қ и — яратувчиси; <sup>6</sup>ж у р ъ а — қултум.

\* \* \*

Агар ошиқлиғим айтсам, куюб жону жаҳон ўртар,  
Бу ишқ сиррин баён қилсам, тақи ул хонумон  
ўртар.

Кишиға ишқ ўтидин заррае етса бўлур гирён<sup>1</sup>,  
Бўлур бесабру бетоқат, юрак-бағри чунон ўртар.

Мен-е бехонумон тинмай куюб ёндим фироқингда,  
Отинг тутсам, «Нигоро!» дебки, завқидин забон<sup>2</sup> ўртар.

Қаю<sup>3</sup> тил бирла, эй жоно, сени васфинг баён айлай,  
Тилим лолу кўзум гирён, сўнгақларим ниҳон  
ўртар<sup>4</sup>.

На қаттиғ кун экан, жоно, висолингдин жудо  
бўлмоқ,  
Менинг оҳим тутуниға замину осмон ўртар.

Юракда дарду ғам қат-қатки, менда қолмади тоқат,  
Агар бир заррасин бул вақт десам ишқи баён ўртар.

Бу дард ила хароб ўлдум, келиб ҳолимни  
сўрмассан,  
Ғаминг бошқа, алам бошқа юракимни фиғон  
ўртар.

Бу Машраб дардини, жоноки, ҳеч ким бошиға  
солма,  
Агар маҳшарда оҳ урсам, биҳишти жовидон<sup>5</sup> ўртар.

---

<sup>1</sup>Г и р ё н – йиғлоқи; <sup>2</sup>з а б о н – тил; <sup>3</sup>Қ а ю – қайси; <sup>4</sup>ў р т а р – куйдиради; <sup>5</sup>ж о в и д о н – адабий жаннат.

\* \* \*

Ажаб Мажнун эрурман дашт ила сахроға сигмамдур,  
Дилим дарёи нурдур, мавж уруб дунёға сигмамдур.

Шариат ҳам, тариқат<sup>1</sup> ҳам, ҳақиқат мендадур мавжуд,  
Чу султони азалдурман, ки арши аълоға сигмамдур.

Халилосо бу йўлда тоши Намруд – меърожим<sup>2</sup>,  
Ҳамон дурри ҳақиқатманки, ҳар дарёға сигмамдур.

Ризо мулкидаман ҳалқумни туттум тиғи акбарга,  
Бу йўлда сийнаи поки забехуллоға<sup>3</sup> сигмамдур.

Агарчанди зиёрат қилмадим мен Каъбаи зоҳир,  
Тариқат ҳожисидурманки, Байтуллоға сигмамдур.

Гаҳи бўлдум фақиру гоҳи шоҳу гаҳ гадодурман,  
Ажаб девонаман, фардоки<sup>4</sup> маҳшаргоҳға сигмамдур.

Мақоми ҳайрат ичра гоҳи худман, гоҳи бехудман,  
Жунун бозорида мастманки, истиғноға сигмамдур.

Гаҳ ўрус, гоҳи черкас, гоҳи мўмин, гоҳи тарсоман,  
Не кавнайн миёни лоу иллоллоға сигмамдур.

Мудом мискин эрурман чун ғуломинг —  
Машрабингдурман,  
Мени бечора бу дунё билан уқбоға сигмамдур.

---

<sup>1</sup>т а р и қ а т — тасаввур маслаги; <sup>2</sup>м е ъ р о ж и м — кўкка кўтарилиш йўлида; <sup>3</sup>з а б е ҳ у л л о ғ а — сўйи миш; <sup>4</sup>ф а р д о к и — тонгла.

\* \* \*

Ҳар кишини дарди бўлса, дийдасидин<sup>1</sup> нам келур,  
Кимки, мунда шодлиғ истар, орқасидин ғам келур.

Сийнаи дафтарни — етти дўзах очилур,  
Нолишимдин кўрқаман, мажлисга номаҳрам келур.

Одамийнинг асли бирдур, бир-биридин фарқи бор,  
Неча қарн<sup>2</sup> ўтғонидин дунёга бир одам келур.

Йиғламоқ осон эмас, эй сен, жигарбандим, эшит,  
Мулки дил садпора бўлғач, дийдасидин нам келур.

Муллалар илмига мағрур, омилар исёнға<sup>3</sup> ғарқ,  
Кас на билсун, рўзи<sup>4</sup> маҳшар кимни тоши кам келур?

Гар бошинг Аршга етушса, сен ўзунгдин кетмағил,  
Ҳар дарахтни меваси кўп бўлса, боши хам<sup>5</sup> келур...

---

<sup>1</sup>д и й д а с и д и н — кўзидан; <sup>2</sup>қ а р н — авлод; бир авлод муддати 30 йил; <sup>3</sup>и с ё н ғ а — шариат талабларини бажармаслик; <sup>4</sup>р ў з и — куни; <sup>5</sup>х а м — эгик.

\* \* \*

Шаҳду шакардин ортуғум, ороми жоним келдилар,  
Кўнгул уйини кўргали руҳи равоним келдилар.

Кетиб эди ақлу ҳушум, билиб турурлар хоҳишим,  
Йўқтур алардек ҳеч кишим, ширин забоним келдилар.

Соқий<sup>1</sup>, манга сунғил қадаҳ, махмур<sup>2</sup> эдим мен ишқида,  
Шаҳри вужудум тахтига шоҳи жаҳоним келдилар.

Ёд айлар эрдим гоҳ-гоҳ, келгайму деб ул подшоҳ,  
Бўлди юзум монанди коҳ<sup>3</sup>, ул дилситоним<sup>4</sup> келдилар.

Доим анга ҳайрон эдим, ишқида саргардон эдим,  
Мен, Машраби гирён<sup>5</sup> эдим, ул ёри жоним келдилар

---

<sup>1</sup>С о қ и й – асал; <sup>2</sup>м а х м у р – хумор; <sup>3</sup>к о ҳ – сомон; <sup>4</sup>д и л с и-  
т о н и м – кўнглимни олган; <sup>5</sup>г и р ё н – йиғлоқи.

\* \* \*

Мавжи дарёи талотум<sup>1</sup> шўриши маҳшарча бор,  
Ерга тушса қатра ашким бахшиши гавҳарча бор.

Гавҳари ноёбни ҳар кимга зоеъ қилмағил,  
Ҳақ сухан, бил, беҳабарни кўнглига наштаарча бор.

Мен тасаддуқи ўшандоқ олий ҳимматлар бўлай,  
Зикри Оллоҳ – Зулфиқори чопиши Ҳайдарча<sup>2</sup> бор.

Ҳар хасу чўбини кўрдум, зикрини бисёр дер,  
Ҳар пири комилки, ўз қавмиға пайғамбарча бор.

Гар ўзи бир лутф қилса мўри лангни<sup>3</sup> шер қилур,  
Пашшаи лоғарни<sup>4</sup>, кўр, йўлида Искандарча бор.

Машрабо, қилма сухан<sup>5</sup> сен ҳар нечук нодонға, ҳайф,  
Қадрини билган кишига ёқути аҳмарча<sup>6</sup> бор.

---

<sup>1</sup>т а л о т у м – тўфон; <sup>2</sup>Ҳ а й д а р ч а – Али ибн Абу Толиб;  
<sup>3</sup>л а н г н и – оқсоқ чумолини; <sup>4</sup>л о ғ а р н и – чивинчани; <sup>5</sup>с у х а н –  
сўз; <sup>6</sup>а ҳ м а р ч а – қизил.

\* \* \*

Дилбар юзини кўрган девона келибдур,  
Юз нозу карашма била жонона келибдур.

Юз жоним агар бўлса, тасаддуқ анга айлай,  
Рафтори била кўзлари мастона келибдур.

Девонаи шўрида, бу жонингни фидо қил,  
Кокиллариким белина чулғона келубдур.

Зарроти жаҳон ичра куюб ташналаб эрдим,  
Жонона бўлуб, соҳиби паймона келибдур.

Жонингни фидо қил анга, эй хастаи Машраб,  
Лаблари шакар, тишлари дурдона келибдур.

\* \* \*

Зебо санамим ўзини зебо ясатибдур,  
Қонимни тўқарга бу қизил тўнни кийибдур.

Билмам яна ул офати жон қайси қўноғда,  
Ким бирла чоғир ичти — юзини қизортибдур.

Шаҳло кўзини жоду демак айни хатодур,  
Тангри ани ўз мулкида гафго яратибдур.

Сочин ечибон бошиға гар жигани санчса,  
Кокиллари белга тушуб аъло ярашибдур.

Туфроғим уза лола унар вақтида, Машраб,  
Куйдурмоқ учун бағрима доғинг тутошибдур.



\* \* \*

На ҳожат ҳажжи акбар<sup>1</sup>, Кошғар узра мазорим бор,  
Зиёи чашмима хоки даридин<sup>2</sup> сурмазорим бор.

Мижам жоруб<sup>3</sup> этиб кўз косасида сув сепай дерман,  
Биҳишт айвони янглиғ соз этмак ихтиёрим бор.

Менга қисмат азалдандур емак дарду бало қутин<sup>4</sup>,  
Бу ишрат гулшанида зулм элидин ғамгусорим<sup>5</sup> бор.

Ити ичкан ялоғида менга ҳам тўйма<sup>6</sup> бергай деб,  
Тилаб кавсар шаробин зуҳд эли янглиғ хуморим бор.

Мени кўрса қочадур шайхулислом Ахраман янглиғ,  
Нечун, бўйнулумға зулфи тори чирмашған туморим бор.

Азалдин мен дили ғамгин халойиқ хайлини<sup>7</sup> севдим,  
Шаҳид қонини сипқорғон шаҳаншоҳлардин орим бор.

Таним таронғидур, ҳар ёнда юз минг сояи ар-ар,  
Ўшал оҳу кўзу ғам тоғи узра сарвзорим бор.

Мени Машрабнинг бўйнини итинг занжириға боғлаб,  
Эрур давлат, аёғ остида судратсанг на орим бор.

---

<sup>1</sup>а к б а р – буюк ҳаж; <sup>2</sup>д а р и д и н – эшиги тупроғидан; <sup>3</sup>ж о р у б – супурги; <sup>4</sup>қ у т и н – овқатини; <sup>5</sup>ғ а м г у с о р и м – ғамхўр; <sup>6</sup>т ў ў м а – овқат, егулик; <sup>7</sup>х а й л и н и – гуруҳини

\* \* \*

Бўюнгни, эй пари, монандаи<sup>1</sup> сарви расо дерлар,  
Малоҳатлиғ юзунгни офтоби ваззуҳо<sup>2</sup> дерлар.

Тамоми халқни бир ғамза бирла банд айлабсан,  
Сенинг дастингдин ошиқлар ҳама: — «Во, ҳасрато!» —  
дерлар.

Бу нозу ишва бирла ҳар замон уйдин кулуб чиқсанг,  
Киши ўргулмаса сендин: — «Ани юзи қаро!» дерлар.

Агар киприк ўқи бирла бу қонимни тўкар бўлсанг,  
Магар ишқ йўлида ўлсам шаҳиди Карбало дерлар.

Сочинг занжирила боғлаб кел эмди ол бу жонимни,  
Худо қози бўлуб сўрса мениким додхо<sup>3</sup> дерлар.

Бу сўзни йиғлаб айди кеча-кундуз Машраби мискин,  
Бу оламда мени юз минг балоға мубтало дерлар.

---

<sup>1</sup>м о н а н д а и — каби, ўхшаши; <sup>2</sup>в а з з у ҳ о — пешиндаги қуёш;  
<sup>3</sup>д о д х о — арзга келган киши айнан: адолат талиб.

\* \* \*

Сенинг ишқингда, эй дилбар, юраким таҳ-батаҳ<sup>1</sup> қондур,  
Муҳаббат ўтида ҳар дам куюб кўнглум паришондур.

Қачон чиқгай сенинг дардинг юракимдин, нетай мен  
зор,  
Агар шул дард ила ўлсам ичимда тўла армондур.

На бўлгай раҳм этиб сўрсангки, мен кўнгли шикастангни<sup>2</sup>,  
Ҳамиша ошиқи мискин сенинг ишқингда ҳайрондур.

Сўрарлар баъзи одамлар: — «Бу дардингга даво борму?»  
Мен айтурман: — «Биродарлар, бу дарди менга дармондур!»

Кел, эй Машраб, бу ошиқлик иши душвордур<sup>3</sup>, билсанг,  
Иноят<sup>4</sup> бўлса гар Ҳақдимни — ҳар мушкул иш осондур.

---

<sup>1</sup>Т а ҳ - б а т а ҳ — қатма-қат; <sup>2</sup>ш и к а с т а н г н и — кўнгли синигингни; <sup>3</sup>д у ш в о р д у р — мушкул, қийин; <sup>4</sup>И н о я т — илтифот, ғамхўрлик.

\* \* \*

Гулгун<sup>1</sup> май ичиб лола узорим<sup>2</sup> келадур,  
Ҳар ён сузулиб кўзи хуморим келадур.

Тишлаб лабини, мужгон<sup>3</sup> ўқин менга отибон,  
Чоғлаб юрагимни дилфигорим<sup>4</sup> келадур.

Зулфини тараб бошдан аёғ зевар<sup>5</sup> этибдур,  
Сунбул ила гул боғу баҳорим келадур.

Илкида қилич, тийру<sup>6</sup> садоқини олиб ҳам,  
Чопмоққа бу кун жоним олорим келадур.

Бул Машраби бечорани зор айлади-кетди,  
Ишқ ўтига жонимни қийнорим келадур.

---

<sup>1</sup>Гулгун — гулранг; <sup>2</sup>узорим — юзим; <sup>3</sup>мужгон — киприк  
<sup>4</sup>дилфигорим — юрагимни яралаган; <sup>5</sup>зевар — безак; <sup>6</sup>тийру — камон ўқи.

\* \* \*

Зоҳид, мени айб этма, гул юзу дудоғ ўртар,  
Парвонани кўрдунгму, — ҳар кеча чароғ ўртар.

Наргис кўзи бир дамда оламни хароб айлар,  
Лаъли лаби майгуни<sup>1</sup> доғ устиға доғ ўртар.

Зоҳид каби бўлғонлар, ишқ ўтиға куйғонлар,  
Ўт олдиға борғонлар бир дамда йироғ ўртар.

Дилхаста бу Машрабни ҳар кечаю ҳар кундуз,  
Гоҳ ўтли нигоҳ ўртар, гаҳ сўзи фироқ<sup>2</sup> ўртар.

---

<sup>1</sup>м а й г у н и — майранг, қизил; <sup>2</sup>ф и р о қ — жудолик, айрилиқ.

\* \* \*

Парда<sup>1</sup> кўтариб ул шўх ҳар лаҳза итоб айлар,  
Нози била ул дилбар ошиққа азоб айлар.

Куйдурди мени ишқи, кўнглумда анинг завқи,  
Ҳижрон ўтида шавқи бағримни кабоб айлар.

Гоҳ ғамза била чиқса, гоҳ ишва била боқса,  
Зулф занжирини ҳар дам бўйнутумга таноб айлар.

Ҳушумни тамом олди, ишқ оташиға солди,  
Соқий қадаҳин сунмай махмури<sup>2</sup> шароб айлар.

Қад – сарву юзи – гулзор, Машрабни қилиб афгор,  
Ҳам нозу итоб айлар, ҳам хонахароб<sup>3</sup> айлар.

---

<sup>1</sup>П а р д а – чиммат юз ёпинчиғи; <sup>2</sup>м а х м у р и – хумор; <sup>3</sup>х о н а-  
х а р о б – ўйини бузади.

\* \* \*

Сени Лайлии раънодек ажойиб дилрабо дерлар,  
Мени Мажнуни шайдодек кўйингда бир гадо дерлар.

Кеча-кундуз эшигингда фиғону нолалар қилсам,  
Ки ҳарчанди наво қилсам, ҳанузам бенаво дерлар.

Юруб сўрдум табиблардин: «Бу дардимга даво  
борму?»  
Алар айтурки: «Эй нодон, бу дардини бедаво  
дерлар!»

Қани Лайли, қани Мажнун, қани Ширин билан  
Фарҳод?  
Алар ўтди бу оламдин, бу олам бевафо дерлар.

Итини хоки пойиники Машраб кўзига суртти,  
Нидо келдики оламдин кўзига тўтиё дерлар.

\* \* \*

Сетор деманг, ҳоли дилим сўргучи танбур,  
Кўнглум гириху<sup>1</sup> ғамларини очғучи танбур.

Бир неча рақиблар сўзидин ғамзада<sup>2</sup> бўлсам,  
Ҳамдард бўлубон оғушима<sup>3</sup> киргучи танбур.

Кўтоҳназар<sup>4</sup> халқ муни қадрини билмас,  
Даргоҳи азалдин хабаре бергучи танбур.

Гар ёр жамолини кўруб пардаға солсам,  
Нағмаси они сийнахарош<sup>5</sup> этгучи танбур.

Ҳам ёр жамолидек они нашъаси бордур,  
Ҳайрат ўтидин маҳви санам қилгучи танбур.

Ошиқ юрагидин чиқиб ўттек келибон ул,  
Бир учқуниға жумлани<sup>6</sup> кўйдургучи танбур.

Машрабни тамом ақлин олиб ул бути хунрез<sup>7</sup>,  
Жонимни ёқиб сийнахарош этгучи танбур.

---

<sup>1</sup>Г и р и х у — чигали; <sup>2</sup>Ғ а м з а д а — ғам адоий тамом қилган; <sup>3</sup>Оғушима — кучоғимга; <sup>4</sup>К ў т о ҳ н а з а р — узоқни кўролмайдиган; <sup>5</sup>С и й н а х а р о ш — кўнгилни тирайдиган; <sup>6</sup>Ж у м л а н и — барчани; <sup>7</sup>Х у н р е з — қон тўкар санам.



\* \* \*

То хилъати<sup>1</sup> зоҳир кийибон зеби танимдур,  
Расво бўлубон кўйи маломат ватанимдур.

Сарви қади<sup>2</sup> андешаи хуршиди жамолинг,  
Жон гулшанига лолаю сарву суманимдур!

Ханжар мижалар кўйига то тушди гузорим,  
Сар то бақадам<sup>3</sup> захми жафо пираҳанимдур<sup>4</sup>.

Боғи Эраму саҳни гулистони керакмас,  
Кўксумда мени доғи муҳаббат чаманимдур.

То бисмили<sup>5</sup> шамшири жафо айлади бошим,  
Машраб, шарари<sup>6</sup> кўйи маломат кафанимдур.

---

<sup>1</sup>х и л ъ а т и — устки кийим, халат; <sup>2</sup>қ а д и — хаёли, ўйи; <sup>3</sup>б а қ а д а м — бошдан-оёқ; <sup>4</sup>п и р а ҳ а н и м д у р — кийимимдир; <sup>5</sup>б и с м и л и — сўйган; <sup>6</sup>ш а р а р и — учкунлари.

\* \* \*

Қошинг меҳроби, эй дилбар, менингким  
қиблагоҳимдур<sup>1</sup>,  
Юзунг меҳри<sup>2</sup> кўнгулни равшан этмакликка  
моҳимдур<sup>3</sup>.

Ибодатнинг қиёми<sup>4</sup> пойгоҳинг<sup>5</sup> хонаи Каъбам,  
Изинг ул остони олий узра такагоҳимдур.

Ики олам хаёлоту менга қотил эрур, жоно,  
Сипоҳин тортиб отланса, менга ёдинг паноҳимдур.

Бу кўнгул майл қилса ғайрнинг ёдини қилмоққа,  
Ғами фурқат ўтида ҳарна куйсам ўз гуноҳимдур.

Вале, кўнглум қабул этмаски сендин ўзга дилбарни,  
Сочингнинг ҳалқаси ул зулмдин оромгоҳимдур.

Қаро кўрган фалакда абр<sup>6</sup> эрмас, ёқғони ёмғур,  
Менинг ҳолимға йиғлар ул, қароси дуди оҳимдур.

Эмасдур устухон<sup>7</sup> отинг аёқ остида судралғон,  
Ғаминг ранжи билан ўлган менинг жисми  
табоҳимдур<sup>8</sup>.

Жафою жавр ила зулмунг менга бедодлар қилди,  
Карашманг, кўрса қатл айлар, демас бу додхоҳимдур<sup>9</sup>.

Гуноҳим ғайрдин эрмас, кўзумдин, ихтиёримдин,  
Мени бу ўтға солғон ихтиёрим ҳам нигоҳимдур.

Мени ўлдурса-тиргузса санам лутфу ситам бирла,  
Ангадур ихтиёрим, ҳарна қилса подшоҳимдур.

Тирикман – танда жоним бор, ўлуб ётсам  
Эшигингда,  
Сари кўйи<sup>10</sup> – биҳишти жовидоним<sup>11</sup> хобгоҳимдур<sup>12</sup>.

Кеча-кундуз бу Машрабнинг хаёли остон бўлса,  
Висолинг давлатин топмоққа итлар садди роҳимдур<sup>13</sup>.

---

<sup>1</sup>қ и б л а г о ҳ и м д у р – қибла кўрсаткичимдир; <sup>2</sup>м е ҳ р и – қуёши; <sup>3</sup>м о ҳ и м д у р – ойимдир; <sup>4</sup>қ и ё м и – ибодатда тик турган ҳолати; <sup>5</sup>п о й г о ҳ и н г – оёқ қўйган жойинг; <sup>6</sup>а б р – булут; <sup>7</sup>у с т у х о н – суяк; <sup>8</sup>т а б о ҳ и м д у р – хароб; <sup>9</sup>д о д х о ҳ и м д у р – арз қилувчи; <sup>10</sup>к ў й и – манзили; <sup>11</sup>ж о в и д о н и м – мангулик жаннат; <sup>12</sup>х о б г о ҳ и м д у р – ёдоғимдир; <sup>13</sup>р о ҳ и м д у р – йўлим тўсиғидир.

\* \* \*

Ишқингда мени волаю ҳайрон яратубдур,  
Тарсобачани ғорати имон яратубдур.

Бу дашту биёбонда ўларман, нетай, охир,  
Холиқ<sup>1</sup> мени — ташна, сени — уммон яратубдур.

Жонимни олур бўлсанг, ол эй, дилбари раъно,  
Биз ғамзадаларни<sup>2</sup> сенга қурбон яратубдур.

Тақдири қалам бошима етти, нетайин, оҳ,  
Ҳажринг ғамида бесару сомон яратубдур.

Арзимни сенга айтайин, эй шоҳи жаҳоним,  
Бизларни гадоким, сени султон яратубдур.

Ишқинг ўтида ошиқи бечора ғарибни,  
Тун-кун улус куйида нолон яратубдур.

Ғам лашкари ичра мени ҳайрону харобу,  
Лаб ташнаю дилхастаю сарсон яратубдур.

Чун кўзларини жоду демак айна хатодур,  
Тангри они ўз майлича мастон яратибдур.

Мастона сифат ишва билан нозу карашма,  
Парвона сифат шамъига сўзон<sup>3</sup> яратубдур.

Девонаю Мажнун не қилур, йўқдур иложи,  
Аз рўзи азал<sup>4</sup> бағрини бирён<sup>5</sup> яратубдур.

Девонаи Машраб не демиш эрса, ёронлар,  
Айб айламангизлар, они нодон яратубдур.

---

<sup>1</sup>Х о л и қ — яратувчи, тангри; <sup>2</sup>ғ а м з а д а л а р н и — ғам адоийи тамом қилганларни; <sup>3</sup>с ў з о н — куядиган; <sup>4</sup>а з а л — азал кундан, яратилгандаёқ; <sup>5</sup>б и р ё н — куяк.

\* \* \*

То телбалиғим шуҳрати оламин тутубдур,  
Ондин бери Мажнун сўзини халқ унутубдур.

Фарҳод ила Мажнун не билур ишқ рамузин<sup>1</sup>,  
Ишқ бобида, ул шогирдларимки, ўқутубдур.

Мужгонларингизнинг<sup>2</sup> ўқи ағёрға тегди,  
Мен билдим жонимға нелар мендин ўтубдур.

Ҳар лаҳза тегар санги<sup>3</sup> маломат юрагимга,  
Эл таънаси чун бағрими афгор<sup>4</sup> этубдур.

Машрабки, вужуди била мамлу<sup>5</sup> майи ишқдин,  
Сармаст бўлубон эл орасинда юрубдур.

---

<sup>1</sup>р а м у з и н – сир-саноатларини; <sup>2</sup>М у ж г о н л а р и н г и з н и н г – киприк; <sup>3</sup>с а н г и – тоши; <sup>4</sup>а ф г о р – эзилган; <sup>5</sup>м а м л у – тўла, лиммо-лим.

\* \* \*

Чиқсам кўчаларға шоҳсуворим<sup>1</sup> келадур,  
Гул ғунчасидек лола узорим<sup>2</sup> келадур.

Ҳар ёнга боқиб, кирпич ўқин халқға отиб,  
Жонимға ўтларни ёқиб, нигорим келадур.

Майгун<sup>3</sup> лабидин ишқ майин элга сунубон,  
Ўз мастлиғидин кўзи хуморим келадур.

Жонимға етиб ҳар соридин рашк қиличи,  
Мужгон<sup>4</sup> ўқини ҳар ён отарим келадур.

Келмай неча кун, қайда қарор этти эканким,  
Кўнглумдин олиб сабру қарорим, келадур.

Ўлмайму бу дард била, эй ёру ёронлар,  
Жоним уйиға ўтни ёқорим келадур.

Ҳам зоҳиду фосиқ ўзуна сажда қилурға,  
Ҳар лаҳзада минг динни бузорим келадур.

Кундуз-кечаси ҳеч маҳал келган эмас ул,  
Бул турфа, кўрунг, лайлу<sup>5</sup> наҳорим<sup>6</sup>, келадур.

Илкида<sup>7</sup> қилич, белда садоғи била ул маст,  
Чопмас бурун ул жоним олорим келадур.

Гул барги каби ғам била сарғайди бу Машраб,  
Не ғам менга эмди, ғамгусорим келадур.

---

<sup>1</sup>ш о х с у в о р и м – чавандозим; <sup>2</sup>у з о р и м – лола юзим;  
<sup>3</sup>М а й г у н – майранг, қизил; <sup>4</sup>М у ж г о н – киприк; <sup>5</sup>л а й л у – тун,  
кеча; <sup>6</sup>н а ҳ о р и м – тонг, эргалаб; <sup>7</sup>И л к и д а – қўлида.

\* \* \*

Латофат боғи ичра қоматинг сарви хиромондур,  
Кўнгул қумриси тинмай, доимо дар шўру афғондур<sup>1</sup>.

Кўзунг жаллоддур, қошинг — ҳилолу кипригинг  
ханжар,  
Лабинг — лаълу даҳонинг<sup>2</sup> — ғунчай садбарги<sup>3</sup>  
хандондур<sup>4</sup>.

Сен, эй зоҳид, менинг дарди дилимни ҳеч  
билмассен,  
Юрокимга назар қилсанг, тамоми захми пайкондур<sup>5</sup>.

Биҳишт ичра қадам қўймам, йўқ эрса ваъдаи  
васлинг  
Ки, сенсиз менга бу жаннат мисоли нори сўзондур<sup>6</sup>.

Ки сенсиз найлайин ушбу жаҳонни, эй вафодорим,  
Азоби қабр — ҳижрон дардидин, албатта, осондур.

Умиди кўп эди ранжур<sup>7</sup> қилди ишқ Машрабни,  
Агар мақсадга етмай ўлса, вовайлоу<sup>8</sup> армондур.

---

<sup>1</sup>а ф ф о н д у р — фиғону фарёд; <sup>2</sup>д а ҳ о н и н г — оғзинг; <sup>3</sup>с а д - б а р г и — атиргул; <sup>4</sup>х а н д о н д у р к у л и б — кулиб турган; <sup>5</sup>п а й - к о н д у р — камон ўқи; <sup>6</sup>с ў з о н д у р — куйдирувчи дўзахдир; <sup>7</sup>р а н ж у р — дардманд; <sup>8</sup>в о в а й л о у — э воҳ! Афсус!

\* \* \*

Чун қўлум бирла оёғим боғламоқ ҳожат эмас,  
Мен ўлумга розидурман, тургали тоқат эмас.

Мунча шиддат бирла бошим кесгали зўр айлама,  
Баски<sup>1</sup>, одам қони тўкмак сенга ҳам тоат эмас.

Умр чун барқи<sup>2</sup> ҳаводис<sup>3</sup>, гофил одам билмади,  
Ойу кун оромига бир лаҳзае фурсат эмас.

Лашкари хунрез<sup>4</sup> бўлса сабру ором қайда бор?!  
Мажнуни девоналардин шоҳға роҳат эмас!

Чун муборак бўлсун, эй Машраб, қизил қонинг сенинг,  
Хўб иш бўлди сенга, жон берганинг офат эмас.

---

<sup>1</sup>Б а с к и – чунки; <sup>2</sup>б а р қ и – чақмоғи; <sup>3</sup>ҳ а в о д и с – ҳодисалар;  
<sup>4</sup>х у н р е з – қон откувчи.



\* \* \*

Етмаса боди сабо гунчага хандон бўлмас,  
Ишқдин топмай асар<sup>1</sup> кабк<sup>2</sup> сухандон бўлмас.

Гул юзун кўрмагунча гулшан ичинда булбул,  
Айланиб ҳаргиз ўшал ерда хушалхон<sup>3</sup> бўлмас.

Ишқ оташи юзни сариғ айлағай, зору залил<sup>4</sup>,  
Жонини куйдурмаса ошиқ юраги қон бўлмас.

Кўзи оташ, юзи маҳваш<sup>5</sup>, сўзи дилкаш назари  
Тушмагунча қаро тош лаъли Бадахшон бўлмас.

Икки зулфи ичинда гул юзи рахшон<sup>6</sup> ўлди,  
Васл шамъи ўлмаса ҳижрон туни тобон<sup>7</sup> бўлмас.

Йиғлаб дедим: «Менга фурқат тунида ой  
юзинг оч!»  
Ул деди: «Меҳр ёғин бўлса, нурафшон бўлмас».

Дема васлим хушу ҳажрим аламиндин дема сўз,  
Ошиқ улдурки, асари тан, хабари жон бўлмас!».

Анга дедим: «Нетайин куйдуруб ўлдурди бу дард,  
Бу нечук дардки, анга ҳаргиз дармон бўлмас.

Машрабо, гар сени ҳижрон ўқи минг пора қилур,  
Фам ема, лаъл неча порадур, арзон бўлмас.

---

<sup>1</sup> а с а р — тонг ели; <sup>2</sup> к а б к — каклик; <sup>3</sup> х у ш а л х о н — ёқимли сайрақи; <sup>4</sup> з а л и л — хло-зор; <sup>5</sup> м а ҳ в а ш — ойдаи; <sup>6</sup> р а х ш о н — ярқироқ; <sup>7</sup> т о б о н — порлоқ.

\* \* \*

Дардим ўтиға ёру биродар чидаёлмас,  
Гар нола қилсам ҳазрати довар<sup>1</sup> чидаёлмас.

Дардимдин агар зарра асар<sup>2</sup> қилса фалакка,  
Ўтлар чақилур, чархи мудаввар<sup>3</sup> чидаёлмас.

Сирри дилим изҳор агар бўлса малакка,  
Ул моҳ<sup>4</sup> куяр, шамси<sup>5</sup> мунаввар чидаёлмас.

Ишқ аҳли агар нолаю фарёд чиқарса,  
Масжид куяру воизу минбар чидаёлмас.

Дардимни агар солса тарозуи амалға<sup>6</sup>,  
Они кўрубон мўмину кофар чидаёлмас.

Воиз бўлубон ваъз десам масжид элиға,  
Ваъзим эшитиб, масжиду минбар чидаёлмас.

Ашъори<sup>7</sup> лазиз ила жавоб айди бу Машраб,  
Они ўқубон кўрса Музаффар чидаёлмас.

---

<sup>1</sup>д о в а р — ҳакам; ҳукмрон, мажозан: Оллоҳ маънолари бор;  
<sup>2</sup>а с а р — таъсир; <sup>3</sup>м у д а в в а р — фалак ёруғ; <sup>4</sup>м о ҳ — ой; <sup>5</sup>ш а м с и  
— қуёш; <sup>6</sup>а м а л ф а — одамнинг бу дунёдаги савобу гуноҳ ишлари;  
<sup>7</sup>А ш ъ о р и — шеър.

\* \* \*

Хуршид юзунг шуъласиға жон чидаёлмас,  
Кофир кўзунгни зулмиға имон чидаёлмас.

Лаъли лабини таърифини шарҳ қилурға,  
Ҳам лавҳи қалам, котиби девон чидаёлмас.

Ул нозанин ар ноз ила жилвагар ўлса,  
Кўз солса анга оқилу нодон чидаёлмас.

Бул ҳол била шўхи паризод<sup>1</sup> гузар этса,  
Ҳуру пари-ю одаму филмон<sup>2</sup> чидаёлмас.

Мен ютган аламларни агар заррача тотса,  
Дорой<sup>3</sup> жаҳон, хусрави<sup>4</sup> даврон чидаёлмас.

Уммонға агар қатраи ашким<sup>5</sup> дури ёғса,  
Маллоҳ<sup>6</sup> элию, донаи маржон чидаёлмас...

---

<sup>1</sup>п а р и з о д — пари фарзанди; <sup>2</sup>ф и л м о н — жаннатдаги йигитчалар;  
<sup>3</sup>Д о р о и — эга; <sup>4</sup>х у с р а в и — шоҳ; <sup>5</sup>а ш к и м — кўз ёшим;  
<sup>6</sup>М а л л о ҳ — кемачи.

\* \* \*

Менинг рози дили зорим фаровондур, битиб  
бўлмас,  
Ки ишқ афсонасини дафтар узра шарҳ этиб  
бўлмас.

Тикансиз – гул, садафсиз – дур, машаққатсиз  
хунар йўқтур,  
Риёзат чекмагунча ёр васлиға этиб бўлмас.

Кўзум тушти юзиға, телмуруб ҳайрон бўлиб  
қолдим,  
Фалакка қўл узотиб шамси анварни<sup>1</sup> тутиб бўлмас.

Ўшандоғ Мустафони<sup>2</sup> ушбу оламдин фано қилди,  
Худоға бу сабабдин, эй биродар, баҳс этиб бўлмас.

Хаданги<sup>3</sup> тийри мижгонинг мени сийнамға<sup>4</sup> жо бўлди,  
Кўнгул захмин очиб бедардларга кўрсатиб бўлмас.

Узоғ эрмиш ўшал зебо санамни<sup>5</sup> қасри, эй Машраб,  
Агар юз йил жадал қилсанг, бу манзилга этиб  
бўлмас.

---

<sup>1</sup>анварни – ёруғ қуёшни; <sup>2</sup>Мустафони – Муҳаммад алайҳсалом; <sup>3</sup>Хаданги – камон ўқи; <sup>4</sup>сийнамға – кўксимга; <sup>5</sup>санамни – Оллоҳ назарда тутилган.

\* \* \*

Малаксан<sup>1</sup> ё башар<sup>2</sup>, ё ҳуру филмонсан<sup>3</sup>, билиб бўлмас,  
Бу лутфу бу назокат бирла сендин айрилиб бўлмас.

Ажаб бераҳм дилбарсан, ажаб шўхи ситамгарсан,  
Чароғи ҳусни рўйингдин<sup>4</sup> кўнгулни ҳам узиб  
бўлмас.

Юзингнинг офтобини кўруб ҳайрон бўлуб қолдим,  
Фалакка қўл узотиб шамси анварни<sup>5</sup> олиб бўлмас.

Юзунг мисли қизил гулдур, кўнгул чун<sup>6</sup> булбули  
шайдо,  
Бу гулнинг ишқидин булбул чамандин айрилиб  
бўлмас.

Кел, эй Машраб, агар ошиқ бўлубсан бўлмағил  
фофил,  
Бу гафлат уйқусидин, эй ёронлар, уйғониб бўлмас.

---

<sup>1</sup>М а л а к с а н — фаришта; <sup>2</sup>б а ш а р — одам; <sup>3</sup>ф и л м о н с а н — жаннатдаги хизматкор йигитлар; <sup>4</sup>р ў й и н г д и н — юзингдан; <sup>5</sup>а н в а р н и — ёруғ қуёшни; <sup>6</sup>ч у н — худди, каби.

\* \* \*

Ишқ мазҳабиға тақвию<sup>1</sup> тоат чидаёлмас,  
Тасбиҳу сано<sup>2</sup>, зуҳду ибодат чидаёлмас.

Ким кўрса агар дилбари раънони баякбор<sup>3</sup>  
Бетоқат ўлуб, айшу фароғат чидаёлмас.

Фарёду фиғонлар қиладурман кеча-кундуз,  
Ҳайратда қолиб «қад» ила «қомат»<sup>4</sup> чидаёлмас.

Адҳам сифат кирса киши фақр<sup>5</sup> йўлиға,  
Носойиш ила хайру саховат чидаёлмас.

Арбоби муҳаббатга бўйи келса санамдин,  
Ақли кетару сабру қаноат чидаёлмас.

Эй зоҳид, агар кўрсанг ўшал моҳлиқони<sup>6</sup>,  
Зуҳду вараъу<sup>7</sup> кашфу каромат чидаёлмас.

Девона қилур ишқу санам васли чу Мажнун,  
Номусу ҳаё, айбу қабоҳат чидаёлмас.

Ул жоми муҳаббат майидин кимки ичидур,  
Жоҳу<sup>8</sup> ҳашаму иззату роҳат чидаёлмас.

Бу ишқ элини зикру саносиға, аё шоҳ,  
Бешубҳа билинг, дасти иродат чидаёлмас.

Машраб, келибон кўнгул ила рақси само қил,  
Ишқ мазҳабиға оби таҳорат чидаёлмас.

---

<sup>1</sup>т а қ в и ю – пархезгорлик; <sup>2</sup>с а н о – мақтов; <sup>3</sup>б а я к б о – бирданига; <sup>4</sup>қ о м а т – азондаги «қад қомат иссалот» – намоз вақти келди иборасидаги сўзларга ишора; <sup>5</sup>ф а қ р – сўфийлик, дарвишмек; <sup>6</sup>м о ҳ л и қ о н и – ойюзлини; <sup>7</sup>в а р а ў у – худодан кўрқиш, оллоҳпарастлик; <sup>8</sup>Ж о ҳ у – амал, мартаба.

\* \* \*

Шарх айласам ишқ дафтариனி жон чидаёлмас,  
Ҳам жону жаҳон, одаму ҳайвон чидаёлмас.

Авроди<sup>1</sup> муҳаббат ўқубон масжида кирсам,  
Масжид куяру тоқи фарозон<sup>2</sup> чидаёлмас.

Майхона кириб васли санамдин хабар олсам,  
Зоҳид куяру оқилу нодон чидаёлмас.

Чун барқ урубон чиқса<sup>3</sup> ўшал кўҳга<sup>4</sup> Мажнун,  
Дўзах куяру жаннату ризвон чидаёлмас.

Ишқ дафтаридин гар ўқусам сура баякбор,  
Бешубҳа билинг, ояти Куръон чидаёлмас.

Гар наъра уруб тавсани<sup>5</sup> ҳиммат мина қолсам,  
Оламға тушуб шўриши афғон чидаёлмас.

Машраб, сен агар даъвии ишқи санам эттинг,  
Биллоҳки<sup>6</sup>, анга жисминг ила жон чидаёлмас,

---

<sup>1</sup>А в р о д и — ёддам кўп ўқиладиган дуолар; <sup>2</sup>ф а р о з о н — юсак гумбазлар; <sup>3</sup>ч и қ с а — яшиндай чақнаб; <sup>4</sup>к ў ҳ г а — тоққа; <sup>5</sup>т а в с а н и — асов от; <sup>6</sup>Б и л л о ҳ к и — худо ҳақи.

\* \* \*

Найлайин, дилдордин бегона бўлдум оқибат,  
Юз ғаму ҳасрат билан ҳамхона бўлдум оқибат.

Бу жудолиғ ҳасратидин тоқат этмай бир замон,  
Ҳажр жомидин ичиб мастона бўлдум оқибат.

Неча йил кўйида юрдум, етмадим васлиға ҳеч,  
Хонумонимдин кечиб девона бўлдум оқибат.

Ёрни васлиға етгайманму деб шому саҳар,  
Ўртаниб ҳажр ўтиға парвона бўлдум оқибат.

Ҳаддин ошди бу мени расволиғим олам аро,  
Халқи олам ичра кўб афсона бўлдум оқибат.

Хонаи айшу нашотини<sup>1</sup> ҳама барбод этиб,  
Чуғздек<sup>2</sup> дар кунжи<sup>3</sup> ҳар вайрона бўлдум оқибат.

Хонақою Каъбадин, Машраб, мурода етмадим,  
Май ичибон сокини<sup>4</sup> бутхона бўлдум оқибат.

---

<sup>1</sup>н а ш о т и н и – шодлигини; <sup>2</sup>ч у ғ з д е к – бой ўғлидай;  
<sup>3</sup>к у н ж и – бурчак, гўша; <sup>4</sup>с о к и н и – яшовчи, ўтирувчи.



\* \* \*

Онадин бўлдум, жаҳонда бўлмадим шод оқибат,  
Йиғаним бўлди фано мулкида<sup>1</sup> барбод оқибат.

Дона деб доми<sup>2</sup> муҳаббат тушди бошимга менинг,  
Доми меҳнатни<sup>3</sup> қуруб йўлумга сайёд<sup>4</sup> оқибат.

Тўлди паймонам менинг, кўйингда жон бермак ишим,  
Тиғи ҳасратни қўйиб ҳалқумга жаллод оқибат.

Устухоним<sup>5</sup> суда<sup>6</sup> бўлгунча сенинг дардинг билан,  
Шоҳсан, арзимга ет, қилсам керак дод оқибат.

Сўфийлик осон эмасдур, ҳар киши рост англаса,  
Қўйди йўлдин халқни нолойиқ иршод<sup>7</sup> оқибат.

Қолмади Жамшид, Искандар, қани Афросиёб?  
Топмади дасти<sup>8</sup> ажалдин хона обод оқибат.

Машрабо, нуқсон ўзунгда, шоҳ ҳидоятли<sup>9</sup>, вале,  
Нафс — ҳам мардуд, ҳам Фиръавн, Шаддод оқибат.

---

<sup>1</sup>м у л к и д а — ўткинчилик юртида; <sup>2</sup>д о м и — тузоғи; <sup>3</sup>м е ҳ - н а т н и — машаққай; <sup>4</sup>с а й ё д — овчи, қуш овловчи; <sup>5</sup>У с т у х о н и м — суягим; <sup>6</sup>с у д а — майдаланган; <sup>7</sup>и р ш о д — йўл кўрсатиш; <sup>8</sup>д а с т и — қўли; <sup>9</sup>ҳ и д о я т л и — тўғри йўлга етакловчи.

\* \* \*

Қилди бу чархи фалак расвои даврон оқибат,  
Бору йўқим бўлди охир ерга яксон оқибат.

Гуссаю ғамдин қутулмайдур ғариб бошим мени,  
Кимни ҳамдардим дедим қилди паришон оқибат.

Охири билмам қаерга элтадур бул мотамим,  
Ғамдин ўзга бўлмади дардимга дармон оқибат.

Сарви озодларни қаддин чархи гардун<sup>1</sup> қилди ҳам<sup>2</sup>,  
Шерларнинг корини<sup>3</sup> марг<sup>4</sup> этти осон оқибат.

Ўртанурман оташи ҳижронига мисли сипанд<sup>5</sup>,  
Менга келганда қуруб қолди гулистон оқибат.

Тарки суҳбат айладим, ҳамроҳи ноқобил<sup>6</sup> билан,  
Роҳи ободини тутдум, бўлди вайрон оқибат...

Кимга дард айтайки мунда меҳрибоним бўлмаса,  
Ўртаса<sup>7</sup> оламни кори бопушаймон оқибат.

Хона-хона ҳасратим мулки дилимга жўш урар,  
Қилмадим арш устига бир лаҳза жавлон оқибат.

Жон чиқар вақтига еттию узилди тори умр,  
Бир сўраб келса на бўлғай номусулмон оқибат.

Васлингга етмакка ошиқнинг иложи йўқ учун,  
Дард бўлди охири Машрабга дармон оқибат.

---

<sup>1</sup>Г а р д у н – фалак чархи; <sup>2</sup>х а м – букди; <sup>3</sup>к о р и н и – ишини;  
<sup>4</sup>м а р г – ўлим; <sup>5</sup>с и п а н д – исирик; <sup>6</sup>н о қ о б и л – яроқсиз,  
кўлидан иш келмайдиган; <sup>7</sup>Ў р т а с а – куйдирса.

\* \* \*

Эй сабо, борсанг дуо давлатли султонимга айт,  
Мен учун ғамбодадил<sup>1</sup> бўлғон паришонимга айт.

Бир сучук сўзнинг гадоси мен жаҳонда бекасам<sup>2</sup>,  
Қайғулук кўнглумни олғон яхши меҳмонимга айт.

Моҳтоб<sup>3</sup> эрдим жаҳондин баҳра олмай бораман,  
Тийра<sup>4</sup> бахтимдин бориб хуршиди тобонимга айт.

Оҳ бемунислигим қилди бу оламдин фано,  
Бу ғарибни арзини ҳар шоми ҳижронимга айт.

Чуғздек<sup>5</sup> вайрона топмай бош урубман ҳар тараф,  
Дасту пойини<sup>6</sup> йитурган хонавайронимга айт.

Сели меҳнат<sup>7</sup> охири қилди бу ҳолимни хароб,  
Менки ўлган сўнг бу мотамни ғўристонимга айт.

Дафтар оч, бехонумонлиғдин ўшал маҳбубга,  
Лайлининг доғини Мажнуни биёбонимга айт.

Дилни мендин узди, қандоқ дилни обод айлади,  
Ҳам амирим, ҳам вазирим, бегиму хонимга айт.

Ғам тарозусига тушган бори вазмин<sup>8</sup> мен букун,  
Шояд<sup>9</sup> ул дардимга етгай шоҳи давронимга айт.

Эй ҳабибим<sup>10</sup>, мунисим, жоним, азизим, ҳамдамим,  
Мустаҳиқлардин<sup>11</sup> дуое Шоҳимардонимга айт.

Хонумонимни онинг йўлида торож айладим,  
Арзи ихлосу дуо мендин у султонимга айт.

Нангу номусдин кечиб кирдим маломат йўлига,  
Ҳам кўзумни оқи, ҳамда шамъи нуронимга айт.

Рост келмайдур улуғ дардимни изҳор айласам,  
Жон фидо қилдим они йўлида, жононимга айт.

Машрабо, умрумни охир қилди бу чархи фалак,  
Ул сухансанжу<sup>12</sup> суханфаҳму<sup>13</sup> сухандонимга айт.

---

<sup>1</sup>Ғ а м б о д а д и л — кўнгли маҳзум; <sup>2</sup>б е к а с а м — кимсасизман;  
<sup>3</sup>М о ҳ т о б — ойдин; <sup>4</sup>Т и й р а — қора, қоронги; <sup>5</sup>Ч у ф з д е к —  
бойўғлидек; <sup>6</sup>п о й и н и — қўл-оёғини; <sup>7</sup>м е ҳ н а т — машаққат;  
<sup>8</sup>в а з м и н — оғир юк; <sup>9</sup>Ш о я д — зора; <sup>10</sup>ҳ а б и б и м — севиклим;  
<sup>11</sup>М у с т а ҳ и қ л а р д и н — муносиб; <sup>12</sup>с у х а н с а н ж у — сўзшунос;  
<sup>13</sup>с у х а н ф а ҳ м у — сўзни англайдиган.

\* \* \*

Наманган шаҳридин кетсам, мени йўқлар кишим  
борму?

Ғариблик шаҳрида юрсам, мени йўқлар кишим  
борму?

Қани қавму қариндошим, бу йўлда бўлса  
йўлдошим,  
Кўзимдин оқишиб ёшим, мени йўқлар кишим  
борму?

Муҳаббат шарбатин ичтим, қозондек қайнабон  
тоштим,  
Бу фоний дунядин кечтим, мени йўқлар кишим  
борму?

Тушубдур бошима савдо, рамузи<sup>1</sup> ишқдин ғавфо,  
Ўзига айлади шайдо, мени йўқлар кишим борму?

Турарга тоқатим йўқдур, юрарга ҳолатим йўқтур,  
Юракда ишқ ўти чўқдур<sup>2</sup>, мени йўқлар кишим борму?

Қарорим йўқ турай десам, Намангонда юрай десам,  
Жаҳонни сайр этиб кезсам, мени йўқлар кишим  
борму?

Бу мискин зор Машрабнинг киши ҳолини сўрмайдур,  
Бу ердин бош олиб кетсам, мени йўқлар кишим  
борму?

---

<sup>1</sup>р а м у з и – сир-саноатлари; <sup>2</sup>ч ў қ д у р – кўп.

\* \* \*

Не савдолар<sup>1</sup> боша солдинг, бу савдолар туганмазму?  
Ки банд эттинг аёғларни, яна бандлар ёзилмазму?

Паёми<sup>2</sup> васл эшитиб мен юрарман шахрдин шахра,  
Саги<sup>3</sup> даргоҳ бўлгонлар бу саглардин қутулмазму?

Сари зулфиға банд бўлгон жаҳон даври  
тасалсулдур<sup>4</sup>,  
Ки асбоби жаҳон торин бирисидин узулмазму?

Ки ишқ дарёсиға банд солмоғинг бисъёр<sup>5</sup>  
мушкулдур,  
Ки тоқи рўйи олам садди роҳ<sup>6</sup> этсанг сурулмазму?

Тавофи олами дил қил жаҳонда ҳар башардин сен,  
Агар бир дилни сен бузсанг, юзар<sup>7</sup> Каъба  
бузулмазму?

Жунунни қўзгат, эй Машраб, булар маҳкуми  
таҳқиқдур<sup>8</sup>.  
Ки таҳқиқ сирридин фаҳм этки, зулфидек  
тугулмазму?

---

<sup>1</sup>с а в д о л а р – кўргиликлар; <sup>2</sup>П а ё м и – хабари, дарағи; <sup>3</sup>С а г и – ити; <sup>4</sup>т а с а л с у л д у р – занжир, силсила; <sup>5</sup>б и с ь ё р – кўп; <sup>6</sup>р о ҳ – йўл тўсиғи; <sup>7</sup>ю з а р – юзлаб; <sup>8</sup>т а ҳ қ и қ д у р – ҳақиқат қилинадиган.

\* \* \*

Тирикликда жудо бўлгон киши ёрини кўргайму?  
Фироқи ҳасратида сарғариб ё кўрмай ўлғайму?

Куюб бирён<sup>1</sup>, бўлуб ҳайрон, висолин топмайин  
гирён<sup>2</sup>,  
Баҳор айёмида булбул киби гулға қўшулғайму?

Нечук бедодлиг<sup>3</sup> иш бўлдиким, сендин жудо бўлдум,  
Оқаргон кўзларимға давлати дийдор бўлғайму?

Мен айтурман: «Кўнгул узғил!» Бу кўнглум кўнгул  
узмайдур,  
Кўнгул айтурки: «Эй нодон, кўнгул берган  
узулғайму?»

Кел, эй соқий, қадаҳ сунғил, бўлойин масти  
мустағрақ<sup>4</sup>,  
Иноят<sup>5</sup> бўлмаса сендин тўкулган коса тўлғайму?

Сени ишқингда, эй дилбар, ки менда қолмади тоқат,  
Яна ишқингда оҳ урсам гузори ёр бўлғайму?

Азалдин ошно бўлмоқ батақдири худо, Машраб,  
Бу ҳижрон илгидин, эй дўстлар, жоним қутулғайму?

---

<sup>1</sup>Б и р ё н — қовурилиб; <sup>2</sup>Г и р ё н — йиғлоқи; <sup>3</sup>Б е д о д л и г — адолатсиз; <sup>4</sup>М у с т а ф р а қ — ичиб учиб қолган; <sup>5</sup>И н о я т — лутф-марҳамат.

\* \* \*

Менинг жонимни куйдурмоқ учун оромижон гулрух,  
Дилимни гуссадин куйдурди ул номехрибон гулрух.

Кўнгул боғи очилди, тўбии бахтим самар<sup>1</sup> берди,  
Ҳидоят<sup>2</sup> гулшанида андалиби<sup>3</sup> бўстон гулрух<sup>4</sup>.

Қадалса кўксума тийри бало пайкони мужгонинг<sup>5</sup>,  
Менинг жонимга жавр берди ул офатижон гулрух.

Менингдек неча саргардон бордур йўлда ўлтурган,  
Қилиб Мажнунни мотам шаҳрига бехонумон гулрух.

Камон абрўларига<sup>6</sup> жон қуши сайд ўлди, найларман  
Ки мен, ул шўх чашми фитнаи охир замон гулрух.

Муяссар бўлди менга аввалу охир ҳақиқатдин,  
Қадам қўйди кўнгулни кулбасига меҳмон гулрух.

Тамошо қилғудек фурсат керак тоқат қилиб турса,  
Юзун очиб такаллум айлади<sup>7</sup> ширин забон<sup>8</sup> гулрух.

Аламли Машраб эрдим, ул парининг дардидин куйдум,  
Мени охир дамимда қилди беному нишон гулрух.

---

<sup>1</sup>с а м а р — мева; <sup>2</sup>Ҳ и д о я т — тўғри йўлга йўллаш; <sup>3</sup>а н д а л и б и — булбул; <sup>4</sup>г у л р у х — гулюзли; <sup>5</sup>м у ж г о н и н г — киприкларинг ўқи; <sup>6</sup>а б р ў л а р и г а — камондай; <sup>7</sup>а й л а д и — қошларига; <sup>8</sup>з а б о н — тил.



\* \* \*

Тасаддуқинг<sup>1</sup> бўлайин, эй пари, жамолинг оч,  
Олурға жон тиласанг тиғи бемалолинг оч.

Зилол чашмасидин Хизр топди умри тавил<sup>2</sup>,  
Менга бақолиғ учун чашмаи зилолинг оч.

Қадду юзунгни қилиб орзу кўнгул қондур,  
Бу қонни ичмак учун сарви навниҳолинг оч.

Бу икки зулфинг ила қад мисоли жон дерлар,  
Ки «жим», «алиф» ила «нун» юзунг узра холинг оч.

Ҳилоли ийдки ҳар йил бошинда икки туғар,  
Бир ой бошингда туғулган икки ҳилолинг оч.

Кўнгул сурурини, айтсам, суроҳий<sup>3</sup> май дерлар,  
Менинг муфарриҳима<sup>4</sup> лаъли<sup>5</sup> бемисолинг оч.

Келур май ўтрусида ҳажр шоми бошиға ўқ,  
Қилиб раҳм бу кун Машрабингга мақолинг оч.

---

<sup>1</sup>Т а с а д д у қ и н г – мадағанг; <sup>2</sup>т а в и л – узун, узоқ; <sup>3</sup>с у р о - х и й – ишла, қадаҳ; <sup>4</sup>м у ф а р р и ҳ и м а – шодлигим учун; <sup>5</sup>л а ъ - л и – «лаб» истиюраси.

\* \* \*

Мен-е аввора бўлгонга фироқ ўти даво эрмиш,  
Куюб ишқинг билан ўлмак бу ошиққа раво<sup>1</sup> эрмиш.

На бўлғай сўз қотиб ўтсанг мени саргаштага<sup>2</sup>,  
дилбар,  
На айлай жаннату ҳурни, менга шул муддао эрмиш.

Етибдур ҳалқума жоним, начунким сабр этай  
мен зор,  
Фариб жоним олур бўлсанг, нигоро, марҳабо эрмиш.

Сенинг дарди фироқингдин юрагим таҳ-батаҳ<sup>3</sup> қондур,  
Кўзум ёшлиқ, дилим ғамлик, чу рангим қаҳрабо<sup>4</sup>  
эрмиш.

Бу олам ичра мундоғ гирифтори бало қилдинг,  
Қиёмат қозиси бўлсанг ғаму ҳасрат гувоҳ эрмиш.

Тамоми обиду<sup>5</sup> зоҳид қўлига туҳфасин олса,  
Куюб, бирён<sup>6</sup> бўлиб ошиқ ниёзи<sup>7</sup> оҳ-воҳ эрмиш.

Намозу тақвисин<sup>8</sup> зоҳид қилур олам аро машҳур,  
Ўгуруб субҳасин<sup>9</sup> тинмай иши доим риё эрмиш.

На айши жаннату ризвон, на парвои чаҳи Бобил,  
Кезиб олам аро йиглаб сўроғи дилрабо эрмиш.

Аё оламини куйдурган, жаҳонга ўт ёқиб юрган,  
Тараҳхум айлабон кўргил камина бенаво эрмиш.

Агар маҳшар уни Машраб кўнгулни соф этай  
десанг,  
Тасаддуқ<sup>10</sup> айлагил жонингни усру подшо эрмиш.

---

<sup>1</sup>р а в о – мумкин; <sup>2</sup>с а р г а ш т а г а – сарсон-саргардон; <sup>3</sup>б а т а ҳ – қаватма-қават; <sup>4</sup>к а ҳ р а б о – сариқ тош, январь; айнан: сомон тортар; <sup>5</sup>о б и д у – ибодат қилувчи; <sup>6</sup>б и р ё н – қовурилиб; <sup>7</sup>н и ё з и – илтижоси; <sup>8</sup>т а қ в и с и н – парҳезгарлик, худойжўйлик; <sup>9</sup>с у б ҳ а с и н – тасбиҳини; <sup>10</sup>Т а с а д д у қ – садаға.

\* \* \*

Бир боқишинга жумлаи<sup>1</sup> жонона тасаддуқ,  
Шахло кўзунгга оқилу девона тасаддуқ.

Гар пардасини<sup>2</sup> очсаю дилбар менга боқса,  
Машғал юзига мен каби парвона тасаддуқ<sup>3</sup>.

Соқий бўлубон сунса қадаҳ ноз ила ҳар дам,  
Ул ғамзасиға соғару паймона<sup>4</sup> тасаддуқ.

Лаъли лабидин журъаи<sup>5</sup> майни тилаб олдим,  
Дур тишларига гавҳари дурдона тасаддуқ.

Юсуф сифат ул жилва қилиб келса қошимға,  
Мен ўргулайин, Каъбаю бутхона тасаддуқ.

Жонингни агар бер деса ул дилбари раъно,  
Жоним берайин йўлида мардона тасаддуқ.

Мужгон ўқиға қилса бу жонимни нишона,  
Кўксум берайин йўлида ҳайрона тасаддуқ.

Гулгун<sup>6</sup> кийибон чиқса ўшал дилбари раъно,  
Мажнун бўлубон ўргулайин ёна тасаддуқ.

Ваъда қилибон айди: «Жамолимни кўрарсан»,  
Ваҳдат майидин ички, бу паймона тасаддуқ.

Машраб, сари зулфунг тараса рашки келадур,  
Зулфунг торидин боди сабо, шона тасаддуқ.

---

<sup>1</sup>ж у м л а и – ҳамма, барча; <sup>2</sup>п а р д а с и н и – чимматини, юз ёпинчигини; <sup>3</sup>т а с а д д у қ – садаға; <sup>4</sup>п а й м о н а – май ва қадаҳ; <sup>5</sup>ж у р ъ а и – бир қултум; <sup>6</sup>Г у л г у н – гулранг, қизил.

\* \* \*

Ломаконни шаҳрида ошиқни шайдо қилди ишқ,  
Анбиёю<sup>1</sup> авлиёларни ҳувайдо<sup>2</sup> қилди ишқ.

Жилвасини кўрсатиб зоҳирда элга ранг-баранг,  
Ору номусдин кечиб оламга гавго қилди ишқ.

Ёши етмишга етиб соттурди ўзни Боязид,  
Маърифат бозорида, кўргил, на савдо қилди ишқ.

Шайх Шиблий, шайх Аттор ул «Аналҳақ» суҳбатин —  
Қурди, ичди бодани<sup>3</sup>, Мансурни дордо қилди ишқ.

«Куфр айтти!» деб Насимий терисини сўйдилар,  
Гўшту пўстин сўзлатиб оламга гўё<sup>4</sup> қилди ишқ.

Шайх Санъондин бўлуб тўрт юз мурид соҳибкамол,  
Кўрди тарсозодани хукбону<sup>5</sup> тарсо қилди ишқ.

Билдию эшитти Машрабнинг қарори йўқ экан,  
Зоҳирин гўё қилиб, ботинин бино қилди ишқ.

---

<sup>1</sup>А н б и ё ю — набийлар, пайғамбарлар; <sup>2</sup>ҳ у в а й д о — намоён қилди; <sup>3</sup>б о д а н и — май (Оллоҳга бўлган оташин муҳаббат рамзи); <sup>4</sup>г ў ё — сўзловчи, гапирадиган; <sup>5</sup>х у к б о н у — чўчкабоқар.

## МУСТАЗОДЛАР

Эй моҳ<sup>1</sup>, нетай, ишқинг ўти айлади расво,  
Девона бўлубман,  
Ишқинг ўти сийнам узадур, сенга на парво,  
Парвона бўлубман.  
Ул дамки, ўшал моҳ юзун бир йўла кўрдум,  
Чун хобу<sup>2</sup> хаёлдек,  
Найранги рақиб ўлдиму ё тақдири Оллоҳ,  
Бегона бўлубман.  
Мен бандаи мискинки ғамман ҳазиниман,  
Сен пушти паноҳим,  
Уммиди тараҳҳум<sup>3</sup> била кундуз-кеча санго,  
Фарзона бўлубман.  
Фурқатда<sup>4</sup> кезиб кечаю кундуз мен-е маҳжур<sup>5</sup>,  
Ғам даштида доим,  
Фарёду фигон ила чекиб нола ила оҳ,  
Ғамхона бўлубман.  
Машраб ҳолини сўрғали оламда кими бор?  
Ким додига етгай?  
Йўқдур бу бузуғ дилни сўрар маҳрами<sup>6</sup> асло,  
Вайрона бўлубман.

---

<sup>1</sup>моҳ – ой; <sup>2</sup>хобу – туш, уйку; <sup>3</sup>тараҳҳум – раҳм-шафқат;  
<sup>4</sup>Фурқатда – айриликда; <sup>5</sup>маҳжур – жудо бўлган; <sup>6</sup>маҳрами – сирдош.

\* \* \*

Ногоҳ кўрубон кўчада ул сарви хиромон,  
Қош қоқтию кетти,  
Қош учида имо қилиб ул жуббаси<sup>1</sup> ларзон,  
«Юргин», деди кетти.  
Ул шўх пари, кўзлари офат, сўзи оташ,  
Ҳай-ҳай, не жавоҳир,  
Бир шева<sup>2</sup> қилиб этти мени ўзига ҳайрон,  
Ҳушум бори кетти.  
Ул зулфи паришон солибон чиқса баякбор<sup>3</sup>,  
Мен шукр этарман,  
Юз мартаба жонимни қилай мен анга қурбон,  
Ўт ёқтию кетти.  
Ҳам жилва билан борур эди уйига ул шўх,  
Бағримни қилиб қон,  
Минг мартаба таъзим ила ул сарви хиромон,  
Жон олдию кетти.  
Машрабни бу дунёда хароб этган ўзунгсан,  
Эй кўзлари шаҳло,  
Айди сўзини – ёйди бу дунёда фаровон,  
Дод эттию кетти.

---

<sup>1</sup>ж у б б а с и – устки ҳашаматли кийим; <sup>2</sup>ш е в а – юз, ишва  
<sup>3</sup>б а я к б о р – бирданига, кўққисидан.

\* \* \*

Васлингни топай деб, санамо<sup>1</sup>, фикру ғамим бор,  
Бир неча замондур,  
Ҳижрону фироку аламу дарди дилим бор,  
Бағрим тўла қондур.  
«Валлайл<sup>2</sup>» ўқуб иштиёқим сенга тушубдур,  
Ҳаргиз хабаринг йўқ,  
Ҳасратли юрак, дарду маломат ватаним бор,  
Ҳажринг чу ёмондур.  
Гаҳ Мажнун ўлуб дашту биёбонга чиқарман,  
Ҳамроҳларим — оху.  
Гаҳ Лайли бўлуб ҳусну латофат чаманим бор,  
Хуш гулшани жондур.  
Гоҳи бошима тож қўюбон шоҳ бўлурман,  
Ул давлати васлинг,  
Бул турфа ажаб фақр элига<sup>3</sup> салтанатим бор,  
Жамшиди замондур.  
Ишқ мазҳабида савму<sup>4</sup> саловат ҳама мақбул,  
Ҳаргиз анга шак<sup>5</sup> йўқ  
Зоҳидлар аро тоату тақвий<sup>6</sup> хижилим бор,  
Ўз йўлим омондур.  
Лайли санамим кўрдиму жоним бера қолдим,  
Осон қутулай деб.  
Девоналиғим ҳолати Мажнун асарим бор,  
Ишқ йўли ёмондур.  
Бир кеча дедим: «Эй санамо, қошима борғил!»  
Ёр айди: «Сабр қил!»  
Деди: «Нетайин ёнима, оҳ, шум рақибим бор,  
Ул билса ёмондур».  
Тасдиқи сўзум бирдур, вале, икки эмасдур,  
Валлоҳию биллоҳ<sup>7</sup>.  
Аммоки халойиққа ажаб икки тилим бор,  
Бул сирри ниҳондур.

Васлингга етай деб яна дилхаста бу Машраб,  
Доим жадал айлар.  
Йиғлаб югуруб кечаю кундуз талабим бор,  
Кўксум тўла қондур.

---

<sup>1</sup>с а н а м о – эй бут, хоч; <sup>2</sup>В а л л а й л – «қуръон»даги сура сўзлари: Тун билан қасам ичаман; <sup>3</sup>э л и г а – сўфийларга, дарвишларга; <sup>4</sup>с а в м у – рўза; <sup>5</sup>ш а к – намоз; <sup>6</sup>т а қ в и й – парҳезгарлик, художўйлик; <sup>7</sup>б и л л о ҳ – Оллоҳ ҳақи, бу ҳам ўта мансуб.



\* \* \*

Сен шоҳи мулук<sup>1</sup> салтанатинг олама тўлғон  
Ким, барчадин аъло.  
Бу жону кўнгул ишқинг аро волаю<sup>2</sup> ҳайрон,  
Эй орази<sup>3</sup> зебо.  
Кўзума қадам, кулбама кел, жонима миннат,  
Эй шўх пари пайкар<sup>4</sup>.  
Мен босғон изинг туфроғини сурма қилурман,  
Мисли гули раъно.  
Мен ўлдиму ишқингда жафоларни чекиб кўб,  
Эй шўхи жаҳоним,  
Дилбар, сени юзунгни кўрай деб юрагим қон,  
Мен ошиқи шайдо.  
Асрори<sup>5</sup> жаҳон сендин ўзга ким билур эрмиш,  
Сен барчадин огоҳ,  
Ҳар кимки билурман деса ул барчаси ёлғон,  
Улдур юзи қаро.  
Дунёни тепиб, ишқингда девона келибман.  
Фурбатзада<sup>6</sup> Машраб.  
Танбур олибон қўлға қилур нолаю афғон,  
Ҳажр ўтиға лайло<sup>7</sup>.

---

<sup>1</sup>м у л у к —мамлакат; <sup>2</sup>в о л а ю — шайдо; <sup>3</sup>о р а з и — юзи, чехраси;  
<sup>4</sup>п а й к а р — тан, вужуд; <sup>5</sup>А с р о р и — сирлар; <sup>6</sup>Ф у р б а т з а д а —  
ғариблик адойи тамом қилган; <sup>7</sup>л а й л о — тун, кечаси.

\* \* \*

Бул хаста вужудимни менинг ўртади буткул,  
Ул зулфи паришон.  
Ул гул юзин ишқида мен вола<sup>1</sup> булбул,  
Ул гунчаи хандон,  
Бир раҳм қилиб сўрмади ҳолимни нечук деб,  
Ул орази гулгун<sup>2</sup>.  
Юз ваъда қилиб бирга вафо қилмади бир йўл,  
Ул ваъдаси ёлгон.  
Парвона бўлуб ишқ ўтида куйса бу жоним,  
Бу дарди аламдин.  
Ўтларни ёқиб келса мени хонама ул кун,  
Ул оташи жавлон.  
Ишқинг ўтиға куйди, не қилсинки бу жисмим,  
Йўқ сабру қарорим.  
Овозаи ҳуснунгки солиб олама гулгул<sup>3</sup>,  
Эл барчаси ҳайрон,  
Сенсиз не қилай ушбу жаҳонда, куйди бу жоним,  
Сенсен менга маҳваш.  
Айтур аламим қилса қабул ул маҳитобон<sup>4</sup>,  
Жоним анга қурбон.  
Бир неча маҳаллар юрубон рози дил айтдим,  
Девонаи Машраб.  
Бераҳм экан, келмади бирдам қошим узра  
Ул золими даврон.

---

<sup>1</sup> в о л а — мафитун, шайдо; <sup>2</sup> г у л г у н — юзи гулранг; <sup>3</sup> г у л г у л — гулгула, шув-шув; <sup>4</sup> м а ҳ и т о б о н — порлоқ ой.

\* \* \*

Кўрдум яна бир моҳлиқо<sup>1</sup> офати жоне,  
Гулдек лаби хандон.  
Бир ишва била олди кўнгул шўхи замоне,  
Мен бесару сомон.  
Гар кўрсам ўшал жавру жафопешани<sup>2</sup> бир йўл,  
Дўстлар, аламимдин  
Изҳор қилиб айтайинму неча забоне<sup>3</sup>.  
Қолмас эди армон  
Ўлдум ситаму жавру жафонгдин, мени ноком<sup>4</sup>,  
Раҳм айла ҳолимға.  
Бир лутф қилиб ҳолима боқсангчи ниҳоне,  
Ойдек юзи тобон<sup>5</sup>.  
Сен шоҳки – мен хаста гадо зор югурубман,  
Васлингни топай деб.  
Бир муфлиси<sup>6</sup> бечора гамингдин ногироне,  
Ҳар кўчада ҳайрон.  
Ишқинг алами кўнглума ўтлар ёқа қолди,  
Валлоҳ<sup>7</sup>, нетарман?  
Йўқдур аламу кулфату фарёдими сони,  
Ҳам нолаю афгон.  
Савдои сари зулфунгга девона бўлубман,  
Тоқат қила олмай.  
Ҳайрон бўлубон, оҳ урубон, нола қилурман,  
Дар дашту биёбон.  
Топмай юрагим дардига дармон юрадурман,  
Беҳолу паришон.  
Сен лутф қилиб бергил ўшал дардга давони,  
Эй дилбари хўбон<sup>8</sup>.  
Ранжурлигим<sup>9</sup> ҳаддан ошиб кетти, даво қил,  
Васлингни майидин.  
Ҳар лаҳза мени жонима зулм этма аёне,  
Бўлди юрагим қон.

Ошуфта бўллуб, зор юруб гамзада<sup>10</sup> Машраб,  
Дар кўйи маломат.  
Савдои сари кўчаю бозор, ёмоне,  
Оввораю сарсон.

---

<sup>1</sup>м о ҳ л и қ о – ой юзли; <sup>2</sup>ж а ф о п е ш а н и – одати жафо;  
<sup>3</sup>з а б о н е – сўз; <sup>4</sup>н о к о м – бебахт, бахтсиз; <sup>5</sup>т о б о н – порлоқ;  
<sup>6</sup>м у ф л и с и – йўқсил, қашшоқ; <sup>7</sup>В а л л о ҳ – Ё Оллоҳ; <sup>8</sup>х ў б о н –  
гўзаллар; <sup>9</sup>Р а н ж у р л и ф и м – хасталигим; <sup>10</sup>Ғ а м з а д а – гам адоий  
тамом қилган.

\* \* \*

Ҳар дам мени куйдургучи ул ишванамодур<sup>1</sup>,  
Мавзун<sup>2</sup> қади шамшод.  
Сиймин<sup>3</sup> зақану<sup>4</sup> лола руху<sup>5</sup> моҳлиқодур<sup>6</sup>,  
Чун ҳуру паризод.  
Лаъли лаби ағёрға жонбахш ва лекин —  
Бахтимни кўрунгким,  
Ҳар лаҳзада минг мартаба жонимни олодур,  
Минг оҳ ила фарёд.  
Ҳижрон черики<sup>7</sup> қилди хусумат сенга, эй жон,  
Бўлгил анга воқиф.  
Оҳим ўқи ҳам қаддим ани отғали ё дур,  
Бўл анга дарафтод<sup>8</sup>.  
Ҳар қайси саро<sup>9</sup> узра хиром этти шитобон,  
Чун учти кўзимдин,  
Оре<sup>10</sup>, кишини ёри пари бўлса учодур,  
Суръат била чун бод<sup>11</sup>.  
Токи менга бедод<sup>12</sup> ила жавру ситам эттинг,  
Бул сўзни эшитгил:  
Маҳбубларнинг расми бори меҳру вафодур,  
На зулм ила бедод.  
Машраб бу сифат тоза сухан айласа изҳор,  
Сен қилма таажжуб,  
Файбдин они кўнглига илҳоми худодур,  
Бўлгил анга мунқод<sup>13</sup>.

---

<sup>1</sup>ишванамодур — ишва қилувчи; <sup>2</sup>Мавзун — хушбичими; <sup>3</sup>Сиймин — кумуш; <sup>4</sup>зақану — ияк; <sup>5</sup>руху — лола юз; <sup>6</sup>моҳлиқодур — ой юзлидир; <sup>7</sup>черики — лашкари; <sup>8</sup>дарафтод — ташланмоқ; <sup>9</sup>саро — маскан; <sup>10</sup>Оре — ҳа; <sup>11</sup>бод — шамолдай; <sup>12</sup>бедод — зули; <sup>13</sup>мунқод — иқроп.

\* \* \*

Ширин сухане, моҳи<sup>1</sup> башар, ҳур лиқое<sup>2</sup>,  
  Ҳусн аҳлиға сардор,  
Жонимни ҳалок этмак учун турфа балое,  
  Бир золими хунхор,  
Шайдою саросимаю девона қилибдур,  
  Бечора кўнгулни,  
Бошимға, басе, ёғдурубон тийри<sup>3</sup> жафое,  
  Ул шўхи ситамкор.  
Гар истар эсанг ёр жамолини кўрай деб,  
  Оламда топилмас —  
Мендек яна бир мустаҳику<sup>4</sup> зори гадое,  
  Ишқингга гирифтор.  
Қаддим ҳам ўлуб таъбияти<sup>5</sup> эгма қошингдин,  
  Ё айлади таъзим,  
Ул мусҳафи<sup>6</sup> ораз уза кўргач икки «ё» е,  
  Ул қавси қузаҳвор<sup>7</sup>.  
Ораз била зулфиға жаҳон халқи демишлар:  
  «Бир-бирга қариндош»,  
Бул турфаки ҳамсоя бўлуб Ҳинду Хитое,  
  Кўргач они ҳар ёр.  
Қош «ё» йи била киприк ўқин ҳар дам этибдур  
  Кўксумни нишона,  
Меъмори қазо<sup>8</sup> жисмим уйин этти биное,  
  Ул ўққа сазовор.  
Ўтлар чақилиб, гуркираган раъд<sup>9</sup> эмасдур  
  Чарх устиға ҳар дам,  
Оҳим ўтининг шиддатидин берди садое,  
  Бул гунбази даввор<sup>10</sup>.  
Йилларки они кўйида ҳар дам югурубман.  
  Васлиға етай деб,  
Ҳам оху фиғон айлабу фарёду навое,  
  Ҳажрида юруб зор.

Парвона сифат шамъи жамолинг сари бордим,  
Ўргулғали, лекин,  
Кўргузмади-ку бурқаъ<sup>11</sup> очиб зарра зиёе  
Ул дилбари маккор.  
Эй боди сабо, турғилу суръат ила борғил,  
Жононима еткур,  
Дилхасталиғим бирла саломею паёме<sup>12</sup>  
Бисёр ва бисёр<sup>13</sup>.  
Гар сўрса киши: «Ким сени девонаваш этти?»  
Бу сўзни деюрман:  
«Бир шўх пари пайкару заррина қабое<sup>14</sup>,  
Ҳам лаъли шакарбор<sup>15</sup>».  
Васлингга ҳаётимни нисор этсам, ажаб йўқ,  
Машрабдек бўлуб маст,  
Булбулға нетонг жонини гар қилса фидое,  
Кўргач гулу гулзор.

---

<sup>1</sup>м о ҳ и — ой; <sup>2</sup>л и қ о е — ҳүрюзли; <sup>3</sup>т и й р и — ўқи; <sup>4</sup>м у с т а ҳ и — қ у — ҳақли лойиқ, муҳтож; <sup>5</sup>т а Ъ б и я т и — тобеълиги; <sup>6</sup>м у с ҳ а ф и — «Қуръон»; <sup>7</sup>қ у з а ҳ в о р — камалақдай; <sup>8</sup>қазо — қисмат; <sup>9</sup>р а Ъ д — момақалди роқ; <sup>10</sup>д а в в о р — айланувчи; <sup>11</sup>б у р қ а Ъ — чиммат, юз ёпинчиғи; <sup>12</sup>п а ё м е — хабар, дарак; <sup>13</sup>б и с ё р — кўп; <sup>14</sup>қ а б о е — зар либос, зар ҳалатан кенг устки кийим; <sup>15</sup>ш а к а р б о р — шакар ёгиладиган, ширинсўз.

\* \* \*

Кўрдумки букун паривашу дилбари раъно,  
Йўл узра шитобон,  
Хуш суврату хуш хильату<sup>1</sup> хуш рафтору зебо,  
Чун кабки<sup>2</sup> хиромон.  
Пур ишваю<sup>3</sup> пур ғамзаю сиймин зақандур<sup>4</sup>,  
Даҳр ичра пур ошуб<sup>5</sup>,  
Ҳам офати жон, жумлаи маҳвашлара якто<sup>6</sup>,  
Сарфитнаи<sup>7</sup> даврон.  
Ҳай-ҳай, не балон, – офати жонимму париваш,  
Бедоду<sup>8</sup> ситамгар,  
Бир боқишиға қилди мени бесару бепо<sup>9</sup>,  
Ул сарви хиромон.  
Шамшод қаду жилвагару жомаси<sup>10</sup> гулгумму,  
Заррина кулоҳи,  
Кокил била гисуларидур<sup>11</sup> анбари соро<sup>12</sup>,  
Ойдек юзи тобон.  
Ширин сухану писта даҳан<sup>13</sup>, рухлари<sup>14</sup> чун гул,  
Қошлари ҳилоли,  
Лаъли шакару тишлари дур, кўзлари шаҳло,  
Чун ҳусни фаровон.  
Ногоҳ бу сифат бирла ўшал шўхи балони,  
Кўргач мене бедил,  
Бўлдум анга вобаста<sup>15</sup> ҳам волаю шайдо,  
Ошуфтаи ҳижрон.  
Айдим: «Санамо, қўй кафи пойинг кўзум узра!»  
Аччиғланиб айтур:  
«Бўлмасму фиғор<sup>16</sup> ул варақи лолаи ҳумро<sup>17</sup>,  
Санчилса муғилон?».  
То бўлди кўнгул ҳалқаи зулфига гирифтор,  
Ул шўхи балони,  
Хунобаю ҳасрат бўлуб эрди менга маъво,  
Ғамхонаи ҳижрон.



Жоно, тутарам ганжинаи меҳрингни таноби,  
Вайрон кўнгул ичра,  
Ореки<sup>18</sup>, хуш ул ганжки вайронада бўлса,  
Эл кўзида пинҳон.  
Деди кулубон: «Келғилу ўпғил аёғимни!»  
Эй Машраби маҳжур,  
Чуст<sup>19</sup> ўлғилу ўпғил аёғин гар ваъдасига  
Бўлмаса пушаймон.

---

<sup>1</sup>х и л ь а т у – устки кийим, халат; <sup>2</sup>к а б к и – каклик; <sup>3</sup>и ш в а ю – серишва; <sup>4</sup>з а қ а н д у р – қумуш ияк; <sup>5</sup>о ш у б – серғавго; <sup>6</sup>я к т о – ягона; <sup>7</sup>С а р ф и т н а и – фитнабоши; <sup>8</sup>Б е д о д у – золим; <sup>9</sup>б е п о – қўл-оёқсиз; <sup>10</sup>ж о м а с и – тўни; <sup>11</sup>г и с у л а р и д у р – соч ўрими; <sup>12</sup>с о р о – тоза анбар, асл анбар; <sup>13</sup>д а ҳ а н – оғиз; <sup>14</sup>р у х л а р и – юз, чехра; <sup>15</sup>в о б а с т а – асир, боғлик; <sup>16</sup>ф и г о р – жароҳат; <sup>17</sup>ҳ у м р о – қизил; <sup>18</sup>О р е к и – ҳа; <sup>19</sup>Ч у с т – чиққан, чечак.

\* \* \*

Мужгони хадангинг<sup>1</sup> юраким қилди маконе,  
То жо бўлойин деб.  
Обод кўнгул кишварини<sup>2</sup> бузди замоне,  
Сахро бўлойин деб.

Шамшод қадинг рахнагари<sup>3</sup> боғи дилимдур,  
Бо нозию ишва,  
Қумрилайин ул нола қилур турфа фигоне  
Шайдо бўлойин деб.

Овоза бўлуб менга хати накҳати<sup>4</sup> зулфунг,  
Ҳар боди сабодин.  
Чин қофиласи<sup>5</sup> келдики, чу бори<sup>6</sup> гарони<sup>7</sup>,  
Савдо бўлойин деб.

Туйғун қарашинг қилди мени қайд<sup>8</sup> балое,  
Ҳасратда қолибман.  
Лочин турушинг ўртади саҳройи жаҳонна,  
Танҳо бўлойин деб.

Оинаи ҳуснунгга қараб қилди сухан соз<sup>9</sup>,  
Бечора бу кўнгул.  
Тўти бўлубон лаъли лабинг қилди баёне,  
Гўё бўлойин деб.

Бир лаҳзада девона бўлуб ҳушёр бу кўнгул,  
Мастана кўзунгдин.  
Ўттек туташиб келди ўшал соқии даврон,  
Саҳбо<sup>10</sup> бўлойин деб.

Кўрдумки, юзунг лола сифат тоза бўлубтур,  
Эй нахли<sup>11</sup> муродим.

Ишқингда юзум бўлди ажаб ранги хазоне,  
Раъно бўлойин деб.

Ривонки, зулфунгга сени шонасифатдур<sup>12</sup>,  
Муштоқи жамолинг.  
Жаннат қадамингга бўлубон хуш нигороне<sup>13</sup>,  
Маъно бўлойин деб.

Ҳасрат била доғинг юраким тонг қилибдур,  
Ҳажринг ўти анда.  
Кўксумда унуб лола менга берди нишоне,  
Сахро бўлойин деб.

Машраб, сени васлинг йўлида бесару сомон<sup>14</sup>,  
Ҳар лаҳза келиб кўр.  
Ишқинг сирини қилди юрак ичра ниҳоне,  
Ошно бўлойин деб.

---

<sup>1</sup>х а д а н г и н г — камон ўқи; <sup>2</sup>к и ш в а р и н и — ўлкасини; <sup>3</sup>р а х н а г а р и — бузувчиси; <sup>4</sup>н а к ҳ а т и — бўй, ҳид; <sup>5</sup>қ о ф и л а с и — парвони; <sup>6</sup>б о р и — юк; <sup>7</sup>г а р о н и — оғир; <sup>8</sup>қ а й д — асир, маҳбус; <sup>9</sup>с о з — сўзлади; <sup>10</sup>С а ҳ б о — қизил май; <sup>11</sup>н а х л и — ниҳол; <sup>12</sup>ш о н а с и ф а т д у р — тароқдай; <sup>13</sup>н и г о р о н е — интизор, интиқ, зор; <sup>14</sup>с о м о н — далли девона.

\* \* \*

Кўз учи<sup>1</sup> билан дилбари раъно менга боқти,  
  Ҳайрон бўла қолдим.  
Юз нозу карашма била ёр қошини қоқти  
  Сарсон бўла қолдим.  
«Жонимни олур бўлсанг ол!» деб ёнига бордим,  
  Кулди «Нари тур!» деб,  
Бехуд қилибон бошима савдосини солди,  
  Нолон бўла қолдим.  
Айдимки яна: — «Ўргулойин, қошима келсанг»,  
  Юзуни ўгирди.  
Ҳушум кетибон кўздаги ёш қон бўлуб оқти,  
  Гирён<sup>2</sup> бўла қолдим.  
Боскан изини кўзума сурттум нола айлаб,  
  «Дилбар, қайдасан?» деб  
Чиқмади садо, ишқ ўтини жонима ёқти,  
  Сўзон<sup>3</sup> бўла қолдим.  
Оҳ урдуму айдимки: — «Сени қайдин топармен  
  Излаб?» Деди: «Сабр эт!»  
Ҳеч қолмади сабрим, жигарим сув бўлуб оқти,  
  Уммон бўла қолдим.  
Машрабга саҳар ёри ширин сўз қотиб ўтти,  
  Жондин кеча қолдим.  
Девона қилиб, жоним олиб, биллоҳки<sup>4</sup>, йиқти,  
  Қурбон бўла қолдим.

---

<sup>1</sup>у ч и — кўз қири; <sup>2</sup>Г и р ё н — йиғлоқи; <sup>3</sup>С ў з о н — куюнди;  
<sup>4</sup>Б и л л о ҳ к и — худо ҳақи (қасам).

\* \* \*

Ишқингда куюб кул бўлубман, хабаринг йўқ,  
Эй дилбари ширин.  
Васлингга тану жон берибман, асаринг йўқ,  
Мен ошиқи мискин<sup>1</sup>.  
Бир шўре ажаб ғулғулаи<sup>2</sup> ишқ тушубдур,  
Бечора қўнгулча.  
Анбар кокулунг хўб ярашур хинча белингга,  
Сен сунбули насрин,  
Девонаи шўридаю<sup>3</sup> савдозададурман<sup>4</sup>,  
Ваҳ, тоза юзунгга.  
Ул наргиси<sup>5</sup> шаҳлосига жондин хабарим цўқ,  
Мен хастаю ғамгин.  
Лочин турушунг шева<sup>6</sup> била ҳушум олибтур,  
Эй ёри вафодор.  
Туйғун қарашингга берайин жон — дигарим йўқ,  
Лаълинг Чину Мочин.  
Қош ёйи била отти ўшал шўх-сиё чашм<sup>7</sup>,  
Кўксумга қадалди,  
Тешди юраким-бағрими, ҳаргиз назаринг йўқ,  
Кофир — дили сангин<sup>8</sup>.  
Гоҳ беҳуду маст, гоҳида ҳушёр бўлубман,  
Фурбатзада<sup>9</sup> Машраб.  
Доим тилагим — васлингу ўзга талабим йўқ,  
Бир ваъдада тургин.

---

<sup>1</sup>м и с к и н — бечора, бояқиш; <sup>2</sup>ғ у л ғ у л а и — шов-шув;  
<sup>3</sup>ш ў р и д а ю — тўполончи; <sup>4</sup>с а в д о з а д а д у р м а н — ғам одати  
тамом қилган; <sup>5</sup>н а р г и с и — кўз; <sup>6</sup>ш е в а — ишва; <sup>7</sup>ч а ш м — қора кўз;  
<sup>8</sup>с а н г и н — тошдан; <sup>9</sup>Ф у р б а т з а д а — ғариблик ҳолдан тойдирган.

\* \* \*

Ишқинг ўтида куйдumu ёндим, хабаринг йўқ,  
Эй дилбари айёр.  
Зори қиламан кечаю кундуз, назаринг йўқ,  
Эй золими хунхор.  
Аввалда на деб кўнглум олиб ваъдани бердинг,  
Айёр экансан.  
Қонлар ютаман зор бўлуб, бир хабаринг йўқ,  
Оргуқ на жазонг бор?  
Сенсиз мен агар минг яшасам ушбу жаҳонда,  
Бир кунча кўрунмас.  
Ким шамъи жамолинг тилодим, бир қараринг йўқ,  
Мен сенга гирифтор.  
Машрабнинг агар кўзларидин қонлари оқса,  
Шукронаси кўпдур.  
Васлингга бу жон ўлди нисор<sup>1</sup>, ҳеч асаринг йўқ,  
Эй шўхи ситамкор.

---

<sup>1</sup>н и с о р – сочқи.

\* \* \*

Ногоҳ кўрунуб, жилва қилиб ўтти паризод,  
Бағримни қилиб қон,  
Фурқат ила ғам даштида чун айлади ношод,  
Ул ваъдаси ёлғон.  
Йиғлаб, югуруб орқасидин эргаша қолдим,  
Бир раҳм қилур деб,  
Бераҳму вафосизга қилиб умрни барбод,  
Саргаштаи ҳайрон.  
Ғам тунлари то субҳ<sup>2</sup> куярман кеча-кундуз,  
Ишрат била сенсан,  
Лутфунг била ғам лашкаридин айласанг озод,  
Шаънингга не нуқсон.  
Парвона сифат ўргулайин ҳар қадамингдин,  
Гар бўлса муяссар,  
Бир лаҳза тараҳҳум<sup>3</sup> юзидин айламадинг шод,  
Ғамзанг<sup>4</sup> била, эй жон.  
Бурқаъ<sup>5</sup> солибон гуллари гар юзини очса,  
Кўрмоққа не имкон,  
Қатлимга анинг кўзларидур кофири жаллод,  
Тўкмоққа раги қон.  
Имонини бир ишвасиға сотти бу Машраб,  
Тарсобача учун,  
Зуннор солиб бўлди бараҳман ила Шаддод,  
На куфру на имон.

---

<sup>2</sup>с у б ҳ – тонг; <sup>3</sup>т а р а ҳ ҳ у м – раҳм-шафқат; <sup>4</sup>Ғ а м з а н г – кўз сузмок; <sup>5</sup>Бу р қ а ъ – чиммат, юз ёпинчиғи.

## МУРАББАЪЛАР

Ҳамду санолар айтай худога,  
Ёрға етар кун борму, ёронлар?  
Еткайму додим нозук адога,  
Ёрға етар кун борму, ёронлар?

Шум толеимдин кўрдум жафони,  
Золим рақиблар топди вафони,  
Ҳолим сўр эмди, бергил давони,  
Ёрға етар кун борму, ёронлар?

Булбулдайинким, фарёд этарман,  
Ишқ дафтарини бунёд этарман,  
Кўнгулларимни мен шод этарман,  
Ёрға етар кун борму, ёронлар?

Қачон висолинг бўлғай муяссар,  
Ишқингда кездим ҳам баҳру<sup>1</sup> ҳам бар<sup>2</sup>,  
Дарду аламга тўлди кўнгуллар,  
Ёрға етар кун борму, ёронлар?

Ғам баҳри қилди мавжини бунёд,  
Ишқингда қилдим юз оҳу фарёд,  
Ўтти нигорим чун сарви озод,  
Ёрға етар кун борму, ёронлар?

Ҳажр аҳли келди тутти ёқамдин,  
Бағримни тилғил пайкони<sup>3</sup> ғамдин,  
Минг доду фарёд ушбу аламдин,  
Ёрға етар кун борму, ёронлар?

Шамъи фироқинг кўксумда ёнди,  
Кўз ёшим оқиб бағримға томди,  
Ғафлатда қолғон Машраб уёнди,  
Ёрға етар кун борму, ёронлар?

---

<sup>1</sup>б а ҳ р у — денгиз; <sup>2</sup>б а р — қуруқлиқ; <sup>3</sup>п а й к о н и — камон ўқи.



\* \* \*

Аввал айтайин ҳамди худойим<sup>1</sup>,  
Дуввум<sup>2</sup> дуруди<sup>3</sup> ул Мустафойим<sup>4</sup>.  
Мендин узоқда ул дилрабойим,  
Эй бод, еткур ёра саломим.

Ул меҳрибондин ўлдум жудое,  
Ишқида куйдум, бўлдум адое,  
Тошларни ёрди кўксумнинг оҳи,  
Эй бод, еткур ёра саломим.

Кўрмай юзунгни девона бўлдум,  
Халқи жаҳондин бегона бўлдум.  
Юз дарду ғамға ҳамхона бўлдум,  
Эй бод, еткур ёра саломим.

Ёрдин жудо мен ўлгунча бўлдум,  
Қонларни ютдум, ҳасратга тўлдум.  
Дарди ғамингдин, валлоҳки<sup>5</sup>, ўлдум,  
Эй бод, еткур ёра саломим.

Ёрим қошимдин ул кунки борди,  
Тиғи жафоси кўксумни ёрди,  
Кетти дил учиб, жон қуши қолди,  
Эй бод, еткур ёра саломим.

Нома битарман ул қора қоша,  
Узоғлиғидин кўз тўлди ёша,  
Ҳар дам урарман бошимни тоша,  
Эй бод, еткур ёра саломим.

Кўксумнинг дардин тоша битарман,  
Ҳасратда бошни олиб кетарман,

Онинг кўйида, валлоҳ, ўларман,  
Эй бод, еткур ёра саломим.

Қайдин топарман ул шамъи хўбон,  
Дарди ғамингдин бўлди юрак қон,  
Кўрсат юзунгни, эй моҳи тобон,  
Эй бод, еткур ёра саломим.

Кийган тўнимни дурдона бичдим,  
Заҳробаларни<sup>6</sup> мардона ичдим,  
Фурбат суйидин мастона кечтим,  
Эй бод, еткур ёра саломим.

Қачон кўрарман ёрим юзини,  
Қалам қошини, қаро кўзини,  
Дафтар этарман ҳар бир сўзини,  
Эй бод, еткур ёра саломим.

Ҳар кеча-кундуз тинмай юрурман,  
Вайроналарда итдек улурман,  
Во ҳасрато, деб кўрмай ўлурман,  
Эй бод, еткур ёра саломим.

Ишқингда Машраб афғон этодур,  
Бағрини чандон бирён<sup>7</sup> этодур,  
Кўзини ҳар дам гирён<sup>8</sup> этодур,  
Эй бод, еткур ёра саломим.

---

<sup>1</sup>х у д о й и м – мақтов; <sup>2</sup>д у в в у м – иккинчи; <sup>3</sup>д у р у д и – салом; <sup>4</sup>М у с т а ф о й и м – Муҳаммад алайҳиссалом; айнан: сайланган; <sup>5</sup>в а л л о ҳ к и – худо ҳақи; <sup>6</sup>З а ҳ р о б а л а р н и – зароб; <sup>7</sup>б и р ё н – куйган, қовурилган; <sup>8</sup>г и р ё н – зардоб.

\* \* \*

Банданг эрурман, валлоху биллоҳ<sup>1</sup>,  
Шому саҳарлар мен сенга шайдо.  
Келдим эшикка, деб шайғаллиллоҳ<sup>2</sup>,  
Кўрдум юзунгни, адҳамдулиллоҳ!<sup>3</sup>

Боқсангчи мендек девоналарга,  
Ақлу ҳушидин бегоналарга.  
Исён<sup>4</sup> чўлида сарсоналарга,  
Кўрдум юзунгни, алҳамдулиллоҳ!

Мастона қилган шаҳло кўзунгдур,  
Парвона қилган ойдек юзунгдур.  
Девона қилган ширин сўзунгдур.  
Кўрдум юзунгни, алҳамдулиллоҳ!

Излаб юрурман Шому Ироқи,  
Топмадим асло ёрнинг сўроқи<sup>5</sup>.  
Куйдурди, дўстлар, онинг фироқи,  
Кўрдум юзунгни, алҳамдулиллоҳ!

Учради ҳар ким — сени сўрадим,  
Кўча-бақўча сени қарадим.  
Кечаю кундуз сени тиладим,  
Кўрдум юзунгни, алҳамдулиллоҳ!

Бир неча кундур мен сенга афгор,  
Бўлдум гирифтор ишқингга, эй ёр.  
Аввал охир сен менга даркор,  
Кўрдум юзунгни, алҳамдулиллоҳ!

Ҳажринг чўлида ҳолим харобдур,  
Ҳасрат ўтида бағрим кабобдур,

Ҳолимни сўрсанг беҳад савобдур,  
Кўрдум юзунгни, алҳамдулиллоҳ!

Йўқдур хабарим ҳаргиз ўзумдин,  
Қонлар оқодур икки кўзумдин.  
Таъсир қилурму ушбу сўзумдин,  
Кўрдум юзунгни, алҳамдулиллоҳ!

Машрабга тегди оҳу надомат,  
То рўзи маҳшар айтур давомат.  
Ҳар ерда бўлсанг, бўлгил саломат,  
Кўрдум юзунгни, алҳамдулиллоҳ!

---

<sup>1</sup>Б и л л о ҳ — Ё Оллоҳ, қасам ичаманки; <sup>2</sup>ш а й ъ а л л и л л о ҳ — Оллоҳ йўлида нарса сўраш; <sup>3</sup>а д ҳ а м д у л и л л о ҳ — Оллоҳга мақтовлар бўлсин; <sup>4</sup>И с ё н — шариат буйруқларини бажармаслик; <sup>5</sup>с ў р о қ и — дарагини.

## МУҲАММАСЛАР

Ишқингда куймас ошиқ, девона бўлмағунча,  
Шамъингга ёнмас ҳеч ким, парвона бўлмағунча,  
Бел боғламас йўлиға, мардона бўлмағунча,  
Бошга олиб маломат, афсона бўлмағунча,  
Севмас садафни<sup>1</sup> сарроф<sup>2</sup> дурдона<sup>3</sup> бўлмағунча.

Сенсиз менга, нигорим, икки олам керакмас,  
Тахту бахти Сулаймон, сенсиз хотам<sup>4</sup> керакмас,  
Хизр умри зиндалигу<sup>5</sup> оби Замзам<sup>6</sup> керакмас,  
Сенсиз ўлай, дуо қил, менга бул дам керакмас,  
Танда жоним қолмади пайкона бўлмағунча.

Аршинг куяр оҳимдин тонгла бўлса қиёмат,  
Инсу<sup>7</sup> малак титрашиб йиғлаб айтур надомат<sup>8</sup>,  
Чикса оҳим зарраси ҳеч ким қолмас саломат,  
Ҳуру филмон, биҳиштинг айтур: «Нечук аломат?»  
Қолмас молик дўзахинг сўзона бўлмағунча.

Тушти бошимға ишқинг ларза қилиб йиғладим,  
Бу тақдири азал деб, белим маҳкам боғладим,  
Ошиқ иши қаттиғ деб, оҳу воҳлар айладим,  
Дардинг беҳад зўрлади, даргоҳинга йиғладим,  
Раҳм айламас нигорим гирёна бўлмағунча.

Ошиқ бўлсанг туну кун жонни қурбон айлагил,  
Ҳажри меҳнат жафоси тегса пинҳон айлагил,  
Зулфи чин-чин<sup>9</sup> куфрни жонға имон айлагил,  
Ҳажри фурқат дардида тинмай фиғон айлагил,  
Жонига жон улашмас жонона бўлмағунча.

Номус кетмас ҳеч кимдин ишққа қадам қўймаса,  
Адҳам сифат дунёни то пушти урмаса,

Восил бўлмас васлиға ёлғуз ўзин севмаса,  
Рози бўлуб қазоға<sup>11</sup> ишқ ўтиға куймаса,  
Топмас дилбар сўроғин<sup>12</sup> жўёна<sup>13</sup> бўлмағунча.

Вақти баҳор май ичкил, билгил ишрат ғанимат,  
Соқий, сунғил қадаҳни, фурсат-суҳбат ғанимат,  
Зоҳид айтур: ёронлар тасбиҳ-тоат ғанимат,  
Машраб қаландарингга дарду меҳнат ғанимат,  
Кўрмас маъшуқ юзимни афсона бўлмағунча.

---

<sup>1</sup>с а д а ф н и – чиғаноқ; <sup>2</sup>с а р р о ф – заршунос; <sup>3</sup>д у р д о н а – гавҳар; <sup>4</sup>х о т а м – узук муҳр; <sup>5</sup>з и н д а л и г у – тириклик; <sup>6</sup>З а м з а м – Макка яқинидаги Замзам қудуғи суви; <sup>7</sup>И н с у – Инсон, одам; <sup>8</sup>н а д о м а т – афсус, пушаймон; <sup>9</sup>ч и н - ч и н – ҳалқа-ҳалқа; <sup>10</sup>п о – тепки, тепмоқ; <sup>11</sup>қ а з о ғ а – қисматга; <sup>12</sup>с ў р о ғ и н – дарагини; <sup>13</sup>ж ў ё н а – изловчи.

\* \* \*

Зихи<sup>1</sup> расволиғим оламға солди шўру шар<sup>2</sup> танҳо,  
Наҳанги нўҳ<sup>3</sup> фалак дарёси бўлди алҳазар танҳо,  
Нигорим бирла мен бир пираҳанда<sup>4</sup> халқи даҳр<sup>5</sup>  
танҳо.

Қаландарман, жаҳонни сайр этиб қилдим сафар  
танҳо,  
Чу семурғики, парвоз айлағай беболу пар<sup>6</sup> танҳо.

Биҳишт айвонида бўлмоқ иложин орзу қилмай,  
Сотарға дину дунёни ривожин орзу қилмай,  
Яна Руму Хито божу хирожин орзу қилмай,  
Шаҳи рўйи<sup>7</sup> заминнинг тахту тожин орзу қилмай,  
Гадон фақр бўлдум, сайр этарман баҳру бар<sup>8</sup> танҳо.

Дили тиғи ситамдин пора бўлган халқни кўрдум,  
Тани дарду аламдин ёра бўлган халқин кўрдум,  
Кўзи вақти саҳар сайёра бўлган халқин кўрдум,  
Муҳаббат даштида аввора бўлган халқин кўрдум,  
Жунун тугён этибдур ҳар бириси беҳабар танҳо.

Букун махмураму<sup>9</sup> пири муғон олдига бош қўйдум,  
На шайх олдига бордим, на бараҳман сўзига юрдум,  
Йўлингда гоҳ югурдум, гоҳ йиқилдум, гоҳ ўлтурдум,  
Сени то кўргуча, эй нозанин, тангрига топшурдум,  
Мени мундоғ мусофир айлади даври қамар<sup>10</sup> танҳо.

Тиларсан, Машрабо, жон кулбасиға суҳбати  
маъшуқ,  
Муяссар бўлмаса маҳрам саройи хилвати маъшуқ,  
Вужудунгни адам қилмоғлигингдур миллати  
маъшуқ,  
Йўқ этгил ўзлугингни, келмағай то ғайрати<sup>11</sup> маъшуқ,  
Киши маҳрам бўлолмас ёрига, бўлмас агар танҳо.

---

<sup>1</sup>З и х и – ғалати; <sup>2</sup>ш а р – таҳлика, тўполон; <sup>3</sup>н ў ҳ – тўққиз;  
<sup>4</sup>и р а ҳ а н д а – кўйлақда; <sup>5</sup>д а ҳ р – жаҳон, дунё; <sup>6</sup>п а р – қаноту  
патсиз; <sup>7</sup>р ў й и – юзи; <sup>8</sup>б а р – денгиз ва ернинг қуруқлик қисми;  
<sup>9</sup>м а х м у р а м у – хумор, зор; <sup>10</sup>қ а м а р – ой; <sup>11</sup>ғ а й р а т и – рашки.

\* \* \*

Бу кун, эй дўстлар, мен ўлтуруб қон йиғласам  
арзир,  
Ёқамни чок этиб, ҳар дам фаровон йиғласам арзир,  
Юруб дашту биёбон то рамақ жон йиғласа арзир,  
Кўзумдин қон тўкуб чун абри найсон<sup>1</sup> йиғласам  
арзир,  
Фироқи мотами моҳи Канъон<sup>2</sup> йиғласам арзир.

Жаҳон айвонида чун беалам ўлтурмаган жоним,  
Мудом ноком<sup>3</sup> ўлуб, бир рўзи<sup>4</sup> равшан кўрмаган  
жоним,  
Жаҳоннинг роҳатидин бир даме хуш бўлмаган жоним,  
Кўзумдин қон тўкиб чун абри найсон йиғласам  
арзир,  
Фироқи мотами ул моҳи Канъон йиғласам арзир.

Ажаб дилгир<sup>5</sup> мен, арз айлагудек роздоним<sup>6</sup> йўқ,  
«Сенинг ҳолинг нечук бўлди» дегудек меҳрибоним  
йўқ,  
Мисоли чуғздек<sup>7</sup> вайронадин ўзга маконим йўқ,  
Кўзумдин қон тўкуб чун абри найсон йиғласам  
арзир,  
Фироқи мотами ул моҳи Канъон йиғласам арзир.

Мисоли най киби жисмимда фарёду фиғоним бор,  
Агарчи сабзозорман, кунда лек боди хазоним<sup>8</sup> бор,  
Фироқу дарду ғамдин хона-хона достоним бор,  
Кўзумдин қон тўкуб чун абри найсон йиғласам  
арзир,  
Фироқи мотами ул моҳи Канъон йиғласам арзир.

Оёқ остида қолган ожизу бедасту пойиман<sup>9</sup>,



Бошим ҳеч ерга сигмай, мен сучук сўзнинг  
гадойиман,  
Чунон лабташнаман, дарё лабида мисли моҳиман<sup>10</sup>,  
Кўзумдин қон тўкуб чун абри найсон йиғласам  
арзир,  
Фироқи мотами ул моҳи Канъон йиғласам арзир.

Агар мен наъра урсам, қўрқаман, маҳшар куяр  
дерман,  
Тушуб дўзахга оташ мўмину кофар куяр дерман,  
Дилимнинг дардига жаннат била кавсар куяр дерман,  
Кўзумдин қон тўкуб чун абри найсон йиғласам  
арзир,  
Фироқи мотами ул моҳи Канъон йиғласам арзир.

Кўзумнинг ёшини Жайхунча дарё қилмасам бўлмас,  
Ўзумни мисли Мажнун элга расво қилмасам бўлмас,  
Жаҳон мақсудидин дастимни кўтоҳ<sup>11</sup> қилмасам  
бўлмас,  
Кўзумдин қон тўкуб чун абри найсон йиғласам  
арзир,  
Фироқи мотами ул моҳи Канъон йиғласам арзир.

Фаму андеша охир ашкими мужгонга еткурди,  
Бу мотам бора-бора шўриши тўфонга еткурди,  
Юрагимни алам чок этти — гўристонга еткурди,  
Кўзумдин қон тўкуб чун абри найсон йиғласам  
арзир,  
Фироқи мотами ул моҳи Канъон йиғласам арзир.

Аламли Машрабам, доғинг жафоси тушди бошимға,  
Кўзум очтим — қиёмат можароси тушди бошимға,  
Қиёмат лашкарининг минг балоси тушди бошимға,  
Кўзумдин қон тўкуб чун абри найсон йиғласам  
арзир,  
Фироқи мотами ул моҳи Канъон йиғласам арзир.

---

<sup>1</sup>н а й с о н — ёгинли булут (апрел булут); <sup>2</sup>К а н ь о н — Юсуф алайҳиссалом; <sup>3</sup>н о к о м — бахтсиз; <sup>4</sup>р ў з и — кун; <sup>5</sup>д и л г и р — сиқилган, хаф; <sup>6</sup>р о з д о н и м — сирдош; <sup>7</sup>ч у г з д е к — бойўели; <sup>8</sup>х а з о н и м — аёз ёш; <sup>9</sup>п о й и м а н — қўл-оёқсиз; <sup>10</sup>м о ҳ и м а н — балиқман; <sup>11</sup>к ў т о ҳ — қисқа.

\* \* \*

Ёрнинг кўйига мен бормоқ эдим,  
Ҳар неча жавру жафо тортмоқ эдим,  
Қона тўлғон юрагим ёрмоқ эдим,  
Ой санамнинг кўйида юрмоқ эдим,  
Кокилини кўзума сурмоқ эдим,

Риштаи жоним била сочбоғиман,  
Оёғ остига киёр пайпоғиман,  
Кечасин ичидаги чоқмоғиман,  
Ошиқи ичра юраги доғиман,  
Ҳинду Шому Руму Чин бормоқ эдим.

Салтанат тахтини ҳар ким оладур,  
Мунда навбат<sup>1</sup> нақорасин чоладур,  
Ёрнинг ҳажр ўти жонга ёрадур,  
Ўтлуғ оҳимдин бошимға жоладур,  
Чўп олиб таблингни<sup>2</sup> мен қоқмоқ эдим.

Кўху<sup>3</sup> қирга ярашур лола қизоқ,  
Таҳ-батаҳ қондур юрак, борму пичоқ?  
Ёрнинг ойдек юзини теги оқ,  
Эй санам, тегди ўқинг — қолди бошоқ<sup>4</sup>,  
Гардини мижжам била қоқмоқ эдим.

Кўҳи ғам остида қолғондур таним,  
Қайси ғурбатда бўлубдур маҳраим,  
Дарбадар ҳарёнга бориб юрганам,  
Сен олур бўлсанг қиличинг-ла жоним,  
Тўлғониб қонимни мен сочмоқ эдим.

Олмани кўшса бўлурму норға<sup>5</sup>?  
Ҳақ ризо — кўнгулни кўшғай ёрға,  
Бир назар қилсанг бу Машраб зорға,  
Ўргулуб арзим айтай сен ёрға,  
Ястаниб кўйинг узра ётмоқ эдим.

---

<sup>1</sup>н а в б а т — катта; <sup>2</sup>т а б л и н г н и — ноғора; <sup>3</sup>К ў х у — тоғ;  
<sup>4</sup>б о ш о қ — камон ўқи учидаги темир парча; <sup>5</sup>н о р ғ а — анорға.

Менингдек интизору йўлда ҳайрон бўлмасун ҳеч  
ким,

Кўкарғонда қуруб ер бирла яксон бўлмасун  
ҳеч ким.

Мисоли андалиби<sup>1</sup> бегулистон бўлмасун ҳеч ким,  
Бу бекасликда<sup>2</sup> мендек хонавайрон бўлмасун ҳеч

ким,

Кўзимдин хун тўкуб, бағри қаро қон бўлмасун ҳеч  
ким.

Қани бир дард кўрган роздон<sup>3</sup> ҳолимни сўргудек,  
Гирифтори гами бисёр иқболимни сўргудек,

Табиб раҳм этиб бемор аъмолимни сўргудек,

Бу бекасликда мендек хонавайрон бўлмасун ҳеч

ким,

Кўзимдин хун тўкуб, бағри қаро қон бўлмасун ҳеч  
ким.

Фироқи дарди бирла қоматим монанди<sup>4</sup> «нун» бўлди,

Кўзумнинг нури кетти, ҳол кун-кундин забун<sup>5</sup> бўлди,

Қиёмат ошкоро, сендин айрилдим, бу кун бўлди,

Бу бекасликда мендек хонавайрон бўлмасун ҳеч

ким,

Кўзидин хун тўкуб, бағри қаро қон бўлмасун ҳеч

ким.

Ўлуб кетсам не мушкулдур бу дунёда самар<sup>6</sup> топмай,

Ўзумдек дард кўрган аҳли дардлардин хабар топмай,

На мушкул термулуб қолсам бу йўлда болу пар<sup>7</sup>

топмай,

Бу бекасликда мендек хонавайрон бўлмасун ҳеч

ким,

Кўзидин хун тўкуб, бағри қаро қон бўлмасун ҳеч

ким.

Рафиқим йўқ менинг рози дилим изҳор қилғудек,  
Юроким дафтарини олида такрор қилғудек,  
Гарибдурман, кишим йўқ дардими изҳор қилғудек,  
Бу бекасликда мендек хонавайрон бўлмасун ҳеч

КИМ,

Кўзидин хун тўкуб, бағри қаро қон бўлмасун ҳеч

КИМ.

Мени-е бахти қародин қўл юди қавму қариндошим,  
Мудом захроб<sup>8</sup> бўлди ҳар замон оғзимдаги ошим,  
Дуо айлангки, мен тезроқ ўлай, ҳеч йўқдур

бардошим,

Бу бекасликда мендек хонавайрон бўлмасун ҳеч

КИМ,

Кўзидин хун тўкуб, бағри қаро қон бўлмасун ҳеч

КИМ.

Тамошо қилғудек фурсат керак бемур таколарға,  
Ўзумни мен ўзум солдим бу кун мундоқ балоларға,  
Бошим бекаслиғимдин тушди чандон можароларға,  
Бу бекасликда менжек хонавайрон бўлмасун ҳеч ким,  
Кўзидин хун тўкуб, бағри қаро қон бўлмасуе ҳеч ким.

Азизим вақт эдим, охирги дамда хор бўлғонман,  
Юрак-бағри туташган ғам била бемор бўлғонман,  
Кишим йўқ сўрагудек минг балоға ёр бўлғонман,  
Бу бекасликда мендек хонавайрон бўлмасун ҳеч

КИМ,

Кўзидин хун тўкуб, бағри қаро қон бўлмасун ҳеч

КИМ.

Мусибат бирла яксон айлади чун бод гардимни,  
Умид этгим қабул этгайму, шояд, оҳи сардимни<sup>9</sup>,  
Қани бир дард кўрган, айласам изҳор дардимни,  
Бу бекасликда мендек хонавайрон бўлмасун ҳеч

КИМ,

Кўзидин хун тўкуб, бағри қаро қон бўлмасун ҳеч

КИМ

Юракни кавламанглар, лек сартопо<sup>10</sup> жароҳатдур,  
Бошимға ҳар замон ҳангомаи шўри қиёматдур,

Бу мотам бирла мен борсам жаҳондин кони  
ҳасратдур,  
Бу бекасликда мендек хонавайрон бўлмасун ҳеч ким,  
Кўзидин хун тўкуб, бағри қаро қон бўлмасун ҳеч  
ким.

Кел, эй Машраб, сени дунёга келтурди амал қил  
деб,  
Ҳар ишки вағтидин ўткарма мунда, дар маҳал<sup>11</sup> қил  
деб,  
Диловарлар ҳама кетти, сен ҳам тинмай жадал  
қил деб,  
Бу бекасликда мендек хонавайрон бўлмасун ҳеч  
ким,  
Кўзидин хун тўкуб, бағри қаро қон бўлмасун ҳеч  
ким.

---

<sup>1</sup>а н д а л и б и – булбул; <sup>2</sup>б е к а с л и к д а – кимсасизликда;  
<sup>3</sup>р о з д о н – сирдош, сир билгич; <sup>4</sup>м о н а н д и – каби, ўхшаш;  
<sup>5</sup>з а б у н – ночор, хароб; <sup>6</sup>с а м а р – мақсад ҳосили; <sup>7</sup>п а р – қанот ва  
пат; <sup>8</sup>з а ҳ р о б – зардоб; <sup>9</sup>с а р д и м н и – совуқ; <sup>10</sup>с а р т о п о –  
бошдан-оёқ; <sup>11</sup>м а ҳ а л – ўз вақтида.

\* \* \*

Кўргали ҳусни жамолинг мен гирифтор ўлмушам,  
Фурқатингда ҳажр аро тунларда бедор ўлмушам,  
Ул қаро зулфунг тори бўйнуғма зуннор, ўлмушам,  
Иштиёқи ёрдин Мансури бар дор<sup>1</sup> ўлмушам,  
Тиғи зулмунгдин бошимға бир ситамкор ўлмушам.

Сафҳаи ҳуснунгда кўрдум бир малоҳат дафтари,  
Ораз<sup>2</sup> узра хатту<sup>3</sup> холинг эрди мушки анбари,  
Жисму жонимни фигор<sup>4</sup> этти ғамингнинг лашкари,  
Кўзларинг жаллод эрур, киприкларингдур наштари,  
Тўби янглиғ сарви қаддингга гирифтор ўлмушам.

Ой юзунгни кўрдуму кўнглумни мен шод айладим,  
Хоки пойинг излаюб ҳар кунда фарёд айладим,  
Бу жунун бозорида ақлимни барбод айладим,  
Вомиқу Узрою Ширинни чу бунёд айладим,  
Халқи олам ичра бир ёри вафодор ўлмушам.

Кўзда ашким<sup>5</sup> сел этиб ҳар дам фаровон йиғладим,  
Бир висолинг ёдида дард ичра пинҳон йиғладим,  
Ғунча янглиғ лабларингни соғиниб қон йиғладим,  
Гўйё Мажнун бўлуб, дашту биёбон йиғладим,  
Лаълинг<sup>6</sup> узра хатти мушкинингга дилдор ўлмушам.

Доғи ишқинг лоладек сийнамни қилмиш чок-чок,  
Ханжари мужгон ўқунг қилди юракни дардноқ,  
Олам ичра ҳеч йўқдур бир сенингдек зоти пок,  
Раҳм этиб лутф айлагил кўйингда бўлдим эмди  
ХОК,

Кўрди Машраб йўлда бир яхши, гирифтор ўлмушам.

---

<sup>1</sup>д о р – дорга осилган, дордаги; <sup>2</sup>О р а з – юз чехра; <sup>3</sup>х а т т у – устки лаблардаги майин туклар; <sup>4</sup>ф и г о р – яра, жароҳат; <sup>5</sup>а ш к и м – кўз ёшин; <sup>6</sup>Л аъ л и н г – лабинг.

\* \* \*

Мени оламда Мажнуни дарбадар қилдию кетти,  
Бошимга солди савдони — қаландар қилдию кетти,  
Дилимнинг қалъасини бузди — абтар<sup>1</sup> қилдию кетти,  
Юрогимда қўюб оташ — самандар қилдию кетти,  
Кўзум термулғузуб расвои маҳшар қилдию кетти.

Кўзум чун баҳра олмай борадур дурри хушобидин<sup>2</sup>,  
Жаҳон нолишга кирди бағрими дуди кабобидин,  
Насибам йўқ экан, афсус, хусни бениқобидин,  
Ўқунглар олдима кўп дард кўрганлар китобидин,  
Мени йўл устида якбора<sup>3</sup> музтар қилдию кетти.

Тараҳҳум<sup>4</sup> бирла асло сўрмади: «Зорим нечуксан?»  
деб,  
«Мен учун мубтало бўлгон гирифторим нечуксан?»  
деб,  
«Юрак-бағри адо бўлгон дилафгорим нечуксан?»  
деб,  
«Бу вайрон хонада муштоқи дийдорим нечуксан?»  
деб,  
Менинг бошимга юз жавру жафолар қилдию кетти.

Вафолиғ ёр агар бўлса паришонини сўрмасму?!  
Адашган, интизору хонавайронини сўрмасму?!  
Туташган, бағри куйган, йўлда ҳайронини сўрмасму?!  
Дили садпора<sup>5</sup> бўлгон чашми гирёнини<sup>6</sup> сўрмасму?!  
Бошим тепиб қаро ерга баробар қилдию кетти.

Кўлунгдин келса, дўстум, бевафога асло дил берма,  
Кўнгулни шаҳрина тушган ноошнога асло дил берма,  
Ситамгар, бемурувват, пуржафога асло дил берма,  
Жаҳонни моҳи<sup>7</sup> бўлса норасога асло дил берма,  
Дилимга солди оташни, мукаддар<sup>8</sup> қилдию кетти.

Адолатли амирим, балки, хоқоним деб, арз қилдим,  
Бу кўнгул мулкида шоҳи султоним деб, арз қилдим,  
Сўрар аҳволи зоримни Сулаймоним деб, арз қилдим,  
Вужудим кишвариға<sup>9</sup> мамлакатдоним деб, арз қилдим,  
Йироқдин арз қилдим, гўшини<sup>10</sup> кар қилдию кетти.

Кўзумға торикистон<sup>11</sup> қилди охир рўзи<sup>12</sup> равшанни,  
Ёқуб ҳар соати сийнам аро савдои гулханни,  
Мени мотамға солди, шод этиб олдимда душманни,  
Они мақсуди ўлдуermoқ менингдек бағри куйганни,  
Синуқ хотирларимни сарфи мажмар<sup>13</sup> қилдию кетти.

Ёқамни чок этиб ҳар соати бисёр йиғларман,  
Менингдек йўлда қолғон йўқ, дили афгор<sup>14</sup>  
йиғларман,  
Ўзумдек хонавайронларни кўрсам зор йиғларман,  
Мени арзим эшит, эй воҳидул қаҳҳор<sup>15</sup>, йиғларман,  
Мусибат тоғини бошимға лангар қилдию кетти.

Тутуб эрдимки, домонини Искандар бўлурман деб,  
Шабу рўзим<sup>16</sup> муқими<sup>17</sup> кўйи ул дилбар бўлурман деб,  
Етушсам соясиға жумладин<sup>18</sup> беҳтар<sup>19</sup> бўлурман деб,  
Агарчи санги хоро<sup>20</sup> бўлсам ҳам гавҳар бўлурман деб,  
Назардин ташлади ҳолимни абтар қилдию кетти.

Қани бир дард кўрган, бевафонинг дардини айтай,  
Ёқамни чок этиб ноошнонинг дардини айтай,  
Лаҳаддин бош кўтарсам маҳлиқонинг<sup>21</sup> дардини айтай,  
Букун шўридаман<sup>22</sup>, нозик адонинг дардини айтай,  
Қилиб хокистарим<sup>23</sup> барбоду аҳгар<sup>24</sup> қилдию кетти.

Юракнинг дардини ҳар дўсту душмандин ниҳон  
туттум,  
Балонинг тахтини ўзумға токи ошён туттум,  
Қочиб ҳар неку баддин<sup>25</sup> остонига макон туттум,  
Бориб бир гўшаеда йиғлабон оҳу фиғон туттум,  
Ҳама сирри дилимни халққа дафтар қилдию кетти.

Йўлингда мунтазирман токи пайғом<sup>26</sup> айласам ҳар  
шаб<sup>27</sup>,



Сафар — дур<sup>28</sup>, дарду ранж — кўб, ҳосил бўлмади матлаб<sup>29</sup>,  
Кўнгулнинг захмини мен ашки хун олуд<sup>30</sup> ила тузлаб,  
Агарчандики дилгирсан<sup>31</sup>, кўнгулни узмағил, Машраб  
Азалдин мис эдим тиллои аҳмар<sup>32</sup> қилдию кетти.

<sup>1</sup>а б т а р — бузуқ, вайрон; <sup>2</sup>х у ш о б и д и н — бебаҳо гавҳар;  
<sup>3</sup>я к б о р а — бирданига; <sup>4</sup>Т а р а ҳ ҳ у м — раҳм-шафқат; <sup>5</sup>с а д п о р а  
— юз парча; <sup>6</sup>г и р ё н и н и — йиғилаётган кўзини; <sup>7</sup>м о ҳ и — оий;  
<sup>8</sup>м у к а д д а р — маҳзун; <sup>9</sup>к и ш в а р и ғ а — ўлкасига; <sup>10</sup>г ў ш и н и —  
қулоғини; <sup>11</sup>т о р и к и с т о н — қоронғистон; <sup>12</sup>р ў з и — кунни;  
<sup>13</sup>м а ж м а р — оташдон; <sup>14</sup>а ф г о р — жароҳат; <sup>15</sup>қ а ҳ ҳ о р — Ягона  
Оллоҳ; <sup>16</sup>р ў з и м — кеча-кундузим; <sup>17</sup>м у қ и м и — доим бир жойда  
яшаш; <sup>18</sup>ж у м л а д и н — ҳаммадан; <sup>19</sup>б е ҳ т а р — яхшироқ; <sup>20</sup>х о р о  
— қаттақ харсангтош; <sup>21</sup>м а ҳ л и қ о н и н г — ойюзлини; <sup>22</sup>ш ў р и д а  
м а н — изтиробдаман; <sup>23</sup>х о к и с т а р и м — қулимни; <sup>24</sup>а х г а р — чўғ;  
<sup>25</sup>б а д д и н — яхши-ёмондан; <sup>26</sup>п а й ғ о м — дарак, хабар; <sup>27</sup>ш а б —  
кеча, кун; <sup>28</sup>д у р — узоқ; <sup>29</sup>м а т л а б — мақсад; <sup>30</sup>о л у д — қон, юқи  
кўзёши; <sup>31</sup>д и л г и р с а н — хафа; <sup>32</sup>а ҳ м а р — қизил олтин.

\* \* \*

Ишқ ичра қадам қўйдиму то тарки сар эттим,  
Сийнамни маломат<sup>1</sup> ўқиға ман сипар<sup>2</sup> эттим,  
Бу манзили беҳуда кўруб азми сафар эттим,  
То олами зоҳирга келиб мен гузар эттим,  
Тарк айладиму жумлани қатъи назар<sup>3</sup> эттим.

Ҳижрон кечаси нола қилиб ҳамдаме топмай,  
Аҳволи кўнгул айтғали бир маҳраме топмай,  
Ҳижрон тигининг захмига мен малҳаме топмай,  
Озору ситамдин нафасе ороме топмай,  
Зулмунгни қариндошу ғамингни падар эттим.

Эй ёр, сени лаъли лабинг қанду асалдур,  
Ҳар бир боқишинг тийри<sup>4</sup> бало — жонга халалдур,  
Рум халқини Занг этти асир бу не масалдур,  
Савдои сари зулфунг учун неча маҳалдур  
Жон кишварини буздуму зеру забар<sup>5</sup> эттим.

Қилди бу фалак шуъбадаси<sup>6</sup> хастаю дилреш<sup>7</sup>,  
Ошиқ кишилар билса они — душман эрур хеш<sup>8</sup>,  
Бир йили — ўн икки ою ҳамал<sup>9</sup>, ёзина ҳам қиш,  
Бир мартабада турмас эмиш шоҳ ила дарвеш,  
Бас жандани кийдим ўзими дарбадар эттим.

Ғам кечалари бўлди менга мунису дамсоз<sup>10</sup>,  
Ул шўҳи бало сайд қилур кўзлари шоҳбоз<sup>11</sup>,  
Ғам хайли<sup>12</sup> жафо бирла эди ҳамдаму ҳамроз,  
Васлинг ҳаваси бирла кўнгул этғали парвоз,  
Ҳар ўққи юрак узра эди, болу пар<sup>13</sup> эттим.

Оҳим ўқини шум рақибларга отай деб,  
То куйи муҳаббатни дилим бирла чолай деб,

Кийдим кафанинг фақр ила гулханда ётай деб,  
Душманки дучор ўлса анга ҳарб қилай деб,  
Дўстум этакин туттиму тиғи табар<sup>14</sup> эттим.

Бир дилбари жононани ҳамроз этай деб,  
Жонимни бериб жониға дамсоз этай деб,  
Жон қушини шу ишқ ила шоҳбоз этай деб,  
Бир кушки чўлоқ сониди парвоз этай деб,  
Гул ғунчаси бирла очиб болу пар эттим.

Мен бунда хароб ўлдиму сен анда саломат,  
Дунёйи дағо<sup>15</sup> ичра менга йўқдур ҳаловат,  
Жон мулкида ҳижрони келибдур на аломат,  
Афғору кабоб ўлғали ул аҳли сабоҳат<sup>16</sup>,  
Хуни жигарим жамъ қилиб моҳазар<sup>17</sup> эттим.

Ялдо кечаси<sup>18</sup> бўлғали ёрим била ҳамгап,  
Бир ғамзага торож этибон дин ила мазҳаб,  
Сиррини ниҳон этти — будур боиси матлаб,  
Кўтаҳназар<sup>19</sup> бўлмаса деб хаста бу Машраб,  
Минг маънини бир нукта<sup>20</sup> била мухтасар<sup>21</sup> эттим.

---

<sup>1</sup>м а л о м а т — таъна, дашном; <sup>2</sup>с и п а р — қалқон; <sup>3</sup>н а з а р — назардан соқит қилдим; <sup>4</sup>т и й р и — ўқи; <sup>5</sup>з а б а р — ости-устун; <sup>6</sup>ш у ь б а д а с и — ҳийла-найранг; <sup>7</sup>д и л р е ш — кўнгли тирналган; <sup>8</sup>ҳ е ш — қариндош; <sup>9</sup>ҳ а м а л — март ойи; <sup>10</sup>д а м с о з — ҳамдам; <sup>11</sup>ш о ҳ б о з — лочин; <sup>12</sup>х а й л и — тўдаси; <sup>13</sup>п а р — қанот ва пат; <sup>14</sup>т а б а р — болта; <sup>15</sup>д а ғ о — ҳийлакор, найрангбоз; <sup>16</sup>с а б о ҳ а т — гўзаллар; <sup>17</sup>м о ҳ а з а р — тайёр емак; <sup>18</sup>к е ч а с и — қишнинг энг узоқ ва совуқ туни; <sup>19</sup>К ў т а ҳ н а з а р — калтабин; <sup>20</sup>н у к т а — фикр; <sup>21</sup>м у х т а с а р — қисқа.

\* \* \*

Эй мусулмонлар, нетай мен ёрдин айрилмишам,  
Фитна чашми, шўхи хушрафтордин айрилмишам,  
Булбули шўридаман<sup>1</sup> гулзордин айрилмишам,  
Қошлари ёй, кўзлари хунхордин айрилмишам,  
Бир пари талъат, шакаргуфтордин<sup>2</sup> айрилмишам.

Ул баҳори хусндин охир жудо бўлдум, нетай,  
Гам ила меҳнат<sup>3</sup> қўлинда мубтало бўлдум, нетай,  
Васл шоҳидин жудо бўлғоч гадо бўлдум, нетай,  
Дарди фурқатга гирифтори бало бўлдум, нетай,  
Бир пари талъат, шакаргуфтордин айрилмишам.

Ҳар пари бўлғон била андоқ шакаргуфтор эмас,  
Ханда айлаб гул мисол, лек, сарви хушрафтор эмас,  
Лабларидин жон берибким кўзлари хунхор эмас,  
Кеча-кундуз бу дилимга гамдин ўзга кор<sup>4</sup> эмас,  
Бир пари талъат, шакаргуфтордин айрилмишам.

Боғи олам гуллари ул хуснига шайдо эди,  
Кечани равшан қилурга гавҳари якто<sup>5</sup> эди,  
Шўху таннозу жаҳон ичра ажаб барно эди,  
Фурқатингда зор йиғлаб, кўзларим дарё эди,  
Бир пари талъат, шакаргуфтордин айрилмишам.

Сайди домини<sup>6</sup> қуруб кеттинг, аё, эй шоҳбоз<sup>7</sup>,  
Мен кезиб қайдин топарман бир сенингдек сарвиноз?  
Сарви хушрафтор эрдинг, факр элига дилнавоз,  
Маҳв этибсан Машрабингни сен, аё, эй бениёз<sup>8</sup>,  
Бир пари талъат, шакаргуфтордин айрилмишам.

---

<sup>1</sup>ш ў р и д а м а н – изтиробли; <sup>2</sup>ш а к а р г у ф т о р д и н –  
ширинсўз; <sup>3</sup>м е ҳ н а т – машаққат; <sup>4</sup>к о р – иш, машгулот; <sup>5</sup>я к т о –  
ягона; <sup>6</sup>д о м и н и – тузоғи; <sup>7</sup>ш о ҳ б о з – лочин; <sup>8</sup>б е н и ё з – айнан:  
эҳтиёжсиз. (матда Худо назарда тутилган).

\* \* \*

Бориб айтинг, азизим, кўзларимга тўтиё келсун!  
Мени бедаступони<sup>1</sup> кўргали ул подшо келсун!  
Солиб бўйнига зулфи анбарин мушки Хито келсун!  
Менинг кулбамни равшан қилғали ул пурзиё<sup>2</sup> келун!  
Умидим борки, ранжурини<sup>3</sup> излаб ҳар сабо<sup>4</sup> келсун!

Камон абрўлари<sup>5</sup> ҳар қайсиси бир сайфи<sup>6</sup> жаллоди,  
Юрур бўлса чаманда қаддидур монанди шамшоди,  
Дубора<sup>7</sup> келмағай оламда мундоқ сарви озоди,  
Билолмайман нечун пайдо қилибдур они устоди,  
Дилимда юз жароҳат бор, бермакка даво келсун!

Баҳори файзбахш келди, жаҳон рангин чаман  
бўлди,  
Бу кун мажлис тузунглар, навбати гулпираҳан<sup>8</sup>  
бўлди,  
Аёғ босган ери сарсабз<sup>9</sup> бўлди, ёсуман<sup>10</sup> бўлди,  
Машомим<sup>11</sup> бўйидин ҳар соати мушки Хўтан бўлди,  
Бу йўлда дўсту душман айб айлар, гоҳ-гоҳ келсун!

Бориб айтинг ўшал зебо санамға: «Ул ёринг ўлди»,  
деб,  
«Сени ҳажрингда куйган ошиқи дийдоринг ўлди»,  
деб,  
«Тешилган тийри ғамдин, сийнаси афгоринг ўлди»,  
деб,  
«Ғарибу хастаю ҳажринг, фироқи зоринг ўлди»,  
деб,  
Агарчи вақти ишрат келмади, вақти азо келсун!  
Чунон бехудлиғимдин субҳиму<sup>12</sup> шомимни  
билмайман,

Кетубдур ақл мендин пухтаю хомимни билмайман,  
Билолмасман нечук ўткардим айёмимни, билмайман,

Бу йўлда мисли Мажнундек саранжомимни  
билмайман,  
Чароғи дилни равшан қилғали нури сафо келсун!

«Вафодорим», дедим, охир дамида бевафо бўлди,  
Билолмайман, не айб кўрдикки, ул мендин жудо  
бўлди,  
Кўзумни кавлаган халқларга бориб ошно бўлди,  
Бошимға хонавайронлиғ тушуб, қаддим дуто<sup>13</sup>  
бўлди,  
Мени рўзи сиёҳни<sup>14</sup> кўргали ул дилрабо келсун!

Кўзумнинг оқи янглиғ меҳрибонимдин аюрдилар,  
Мени жон мулкида ороми жонимдин аюрдилар,  
Бошим устида турғон соябонимдин аюрдилар,  
Тешиб бағримни охир устixonимдин аюрдилар,  
Кўзумни косасига тўлди, нақши бўрё, келсун!

Ўзини билмаганлар айтадулар: «Ўзга ёр ахтар!»  
«Кўнгулни бевафоға бермагил, бир ғамгусор<sup>15</sup> ахтар!»  
«Агарчи дилрабони топмасанг, дигар<sup>16</sup> диёр ахтар!»  
«Кўнгулнинг муддаосин билгудек бир дилфигор  
ахтар!»

Мен айтурман: «Кўзумни ўйса ўйсун, ошно келсун!»

Ўшал вақтики анга аҳд қилдим асли ҳамдамдур,  
У мендин кўнгул узса, то тирикман кўнгул  
узмамдур,

Дигар ёр ахтариб мен дашту саҳроларни кезмамдур,  
Қиёмат субҳи отғунча бу паймонимни<sup>17</sup> бузмамдур,  
Бошимни кесса-кессун, айланиб нозук адо келсун!

Будур аҳдимки, то қаддим дуто бўлғунча айрилмам,  
Лаҳад туфроғи то дийдамға жо бўлғунча айрилмам,  
Дурўза<sup>18</sup> эски оламдин фано бўлғунча айрилмам,  
Бошимға чарх тоши осие<sup>19</sup> бўлғунча айрилмам,  
Ки бўлди нўҳ<sup>20</sup> фалак бошимға мисли осие келсун!

Мени бедасту по<sup>21</sup> ул ёр кўйина етолмайман,  
Чу ҳар номаҳрамеға рози дилни кўрсатолмайман,

Сари зулфиға<sup>22</sup> қўл солсам, қўлумни беркитолмайман,  
Равиши роҳ расмин бемехрга ўргатолмайман,  
Бориб айтинг, мени кулбамға ёри бевафо келсун!

Нечук бўлдики, Исқандар эдим, иқбол паст тушди,  
Қўнгулни ганда<sup>23</sup> айлаб, ошға чун бир мағас<sup>24</sup> тушди,  
Не мушкулдур, биродар, хонаи нокасга<sup>25</sup> кас<sup>26</sup> тушди,  
Агарчи подшоҳ эрдим, чу бўйдумга қафас тушди,  
Бу мушкулларни осон қилғали мушкулкушо келсун!

Карашма бир тараф, хулқ бир тараф, куйдурди  
Доғидин,  
Магар ҳуре тушубдур кулбама жаннатнинг боғидин,  
Қўлини тутдиму қилдим тавоф, ўпдим аёғидин,  
Чароғе анга пайдо айладим дийдамнинг<sup>27</sup> ёғидин,  
Умидимдур мени тиргузгали аршдин Исо келсун!

Жаҳоннинг хўбларини бевафо қилмоқғадур қасди,  
Қилиб бехонумон, соҳибазо<sup>28</sup> қилмоқғадур қасди,  
Ҳазорон<sup>29</sup> дарду ғамға ошно қилмоқғадур қасди,  
Таги деворларга мубтало қилмоқғадур қасди,  
Олов ёқсун бошимға то тирикман муддао келсун.

Забонимдин тушурмай айламай ул зикри ёрабни,  
Муҳаббат йўлига барбод этибон қалбқаллобни,  
Ўзунг ўнг йўлга солғил йўл юрурда аҳли мазҳабни,  
Умиди кўп эрур, навмид<sup>30</sup> қилма хаста Машрабни,  
Яна умматни аҳволин сўрарға Мустафо<sup>31</sup> келсун!

---

<sup>1</sup>Б е д а с т у п о н и – қўл-оёқсиз; <sup>2</sup>п у р з и ё – сернур; <sup>3</sup>р а н ж у р и н и – хастасини; <sup>4</sup>с а б о – тонг; <sup>5</sup>а б р ў л а р и – қошлари; <sup>6</sup>с а й-ф и – қилич; <sup>7</sup>Д у б о р а – иккинчи маротаба; <sup>8</sup>г у л п и р а ҳ а н – гулкўйлак; <sup>9</sup>с а р с а б з – ям-яшил; <sup>10</sup>ё с у м а н – оқ гул, жасмин; <sup>11</sup>М а ш о м и м – димоғим; <sup>12</sup>с у б ҳ и м у – тонг; <sup>13</sup>б ў л д и – букилди; <sup>14</sup>с и ё ҳ н и – кўни қаро; <sup>15</sup>Ғ а м г у с о р – ғамхўр; <sup>16</sup>д и г а р – бошқа; <sup>17</sup>п а й м о н и м н и – оҳдимни; <sup>18</sup>Д у р ў з а – икки кунлик; <sup>19</sup>о с и ё – тегирмон; <sup>20</sup>н ў ҳ – тўққиз; <sup>21</sup>п о – қўл-оёқсиз; <sup>22</sup>з у л ф и ғ а – зулфининг учига; <sup>23</sup>г а н д а – бузиб, ёмон қилиб; <sup>24</sup>м а ғ а с – пашша; <sup>25</sup>н о к а с г а – одаммас; <sup>26</sup>к а с – одам; <sup>27</sup>д и й д а м н и н г – кўзимнинг; <sup>28</sup>с о ҳ и б а з о – таъзияли, азали; <sup>29</sup>Ҳ а з о р о н – минглаб; <sup>30</sup>н а в м и д – ноумид, умидсиз; <sup>31</sup>М у с т а ф о – Муҳаммад алайҳиссалом.

\* \* \*

Токай мени бечораға бу дарду аламдур,  
Васлингни тилаб кўнглума ғам устиға ғамдур,  
Ҳасрат ичида мунча менга жабру ситамдур,  
На дарди фалак бўлди, на тақдири қаламдур,  
Бул ғуссадин ўлсам, бошима оҳим аламдур<sup>1</sup>.

Сен дилбари жононаға ошиқи шайдо,  
Жонимни берай васлинг учун, айла тамошо,  
Нетгум, мени ишқинг бу сифат айлади расво,  
Мажнунға тушуб доғи ғаминг бўлди басаҳро,  
Васлинға етиб ўлса, бу ошиқға не ғамдур.

Мен сенга етолмай, санамо, хаста бу жоним,  
Тун-кун сени излаб югуруб ташна забоним,  
Бир неча маҳалдурки жафога хеш<sup>2</sup> жоним,  
Етмасму сенга мунча мени оҳу фиғоним,  
Бу хастанинг доим тилаги лутфу карамдур.

Жон қийнамайин восили жонона бўлурму?!  
Найсонсиз<sup>3</sup> садаф<sup>4</sup> дурри якдона<sup>5</sup> бўлурму?!  
То куймаса шам ўтиға парвона бўлурму?  
Оғзини очиб сўзламай афсона бўлурму?!  
Васлинг асалу ҳажри ғаминг заҳри зақамдур<sup>6</sup>.

Ҳасратда юрурман, васлингни излаб,  
Боқиб бу назар кўзи билан мег сени кўзлаб,  
Ҳайрону саросима юруб, телбали сўзлаб,  
Нафс игрисини тиғи муҳаббат била тузлаб,  
Охир бу ажалнинг қўлидан барча одамдир.

Чин ошиқ эсанг берма кўнгул нафсу ҳавога<sup>7</sup>,  
Кўп ёйма, саҳар уйғона кўр зикри санога,



Ғофил юрума, бўлма гирифтори балога,  
Машраб, сен ўзунг солма неча жавру жафога,  
Тўғри юрусанг эл сўзидан сенга не ғамдур?!

---

<sup>1</sup>а л а м д у р — байроқ; <sup>2</sup>х е ш — эш, қариндош; <sup>3</sup>Н а й с о н с и з — апрел булутисиз; <sup>4</sup>с а д а ф — чиганоқ; <sup>5</sup>я к д о н а — тенгсиз гавҳар; <sup>6</sup>з а қ а м д у р — заққум дўзахда ўсадиган меваси заҳарли дарахт; <sup>7</sup>ҳ а в о г а — кибр.

\* \* \*

Санамо, юзунг биҳиштин гул очиб баҳор қилдинг,  
Нега ғайр ила тузуб базм мени, беқарор қилдинг,  
Отибон ғаминг ўқини, юрагим фигур<sup>1</sup> қилдинг,  
Мени, эй хумор кўзлук, нега мунча зор қилдинг,  
Тилагач жамолинг, эй гул, кўчаларда хор қилдинг.

Чидамай ситамларингга кетайин олиб бу бошим,  
Дару даштлар кезибон оқизай ҳамиша ёшим,  
Ғаму дард этса тугён куядур ичиму тошим,  
Кўпидин тазаллумингга на илождур чидошим,  
Ситаму аламларингни бир эмас, ҳазор<sup>2</sup> қилдинг.

Тилиму дилимда, жоно, туну кун эрур сифотинг,  
Бул ажаб эл оғзидадур шакару асал, наботинг,  
Кечибон бу жисму жондин, тиладим сенинг  
ҳаётинг,  
Ўлурумға рози бўлдум, нега келмади уётинг?  
Эшикинг тубида юз минг осилурға дор қилдинг.

Садафинг дури мунаввар<sup>3</sup>, ани сен ниҳон тутубсан,  
Сен эмассан насли одам, пари хайлидин<sup>4</sup> ўтубсан,  
Сен ўзунг узоқ ташлаб мени мунда овутубсан,  
Менга бир нигоҳ қилмай неча ўзгани кутубсан,  
Мени бадхумор айлаб, кимни ихтиёр қилдинг?

Менга илтифот айла, юрагимда доғ сендин,  
Юзунг ар очилса гулға, тутулур димоғ сендин,  
Неча ўлсаму йўқолсам, йўқ эрур сўроғ сендин,  
Йиқилиб, кўпуб турурман, менга йўқ аёғ сендин,  
Мени ўлтуруб ғамингда, эла жон нисор<sup>5</sup> қилдинг.

Гоҳи сайр учун чиқибон ҳама ёқа қош отарсан,  
Мени — телба итни кўрсанг қувумоққа тош отарсан,

Менга тийра<sup>6</sup> тун бўлурсан, элга қуёш этарсан,  
Менга гоҳи ўқ ёғилса элингга талош этарсан,  
Эла юз карамлар айлаб, мени нега зор қилдинг?

Базминг бўлди боғу май учун қилиб гулгун<sup>7</sup> хум,  
Менга қилмадинг тараҳхум<sup>8</sup>, не учунки, толеим шум,  
Бу тириклигимдин ортуқ ер ичинда бўлғоним гум,  
Мени қил ҳазор пора<sup>9</sup>, эл ичинда қилма маҳрум,  
Мени йўқ қилиб жаҳонда, душманимни бор қилдинг.

Туну кун тилаб, нигоро, ики зулфунг айладим дом<sup>10</sup>,  
Бахту толеинг бўлуб ёр, қўймади бу домға гом<sup>11</sup>,  
Элга бўлса васл ҳосил, менга бўлди хушк<sup>12</sup> бадном,  
Менга басдур ушбу давлат десанг: «Машрабим<sup>13</sup>  
гумном!»

Не учун бурун ўзунга мени дўстдор қилдинг?!

---

<sup>1</sup>ф и г о р – жароҳат; <sup>2</sup>ҳ а з о р – минг; <sup>3</sup>м у н а в в а р – тишинг порлоқ гавҳар; <sup>4</sup>х а й л и д и н – гуруҳидан; <sup>5</sup>н и с о р – сочқи, чочқи; <sup>6</sup>т и й р а – қоронғи; <sup>7</sup>г у л г у н – гулранг, қизил; <sup>8</sup>т а р а ҳ ҳ у м – раҳм; <sup>9</sup>п о р а – юз бўлак; <sup>10</sup>д о м – тузоқ; <sup>11</sup>г о м – оёқ, қадам; <sup>12</sup>х у ш к – қуруқ; <sup>13</sup>М а ш р а б и м – номи ўчган.

\* \* \*

Ваъда қилди бир келай, деб ўзга уйқу келмади,  
Телмуруб йўлида қолдум, шўхи бадхў<sup>1</sup> келмади. Неча  
келди шум рақиблар, ул париру<sup>2</sup> келмади,  
Дардидан ўлдум, табиб, дардимга дарду келмади,  
Мен шаҳиди ишқ бўлдум, қатраи сув келмади.

Додхоҳман<sup>3</sup> рўзи<sup>4</sup> маҳшар қошима бир келмаса,  
Дард билан ўлдум букун бир лаҳза ҳолим сўрмаса,  
Ҳаммага қилган вафони менга дилбар қилмаса,  
Йиғламайму оҳ уруб, ҳаргиз кўзига илмаса,  
Барчага ширин забон, бир менга туршрў<sup>5</sup> келмади.

Оҳ-воҳ айлаб ғариблик шаҳрида беморман,  
Гар олур бўлсанг жонимни ол, санам, безорман,  
Пардани юздин кўтаргил, ой юзингга зорман,  
Соқийё, тўлгунча май бер, неча кун хуморман.  
Барча мажлислар гули зулфи суманбў<sup>6</sup> келмади.

Ташна лаб ўлдум ғамингдин, меҳрибоним, қайдасан?  
Оҳ уруб истаб юрубман, жонажоним, қайдасан?  
Изласам йўқдур маконинг, ломаконим, қайдасан?  
Маҳрами сиррим мени, эй роздоним<sup>7</sup>, қайдасан?  
Юз туман<sup>8</sup> савдоси тушти, маслаҳатгў келмади.

Йиғламоғим бесабаб йўқ, ул нигорим келмади,  
Сўз қотиб юз лутф ила боғу баҳорим келмади,  
Икки дунёдин кечибман, шоҳсуворим<sup>9</sup> келмади.  
Ғам била букчайди қаддим, ғамгусорим<sup>10</sup> келмади,  
Меҳрибон улфатнишин ширин сухангў<sup>11</sup> келмади.

Ўртади жонимни, дўстлар, ёрни ҳар бир сўзи,  
Боққач имонимни олди, оҳудек ўйнар кўзи,

Гул учун булбул қафасда, зоғлар айлар бози<sup>12</sup>,  
Жон берур вақтда келай деб, ваъда кўп қилди ўзи,  
Ҳалкума еттижоним, чашми жоду келмади.

Йиғлабон кўйида юрдум додима ҳеч етмади,  
«Эй, ғариби хоксорим»<sup>13</sup> деб, бу ҳолим сўрмади,  
Бир замон ғайр илтифотидин юзун ўгирмади,  
Бул сабабдин додхоҳим лаҳза келиб кўрмади,  
Кўнгли қаттиғ, тошбағир, дардимга дору келмади.

Келса юз минг жилва айлаб ул мени куйдургани,  
Тоқатим йўқдур они олдида бир дам тургани,  
Зулфининг бандига чирмаб неча мендек бандани,  
Зулм бирла тиг тортиб бандани ўлдургани,  
Бевафонинг дардини айтурга ҳақгў<sup>14</sup> келмади.

Кўрмасам ҳар дам сени, байтул ҳазанни<sup>15</sup> найлайин?  
Қолғон Иброҳимдин ул эски дўконни найлайин?  
Ҳам биҳишту кавсару ҳуру филмонни найлайин?  
Етти афлоку саккиз авжи самони найлайин?  
Бул сабабдин ёд этарга тилга «ёҳу»<sup>16</sup> келмади.

Куйгуси тонгла қиёмат дуди оҳимни кўруб,  
Қолгуси маҳшар эли ҳайрон гуноҳимни кўруб,  
Тийра<sup>17</sup> бўлғай ер юзи рўйи сиёҳимни<sup>18</sup> кўруб,  
Шояд<sup>19</sup> ул раҳм айлағай, бу арзхоҳимни кўруб,  
Зор ўлдум ҳажрида қошимга ҳақгў келмади.

Ичу тошим ғамга тўлди, ғамгусорим, келсано!  
Ҳарна қилсанг, сен ўзунг қил, дилда борим,  
келсано!

Жумла шоҳларнинг улуғи, номдорим, келсано!  
Қон тўлубдур кўксума, қошимга, ёрим келсано!  
Дилни зангин кўрсатурга оинарў<sup>20</sup> келмади.

Зоҳидо, Машрабга дединг: «Масжид ичра кўй  
қадам!»  
«Ўлтуруб меҳробда, — дединг, — хотирингни айла  
жам!»

Фаҳшидин қилдим ибо, ҳеч урмадим мен анга дам,  
Турфа ишдурким, кўрунг, масжидга кирмиш дарду  
Ғам,  
Неча кун зоҳид бўлуб, кўнгулга бир «ҳу»<sup>21</sup> келмади.

---

<sup>1</sup>Б а д х ў – феъд ёмон, бадхулқ; <sup>2</sup>п а р и р ў – ариоз; <sup>3</sup>Д о д х о ҳ м а н – арз қиламан; <sup>4</sup>р ў з и – куни; <sup>5</sup>т у р ш р ў – бадбуруш, бадқовоқ қовоғи солиқ; <sup>6</sup>с у м а н б ў – ёсмин ҳидли; <sup>7</sup>р о з д о н и м – сирбилгич, сирдош; <sup>8</sup>т у м а н – ўн минг; <sup>9</sup>ш о ҳ с у в о р и м – чавандозим; <sup>10</sup>Ғ а м г у с о р и м – ғамхўрим; <sup>11</sup>с у х а н г ў – сўзамол; <sup>12</sup>Б о з и – ўйин; <sup>13</sup>х о к с о р и м – хароб, аянчли; <sup>14</sup>ҳ а қ г ў – ҳақ сўзни айтувчи; <sup>15</sup>ҳ а з а н н и – ғамхонани; <sup>16</sup>ё ҳ у – айнан: эй у! яъни ё Оллоҳ!; <sup>17</sup>Т и й р а – қоронғи; <sup>18</sup>с и ё ҳ и м н и – қора юзимни; <sup>19</sup>Ш о я д – зора; <sup>20</sup>о и н а р ў – онаюз, кўзгуюз; <sup>21</sup>ҳ у – айнан: у, яъни Оллоҳ.

\* \* \*

Эй санам, гулгун ёнибсан, май ичиб, рахшонмусам?<sup>1</sup>  
Барқ уродур гул юзунг, ҳай-ҳай, маҳи тобонмусан?<sup>2</sup>  
Хуш кулуб берғил жавобим, жонмусан,  
жононмусан?

Оллоҳ-оллоҳ, пора кўнглум тахтига султонмусан?  
Шишаи жонимға тушган бир пари жавлонмусан?

Силкиниб бир-бир юурсан, бул ажаб мастонасан,  
Май ичибон тир чекибсан, турфа гулгун ёнасан,  
Бу назокатда турурсан, сен начук жононасан?  
Гулмусан, райҳонмусан ё дурмусан, дурдонасан?  
Лаълму ёқутмусан ё гавҳару маржонмусан?

Оразинг — анвар, хатинг — анбар, лабинг — шаҳду шакар,  
Пистаи хандондур оғзинг, кўзларинг бодоми тар,<sup>3</sup>  
Оразинг саҳни аро холу хатингдур<sup>4</sup> жилвагар,  
Бу назокатлар била, ҳай-ҳай, келибсан дар назар,  
Гулмусан, булбулмусан, сунбулмусан, райҳонмусан?

Икки рухсоринг қизил гулдурму ё барги суман?<sup>5</sup>  
Донаи райҳон — қаро холу, хатинг — саҳни чаман.  
Сийм тан,<sup>6</sup> гул пираҳан,<sup>7</sup> ширин сухан, нозик бадан.  
Одамисан ё парисан бу назокат бирла сан,  
Ҳурмусан, филмонмусан, жаннатмусан,  
ризвонмусан?

Гул — юзунг, наргис — кўзунг, райҳон — хатинг,  
гулғунча — лаб,  
Маҳв бўлдум, эй пари, бир дам жамолинга қараб,  
Қоматинг нахли<sup>8</sup> биҳиштидур, занахдонинг<sup>9</sup> — рутаб,<sup>10</sup>  
Зулф ила холинг юзунг узра ярашубдур ажаб,  
Мисрға лашкар тўқубсан, шоҳи Ҳиндустонмусан?

Лаъли рахшондур<sup>11</sup> лабинг, курси сабоҳи<sup>12</sup> ғабгабинг,<sup>13</sup>  
Ой юзунгга хўб ярашур дона-дона кавкабинг,<sup>14</sup>  
Доғлар қўйди юракка ул қаро холу хатинг,  
Мунча доғ этмак недурким, эй ситамгар, кўзларинг,  
Ўлдурусан, тиргизурсан, Исои давронмусан?

То қадам қўйдинг чаман саҳнига, эй бехор<sup>15</sup> гул,  
Қилди пойандоз шамшоди қизил рухсор гул,  
Қарқаранг – сунбул, қулоҳинг – ғунчай дастор<sup>16</sup> гул,  
Қилди авродингни<sup>17</sup> Тури Синода такрор гул,  
Қоматингдур турфа нозук, химчай ларзонмусан?

Турраи зулфунг хам эгилди чин-чин<sup>18</sup> устиға чин,  
Чинийлар келди бу чин савдосиға Чин мулкидин,  
Силкиниб уйдин чиқарсан сарв бўйлуқ нозанин,  
Мен нечук қилмай фидо жону дилу имону дин,  
Хуш кулуб жоним олурсам, ғунчай хандонмусан?

Сўзларинг шаҳду<sup>19</sup> шакардур, лабларинг – қанду асал,  
Қоматингдур найшакар, бошдин аёғинг бебадал<sup>20</sup>,  
Бир наво айлай, қулоғ солғил, эшитгил филмасал,  
Булбулинг мен, сен гулимсан ҳам гулистоним азал,  
Машрабинг ўртанди, эй гул, оташи сўзонмусан?

---

<sup>1</sup>р а х ш о н м у с а м – ялтироқмисан порлоқмисан?; <sup>2</sup>т о б о н м у с а н – порлоқ оймисан?; <sup>3</sup>т а р – янги узилган, ҳўл; <sup>4</sup>х а т и н г д у р – устки лабдаги майин туклар; <sup>5</sup>с у м а н – ёсамин (жасмин), оқ гул; <sup>6</sup>т а н – кумуштан; <sup>7</sup>п и р а ҳ а н – гулкўйлак; <sup>8</sup>н а х л и – ниҳоли; <sup>9</sup>з а н а х д о н и н г – ияк; <sup>10</sup>р у т а б – янги узилган хурмо; <sup>11</sup>р а х ш о н д у р – порлайдиган, ярқироқ; <sup>12</sup>с а б о ҳ и – тонгги қуёш; <sup>13</sup>Ғ а б ғ а б и н г – баҳбақанг; <sup>14</sup>к а в к а б и н г – юлдузларинг (холларинг); <sup>15</sup>б е х о р – тикансиз; <sup>16</sup>д а с т о р – салла; <sup>17</sup>а в р о д и н г н и – муттасил такрорланадиган дуолар; <sup>18</sup>ч и н - ч и н – ҳалқа-ҳалқа бурама; <sup>19</sup>ш а ҳ д у – асал; <sup>20</sup>б е б а д а л – мислсиз.



\* \* \*

Хонумонидин жудо бўлган кишидин дард сўранг,  
Ўртаниб қадди дуто<sup>1</sup> бўлган кишидин дард сўранг,  
Юз аламга ошно бўлган кишидин дард сўранг,  
Бекасу<sup>2</sup> бемуттако<sup>3</sup> бўлган кишидин дард сўранг,  
Мисли мен, бедаступо<sup>4</sup> бўлган кишидин дард сўранг.

Телмуриб қолдим бу йўлда ҳамсафардин айрилиб,  
Йўл адошиб ғамдадурман роҳбардин айрилиб,  
Бахт қаро келдим бу йўлда яхшилардин айрилиб,  
Андалиб<sup>5</sup> эрдим, қолибман болу пардин<sup>6</sup> айрилиб,  
Мен каби бахти қаро бўлган кишидин дард сўранг.

Онадин туғмиш куним рўзе<sup>7</sup> ҳаловат кўрмадим,  
Бу работи кўҳнада мен истиқомат кўрмадим,  
Ғарқ бўлдум бир неча меҳнатга, роҳат кўрмадим,  
Ғуссадин ўлдум бу кун, хоби<sup>8</sup> фароғат кўрмадим,  
Хонабардўш<sup>9</sup> гадо бўлган кишидин дард сўранг.

Даст хушку<sup>10</sup> бибизоатман<sup>11</sup> жаҳондин бесамар<sup>12</sup>,  
Ғамноку оташга тушганман, қолибман муштипар,  
Бекасу бемуттако бўлган кишини ким сўрар,  
Ичганим захробадур<sup>13</sup>, ҳар соати хуни жигар,  
Ўртаниб соҳиб азо<sup>14</sup> бўлган кишидин дард сўранг.

Бул менинг рози дилимни зор бўлганлар билур,  
Дард кўрганлар билур, бемор бўлганлар билур,  
Ғусса-ғам бирла дили афгор бўлганлар билур,  
Бир азиз боши, чунонам, хор бўлганлар билур,  
Йўл аро бераҳнамо<sup>15</sup> бўлган кишидин дард сўранг.

Мисли қақнусдек беоташ ошёнимдин чиқар,  
Нола қилсам оташи сўзон забонимдин чиқар,  
Шўриши маҳшар менинг оҳу фиғонимдин чиқар,

Дард кўрганлар баёни дostonимдин чиқар,  
Ўртаниб қадди дуто бўлган кишидин дард сўранг.

Муддате бўлди, бу йўлда истироҳат менда йўқ,  
Кашфдин холидурурман, нури каромат менда йўқ.  
Лоладек сийнамда доғим бор, фароғат менда йўқ,  
Рози дил изҳор қилурға аҳли суҳбат менда йўқ,  
Ранги зарду қаҳрабо<sup>16</sup> бўлган кишидин дард сўранг.

Ғуссадин афсурдаман<sup>17</sup>, бағримда қоним қолмади,  
Бўлди хокистар<sup>18</sup> вужудим, устухоним қолмади,  
Ғам фано қилди мени, ному нишоним қолмади,  
Онқадар ўртанди жисми нотавоним, қолмади,  
Ҳажру ғам бирла фано бўлган кишидин дард  
сўранг.

Машрабо, зулматга ғарқ бўлди менинг обу гилим<sup>19</sup>,  
Бу сабабдин танг келибдур, боратургон манзилим,  
Ҳар замон, ҳар лаҳза, ҳар соат паришондур дилим,  
Изласам ёнимда йўқ бир ғамгусори қобилим,<sup>20</sup>  
Ўртаниб қолган, адо бўлган кишидин дард сўранг.

---

<sup>1</sup>д у т о – букилган; <sup>2</sup>Б е к а с у – кимсасиз; <sup>3</sup>б е м у т т а к о – суянчиқсиз; <sup>4</sup>б е д а с т у п о – қўлоёқсиз; <sup>5</sup>А н д а л и б – булбуд; <sup>6</sup>п а р д и н – қаноту пат; <sup>7</sup>р ў з е – бирор кун; <sup>8</sup>х о б и – уйқу; <sup>9</sup>Х о н а б а р д ў ш – хонавайрон, уй-жойсиз <sup>10</sup>х у ш к у – қуёш қуруқ; <sup>11</sup>б е б и з о а т м а н – мол-мулксиз, йўқсил; <sup>12</sup>б е с а м а р – хосилсиз, номурод; <sup>13</sup>з а ҳ р о б а д у р – зардоб; <sup>14</sup>а з о – азали; <sup>15</sup>б е р а ҳ н а м о – йўлбошчисиз; <sup>16</sup>қ а ҳ р а б о – сариқ тош; айнан: сомон тортар. Шу хусусият қаҳрибоди бор. <sup>17</sup>а ф с у р д а м а н – абгор; <sup>18</sup>х о к и с т а р – кул (олов кули); <sup>19</sup>Г и л и м – суву тупроғим (вужудим); <sup>20</sup>қ о б и л и м – яроқли ғамхўрим.

\* \* \*

Гул-гул юзунгни очиб кел сайри боғу дилбар,  
Нозу карашма бирла келгил қучоғу дилбар,  
Анбар исингни ҳар дам келтур димоға дилбар,  
Гулчеҳралар бошингдин бўлсун садоға дилбар,  
Раҳм айла, сийнам узра доғ узра доға дилбар.

Эй гул, менинг бу жоним бўлсун санга тасаддуқ,  
Бу жисми нотавоним бўлсун санга тасаддуқ.  
Йўлунгда хонумоним бўлсун санга тасаддуқ,  
Токи руҳи равоним бўлсун санга тасаддуқ.  
Раҳм айла, сийнам узра доғ узра доға дилбар.

Ишқингда, эй париваш, девоналар бўлубман,  
Жоми муҳаббатингдин мастоналар бўлубман.  
Сабру қарорим олдинг, сарсоналар бўлубман,  
Шамъи рухингда, эй моҳ, парвоналар бўлубман,  
Раҳм айла, сийнам узра доғ узра доға дилбар.

Қаддинг «алиф»га ўхшар, қошинг чу ё нигорим,  
Куйдум ғамингда, эй ёр, сўрсангчи ҳоли зорим,  
Ҳар дам мушавваш<sup>1</sup> айлаб, олдинг менинг қарорим,  
Ҳажрингдадур қаронғу, эй моҳ,<sup>2</sup> рўзғорим,  
Раҳм айла, сийнам узра доғ узра доға дилбар.

Бошингдин ўргулайин, икки қизил юзунгдин,  
Ҳам қадду қоматингдин, ҳам қошингу кўзингдин,  
Ул холи лаб ярашган авроқи оразингдин<sup>3</sup>,  
Жисмимда жон талошур ҳар жонфизо<sup>4</sup> сўзунгдин,  
Раҳм айла, сийнам узра доғ узра доға дилбар.

Ҳолимни сўрмадинг ҳеч, эй маҳваши шакарлаб,  
Эй маҳваши шакарлаб, эй шўхи сийм ғаб-ғаб,

Жон куйди тан ичинда, афсурда бўлди қолаб,  
Куйдурма, эй нигорим, мунча мени жафолаб,  
Раҳм айла, сийнам узра доғ узра доға дилбар.

Олмак қўнгулни, эй жон, ҳай-ҳай, на дилрабосан,  
Сангин<sup>5</sup> дилу жафожў, пурхашму<sup>6</sup> пуржафосан,  
Ҳубони олам ичра бир ҳури бевафосан,  
Найлайки, эй паризод, ғайр ила ошносан,  
Раҳм айла, сийнам узра доғ узра доға дилбар.

Ҳолимға қил тараҳҳум, эй сарви қадди раъно,  
Қил чашми марҳаматдин Машрабга бир дам парво<sup>7</sup>,  
Ғамзангнинг ўқи бирла тушти жаҳонга ғавғо,  
Ҳур ўлса сендин ўзга қилмам ани тамошо,  
Раҳм айла, сийнам узра доғ узра доға дилбар.

---

<sup>1</sup>м у ш а в в а ш – паришон; <sup>2</sup>м о ҳ – ой; <sup>3</sup>о р а з и н г д и н – юз чехра; <sup>4</sup>ж о н ф и з о – жон бағишловчи; <sup>5</sup>С а н г и н – тош; <sup>6</sup>п у р-х а ш м у – аччиғи тез; <sup>7</sup>п а р в о – назар.

## МУСАДДАСЛАР

\* \* \*

Не гурбатларни чектим, чархи бевунёд, дастингдин,  
Тамоми хонумоним ўлди чун барбод дастингдин,  
Қафасдин бўлмадимки, қумридек озод

дастингдим

Мудом мотамда бўлдум, бўлмадим дилшод

дастингдин,

Ҳама обод бўлди, бўлмадим обод дастингдин

Ки, мен ҳар қайға борсам, дод этарман, дод

дастингдин.

Кўзумнинг оқи янглиғ меҳрибонимдин аюрдилар,  
Дилимнинг қуввати руҳи равонимдин аюрдилар,  
Анисим, мунисим дилбанди жонимдин аюрдилар,  
Жаҳон гулзорида ул гулситонимдин аюрдилар.

Ҳама обод бўлди, бўлмадим обод дастингдин

Ки, мен ҳар қайға борсам, дод этарман, дод

дастингдин.

Чаманда булбули бехонумонман, ошёним йўқ,  
Мисоли чуғдек вайроналарда ҳам маконим йўқ,  
Вафолиғ ёр деб чиқти — жасадда балки жоним йўқ,  
Азизимдин жудо бўлдум, бошимга соябоним йўқ,  
Ҳама обод бўлди, бўлмадим обод дастингдин

Ки, мен ҳар қайға борсам, дод этарман, дод

дастингдин.

Бу олам халқи ичра дил паришон бўлмасун ҳеч

ким,

Кўзи чун телмуруб йўлларға, ҳайрон бўлмасун ҳеч

ким,

Баҳори гулшани умри зимистон<sup>1</sup> бўлмасун ҳеч ким,

Бу дунё дийдасига<sup>2</sup> торикистон<sup>3</sup> бўлмасун ҳеч ким,

Ҳама обод бўлди, бўлмадим обод дастингдин,  
Ки, мен ҳар қайға борсам, дод этарман, дод  
дастингдин.

Илоҳо, менга еткурғаймукин хуршиди матлабни,  
Саодат вақтида бошимға чун иқболи кавкабни,<sup>4</sup>  
Илоҳо, сен етур ҳиммат йўлиға хаста Машрабни,  
Кўтаргайсан бошимдин икки оламда қаро шабни<sup>5</sup>  
Ҳама обод бўлди, бўлмадим обод дастингдин  
Ки, мен ҳар қайға борсам, дод этарман, дод  
дастиндин.

<sup>1</sup>з и м и с т о н — қиш; <sup>2</sup>д и й д а с и г а — кўзига; <sup>3</sup>т о р и к и с т о н — қоронғистон; <sup>4</sup>к а в к а б н и — бахт юлдузи; <sup>5</sup>ш а б н и — тунни.

## МУСАДДАСЛАР

\* \* \*

Эй пари, юз кўрсатуб минг ноз ила боққонмусан?  
Хирмани умрумга ишқинг ўтини ёққонмусан?  
Меҳрдек<sup>1</sup> хуснунга зулфунг абрини<sup>2</sup> ёпқонмусан?  
Ўзга юзга боқмасун, деб кўзга мих қоққонмусан?  
Айланиб ҳар ёнға ғамзанг ўқини отқонмусан?  
Қатл айларға мени таржиҳ<sup>3</sup> этиб тошқонмусан?

Сунбул райҳон сочар ҳар дам паришон кокулинг,  
Барчани булбул қилур ул тоза<sup>4</sup> очилган гулинг,  
Маст этар ағёрни лаб жомидин гулгун мулинг,<sup>5</sup>  
Лаълу маржонлар тўкар кўз махзанидин<sup>6</sup> булбулинг,  
Илтифотинг махзанидин топмади маҳзун қулинг,  
Толъимга лутфу эҳсон эшигин ёпқонмусан?

Шодлик даври менга дур, ким — масканинг  
майхонадур,  
Туну кун ишрат майидин кўзларинг мастонадур,  
Лаългун<sup>7</sup> май нобидин<sup>8</sup> юзунг аро дурдонадур,  
Жон умид айлаб ўшал дурлар учун парвонадур,  
Дарду меҳнат тошидин кўнглум менинг вайронадур,  
Нотавон кўнглумга ҳар дам доғлар қўйғонмусан?

Мендин ўлдунг не учун, эй дилрабо, ошуфта ҳол,  
Барча эл кўнгул қушунг тутмоқ учун айлар хаёл,  
Лола янглиғ юзларингдур, қошларинг ойдек ҳилол,  
Дам-бадам сув ўрниға лаълинг тўкадур жоми бол,  
Сарв шохин ҳар тарафга мойил этгандек шамол,  
Жилва айлаб қайрилурса химчаи ларзонмусан?

Хўб ярошур, эй нигорим, бошинг узра қарқаранг,  
Ушбу зийнатлар била бул нотавонга бир қаранг!  
Тарки зулм эт, лаҳзае раҳм айла, эй шоҳи фаранг!

Қароси хўбдур, қошингга вусма бирла сурма ранг,  
Турфа нозук гул юзунгга кирпигинг санчиб хаданг<sup>9</sup>,  
Барча маҳваш ишқ аро қул, ҳусн аро султонмусан?

---

<sup>1</sup>М е ҳ р д е к — қуёшдек; <sup>2</sup>а б р и н и — булутуни; <sup>3</sup>т а р ж и ҳ — мумтоз, устун; <sup>4</sup>т о з а — янги; <sup>5</sup>м у л и н г — майинг; <sup>6</sup>м а х з а н и — д и н — хазинасидан; <sup>7</sup>Л а ъ л г у н — лаълранг, қизил; <sup>8</sup>н о б и д и н — тиниқ, тоза; <sup>9</sup>х а д а н г — камон ўқи.



\* \* \*

Соғар ичгач гул очилғондек қилурсан хандалар,  
Жон топар қаҳ-қаҳ унунгдин қайтадин жонкандалар<sup>1</sup>,  
Тийри ғамзангдин йўлингда кўп эрур афкандалар<sup>2</sup>,  
Барча зеболар сени кўрса бўлур шармандалар,  
Лайлию Ширин каби кўйингда юз минг бандалар<sup>3</sup>,  
Барча нурни нопадид<sup>4</sup> этган маҳи тобонмусан?

Қатл учун кийган тўнингни гул била тикканмудур?  
Ўлтуруб боқ ҳар тараф—андин сочилган қонмудур?  
Ҳар бири гулдек юз очиб сен каби жононмудур?  
Тиғ урсанг қочмайин қолғон қулунг нодонмудур?  
Нозу ғамзанг тиғи бирла ўлмаган ҳам жонмудур?  
Ўтмусан ё гулмусан ё лаълмусан, маржонмусан?

Оташин лаъли майингдин журъае<sup>5</sup> қилдим талаб,  
Ваъда қилдинг: «Лутфу эҳсондин беройин лаббалаб!»<sup>6</sup>  
Боқмадинг, билмам гуноҳим, кўз учи бирла қараб,  
Бул ажаб, маҳрам йўқинда бизга бўлди рўз<sup>8</sup> шаб<sup>9</sup>,  
Не сабабдин қувладинг мен хаста қулни ташналаб,  
Айтғило, тангри учун, чинму сўзинг ёлғонмусан?

Қатл этар ҳар кунда мен бечорани кофир кўзунг,  
Қайси шоҳни ҳадди манъ этмоққа — ҳокимсан  
ўзунг,  
Кеча—ишрат бирла, қон тўкмакда ўтти кундузунг,  
Лаҳзада юз минг ўлукға жон берур ҳар бир сўзунг,  
Ғунчадек оғзинг очиб, Машраб қулунгни тиргузунг,  
Ўлдурурсан, тиргузурсан — Исои давронмусан?

---

<sup>1</sup>ж о н к а н д а л а р — жон узганлар, марҳумлар; <sup>2</sup>а ф к а н д а л а р — шўрликлар; <sup>3</sup>б а н д а л а р — қуллар; <sup>4</sup>н о п а д и д — кўринмайдиган, ғойиб; <sup>5</sup>ж у р ъ а е — бир қултум; <sup>6</sup>л а б б а л а б —  
<sup>7</sup> лиммо-лим; <sup>8</sup>р ў з — кундуз; <sup>9</sup>ш а б — кеча.

## МУСАББАЪ

Эй гунчаи навхези<sup>1</sup> гулистон малоҳат,  
В-эй, тоза ниҳоли чаманорой назокат,  
Зулфи сияҳинг<sup>2</sup> фитнаю холу хатинг — офат,  
Йўлунгда тегар бошима минг санги<sup>3</sup> маломат,  
Мақбулсан, эй дилбари хуш лаҳжа, бағоят,  
Ваҳ-ваҳ, на гўзалсан, на ажойиб, на қиёмат!  
Ҳай-ҳай, на жафо қилса санам — жонима роҳат!

Ул холки кунжи<sup>4</sup> лаби жонона тушубдур,  
Жон олмоқ учун кўзлари мастона тушубдур,  
Ҳинду бачаки, мулки Сулаймона тушубдур,  
Ул чоҳи занахдонига<sup>5</sup> бир дона тушубдур,  
Чун Юсуфи Яъқубки зиндона тушубдур.  
Ваҳ-ваҳ, на гўзалсан, на ажойиб, на қиёмат!  
Ҳай-ҳай, на жафо қилса санам — жонима роҳат!

Гул гунчаи нозик баданим, лола узорим,  
Шамшод қадим, сийм таним<sup>6</sup>, чашми<sup>7</sup> хуморим,  
Ҳусн мулкида жонона бўлан шоҳсуворим<sup>8</sup>,  
Кел олдима жон садқа қилай сенга, нигорим,  
Ҳам сабру қарор қолмади, кўнглумда — мадорим.  
Ваҳ-ваҳ, на гўзалсан, на ажойиб, на қиёмат!  
Ҳай-ҳай, на жафо қилса санам — жонима роҳат!

Ҳуснунг варақида ёзилиб турфа ажиб хат,  
Ёким ясамишлар табақи лаълу забаржад<sup>9</sup>,  
Бир шеваи ноз ила агар неку<sup>10</sup> агар бад<sup>11</sup>,  
Рафторинг ила қоматинг ул тўбии хушқад,  
Эй моҳи барин<sup>12</sup>, зулфи сиёҳингки мужаррад.  
Ваҳ-ваҳ, на гўзалсан, на ажойиб, на қиёмат!  
Ҳай-ҳай, на жафо қилса санам — жонима роҳат!

Эй муғбача, марғублуғинг ҳаддин ўтубдур,  
Овозаи ҳуснунг ҳама оламини тутубдур,  
Гулзори жамолиннга гулу лола битубдур,  
Машшотаи<sup>13</sup> тақдир сени хуш ясатубдур,

Юзунгни кўруб, одами жаннат унутубдур.  
Ваҳ-ваҳ, на гўзалсан, на ажойиб, на қиёмат!  
Ҳай-ҳай, на жафо қилса санам — жонима роҳат!

Бул турфа хироми қилибон неча таманно,  
Кўйдум, мени ёд этмадинг, эй маҳвашим, асло,  
Лаълингга ёзилган хати сабзанг — гули раъно,  
Бир тарз нигоҳингга қилибсан мени шайдо,  
Қошинг қаламу шамъи жамолинг чаманоро.  
Ваҳ-ваҳ, на гўзалсан, на ажойиб, на қиёмат!  
Ҳай-ҳай, на жафо қилса санам — жонима роҳат!

Даврон эли бу тарзи нигоҳингга тасаддуқ,  
Оҳуи Хўтан чашми сиёҳингга тасаддуқ,  
Жононаи Чин зулфи дутоҳингга<sup>14</sup> тасаддуқ,  
Бағдод ила Рум тарфа<sup>15</sup> кулоҳингга тасаддуқ,  
Мен ҳам бўлайин рўйи чу моҳингга<sup>16</sup> тасаддуқ.  
Ваҳ-ваҳ, на гўзалсан, на ажойиб, на қиёмат!  
Ҳай-ҳай, на жафо қилса санам — жонима роҳат!

Ҳар дам мани бечора қилиб дод ила афғон,  
Кўйингда юрубман неча йил бесару сомон,<sup>17</sup>  
Ул сарви қадинг ёдина қумри каби нолон,  
Қурбонинг ўлай, мунча мени қилма паришон,  
Сенсан шоҳу ҳоқону жононаи даврон.  
Ваҳ-ваҳ, на гўзалсан, на ажойиб, на қиёмат!  
Ҳай-ҳай, на жафо қилса санам — жонима роҳат!

Кокулларинг ҳалқасин чун ой кўрубман,  
Жон риштасин ҳар ториға баржой кўрубман,  
Киприкларинг ўқларини ёй кўрубман,  
Гисуларинг сунбулин барпой кўрубман,  
Машрабни ўзум ошиқи худрой<sup>18</sup> кўрубман.  
Ваҳ-ваҳ, на гўзалсан, на ажойиб, на қиёмат!  
Ҳай-ҳай, на жафо қилсам санам — жонима роҳат!

---

<sup>1</sup>н а в х е з и — ёш, тоза, янги ўсиб келаётган; <sup>2</sup>с и я ҳ и н г — қора; <sup>3</sup>с а н г и — тоши; <sup>4</sup>к у н ж и — бурчаги, чети; <sup>5</sup>з а н а х д о н и г а — ияк чуқурчасига (кулгичига); <sup>6</sup>т а н и м — кумуш тошим; <sup>7</sup>ч а ш м и — кўзи; <sup>8</sup>ш о ҳ с у в о р и м — чавандозим; <sup>9</sup>з а б а р ж а д — қимматбаҳо яшил товланадиган тош; <sup>10</sup>н е к у — яхши; <sup>11</sup>б а д — ёмон; <sup>12</sup>б а р и н — юксад, олий даражали; <sup>13</sup>М а ш ш о т а и — қиз-келинларни пардозлаб безатадиган аёл; <sup>14</sup>д у т о ҳ и н г г а — қайрилма зулфингга; <sup>15</sup>т а р ф а — учига; <sup>16</sup>о ҳ и н г г а — ойдай юзингга; <sup>17</sup>с о м о н — далли-девона; <sup>18</sup>х у д р о й — ўзбошимча, қайсар.

## **МУНДАРИЖА**

Бобораҳм Машраб

Ғазаллар

Мустазодлар

Мураббаълар

Мухаммаслар

Мусаддаслар

Мусаббаъ